

ЭЗГУЛИККА ЭЛТУВЧИ САНЪАТ



— Омонулла ака, театр инсонларни эзгулик, поклик, яхшилик сари етаклаб келган энг қадим санъат турларидан биридир. Шу боисдан ҳам 1998 йил 26 март куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги тизимида “Ўзбектеатр” ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ва унинг қошида Театр ижодкорлари уюшмаси ташкил қилинди. Ўтган давр ичида тизимда амалга оширилган ишлар хусусида сўзлаб берсангиз.

— Чиндан ҳам, мамлакатимизда минг йиллар давомида шаклланиб, тараққий этиб келаётган театр — томоша санъати энг аввало, таъкидлаганингиздек, эзгулик, поклик, меҳр-мурувват сингари чин инсоний фазилатларни улуғлаб, кишиларни маънавий гўзаллик сари етаклаб келмоқда. Бу

гунги кунда турмушимизга тобора чуқур кириб бораётган миллий гурур, миллий мафкура, миллий истиқлол ғояси тушунчаларини халқимиз, айниқса, эндигина шаклланиб келаётган ёш авлод онгига сингдиришда театр санъатининг ўрни бекиёсдир. Шу маънода, 1998 йил Президентимиз томонидан “Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида”ги тарихий Фармоннинг қабул қилиниши, шубҳасиз, мамлакатимиз театр ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

Фармон энг аввало, санъаткорларга эркин ижод қилиш имконини берди. Давлат театрлари билан ёнма-ён, мустақил фаолият юритувчи турли шаклдаги ижодий жамоалар ҳамда қатор театр-студиялар дунёга келди. Фармонга мувофиқ, “Ўзбектеатр” ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ва унинг қошида Театр ижодкорлари уюшмасининг ташкил қилинганлиги эса ушбу мураккаб санъат турини ташқаридан эмас, балки бевосита ўз-ўзини бошқарувга ўтиш учун ўз вақтида қурилган, мустақам кўприк бўлди.

Бу йил ана шу тарихий Фармоннинг эълон қилинганига роппа-роса олти йил тўлди. Албатта, олти йил катта тарих китобида кичик бир саҳифа, холос. Бироқ ана шу мўъжазгина саҳифаларда мустақил Ватанимизнинг барча соҳаларида бўлганидек, театр санъатида ҳам рўй бераётган ислохотларнинг баъзи қирраларини ўқиш мумкин. Авваламбор, шу қисқа давр мобайнида театрларнинг моддий-техник базаси бир мунча мустақамланди, Ўзбек Миллий академик драма театри, Ўзбекистон академик рус драма театри, Наманган вилоят мусиқали драма театри бинолари тубдан қайта қурилди, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик Катта театри, Ўзбекистон Ёшлари театри, Андижон, Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари, Қорақал-



Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган.

Муассис:

**Ўзбекистон Республикаси
Маданият ишлари
вазирлиги**

**Бош муҳаррир
Азим СУЮН**

Тахрир хайъати:

**Бобур АЛИМОВ,
Нилуфар АЛИХОНОВА,
Маҳмуд БЎРОНОВ**
(бош муҳаррир ўринбосари),
**Бахтиёр ГАНЖАМУРОД,
Неъматилла ИБРОҲИМОВ,
Жалолбек ЙЎЛДОШБЕКОВ**
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
**Абдусайд КЎЧИМОВ,
Отаназар МАТЌУБОВ,
Абдусайд НУРБОЕВ**
(масъул котиб),
**Муҳаммаджон ОБИДОВ,
Абдулла ОРИПОВ,
Шухрат РИЗАЕВ,
Рустам ШОҒУЛОМОВ,
Эркин ЭРНАЗАРОВ,
Жуманазар ҲУСАНОВ.**

Бўлим муҳаррирлари:

**Комил ЖОНТОВЕВ,
Манзура ШАМСИЕВА.**

Саҳифалаш ва дизайн:

**Беҳзод ИЛЁСОВ,
Шахло ҲОШИМОВА.**

Мусахҳиҳ

Ёрбек ИСКАНДАР.

Фотомуҳбир

Дмитрий КУРЬЯКОВ.

Навбатчи муҳаррир

Комил ЖОНТОВЕВ.

Ушбу сонда:

Азамат МУХТОРОВ

МАЪНАВИЙ КАМОЛОТ

6



Қадрлиқ китобларнинг руҳи

8

Сайёра ТҮЙЧИЕВА

МАҲАЛЛА — МАЪНАВИЯТ УЧОҒИ

12

Шукур ХОЛМИРЗАЕВ

От йили

30



Маданият мисотиби

38



Dono qiz

41

Нормат ЙЎЛДОШЕВ

“КЎНГИЯ ЯНГИЛИК ҚИДИРАДИР...”

42



Туғилган

*Аввалдангизни улам берилгиз,
бизларнинг...*

Guliston

2004/2

44

Босишга 23.04.2004 да топширилди. Қоғози 60x84 1/8. Ҳажми 6 босма табоқ.

Буюртма №151, Нусхаси 1005.

Тахририят манзили: 700029, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Телефонлар: Қабулхона: 136-56-01. Бош муҳаррир ўринбосари: 133-08-57

Масъул котиб: 133-07-94. Факс: 133-08-57

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри Х. Сулаймонова кўчаси, 33 - уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 091 — рақам билан рўйхатга олинган.

погистон Республикаси муסיқали драма ва Ёш томошабинлар театрлари бинолари капитал таъмирланди, Сурхондарё вилоятида янги кўғирчоқ театри ташкил қилиниб, ажойиб бинога жойлаштирилди. Театрларнинг барчаси янги "Отайўл" автобуслари билан таъминланди. Кўпчилик театрларда энг замонавий техник ускуналар ишлаб турибди. Шунингдек, ўтган қисқа давр мобайнида ўнлаб театр ижодкорлари мамлакатимизнинг юксак мукофотлари ва унвонларига сазовор бўлдилар. Бу ҳаммаси, ҳукуматимизнинг санъаткорларга бўлган эътибори, мамлакатимиз театр санъатини янада ривожлантириш учун яратилаётган шарт-шароитларнинг амалий ифодасидир. Ана шу юксак ишонч ва эътиборга муносиб даражада ижод қилиш учун энг аввало, Фармон ва қарорга таянган ҳолда, мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислохотларга мос равишда театр ишини ҳам ташкилий, ҳам ижодий, ҳам иқтисодий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиш, янги режа ва лойиҳалар асосида ишлаш амалиёти йўлга қўйилмоқда. Бу соҳада бир қанча театр фестивалларининг жорий қилиниши ижодий изланишларнинг жонланишида дастлабки қадамлардан бўлди. Театрларда ҳар йили турли мавзу ва жанрларда ўнлаб янги асарлар саҳналаштирилмоқда. Чиндан ҳам, спектаклларнинг саноғи кўп, лекин уларнинг бадиий савияси ва тарғибот-ташвиқот ишларининг даражаси бир-бирдан жиддий фарқ қилади. Афсуски, баъзи театрларимиз ўзларининг ижодий маҳсулотларини томошабинларга етказишда сусткашликка йўл қўймоқдалар. Оқибатда, яхшигина саҳна асарларининг кенг томошабинлар оммасига етиб бориши қийин кечмоқда. Бу соҳада айниқса, Сиз журналистларнинг, оммавий-ахборот воситалари ходимларининг ёрдамига жуда катта эҳтиёж сезилмоқда.

— Республикаимизда театр санъатини ривожлантириш бўйича мўлжалланаётган ишлар кўлами унинг ёрқин истиқболдан дарак бериб турибди. Лекин санъатнинг

довруғини оширадиган, унинг шон-шавкатини кўтарадиган куч санъаткор ва ижодкордир. Шундай экан, республикаимиз театрлари учун иқтидорли кадрларни тайёрлаш ишларини тўғри йўлга қўйишда қандай ишлар қилинди ва қилинмоқда?

— Жуда ҳам тўғри масалани кўтардингиз. Дарҳақиқат, миллий маданиятимиз ва санъатимизнинг ривожини ва эртанги кунини энг аввало, ёш, иқтидорли кадрларни тарбиялаб вояга етказиш ва уларни катта саҳнага олиб кириш билан у з в и й боғлиқдир. Мамлакатимизда бу соҳада ҳам амалий ишлар олиб боририлмоқда.

Хусусан, Миллий рақс ва хореография Олий мақтабининг, Камолитдин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институтининг ташкил этилганлиги, Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институтида драматург ва режиссёрлар тайёрловчи икки йиллик Олий курсларнинг жорий қилиниши, Тошкент давлат консерваторийсининг Ўзбекистон давлат консерваторийсига айлантирилиб, унинг учун жаҳон стандартлари талабларига жавоб бера олувчи махсус бино қурилганлиги ёш иқтидорларга давлатимиз томонидан яратилаётган имкониятларнинг ёрқин намуналаридандир. Бу олий ўқув юртларида республикаимизнинг энг етуқ устоз санъаткорлари ёшларга санъат илмидан сабоқ бериб келмоқдалар. Бугунги кунда Маданият ишлари вазирлиги, "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан ушбу олий ўқув юртларини таъминлаётган иқтидорли ёшларни театрларга олиб кириш борасида кенг қамровли, мақсадли режа-дастурлар ишлаб чиқилди. Бу дастурлар бир неча босқичдан иборат

бўлиб, биринчи босқичда, республикаимизда, айниқса, вилоят театрларида профессионал режиссёрларга бўлган эҳтиёжнинг жуда ҳам кучли эканлигини назарда тутиб, Санъат институтининг режиссёрлик курсини битираётган ўнга яқин ёшлар вилоят театрларига янги асарларни саҳналаштириш учун юборилди. Бунда ҳар бир ёш режиссёрнинг индивидуал имкониятларини ҳисобга олган ҳолда алоҳида лойиҳалар асосида асар танланди



ҳамда уларнинг ҳар бирига устоз санъаткорлардан бадиий раҳбар сифатида маслаҳатчи-консултантлар бириктириб қўйилди. Қорақалпоқ театрлари учун Санъат институтида махсус очилган курс бу йил битирув арафасида турибди. Тез кунларда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят томошабинлари ана шу ёш иқтидорларнинг дебют ишлари гувоҳи бўладилар. Режиссёрлар билан ёнма-ён талаба актёрларимиз ҳам катта саҳналарга чиқа бошладилар. Ёшлар билан бирга театрларга янги куч келиб қўшилмоқда, саҳналарда ёшлик, жўшқинлик нафаси уфурмоқда. Бу ҳолат миллий театр санъатимизда янги бир оқимнинг, янги кайфият, умидли авлоднинг бўй чўзаётганидан дарак беради.

— Яқинда ўтказилган "37+1" "Ўзбектеатр" бирлашмаси лойиҳалари асосида замонавий мавзуларда саҳналаштирилган спектаклларнинг I Республика кўрик-фестивали тўғрисида сўзлаб берсангиз.

— Авваламбор, ушбу фестивални таъсис этиш гоёси тўғрисида икки оғиз маълумот бериб ўтсак. Хабарингиз бор, ўтган йили бирлашма томонидан йирик мутахассислардан иборат махсус гуруҳ тузилиб, йил давомида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги барча театрларнинг фаолияти атрофлича, чуқур ўрганиб чиқилди, социологик сўровлар, тадқиқотлар ўтказилди. Кузатувлар мобайнида юзага келган фикр-мулоҳазалар, таклиф ва тавсиялар асосида театр соҳасида келажақда амалга оширилиши лозим бўлган асосий вазифаларни белгилаб олиш ва амалга ошириш йўлларини топиш мақсадида 2003 йил апрел ойида Наманган шаҳрида “XXI аср ўзбек театри: режиссура ва актёрлик санъати истиқболи” мавзусида, декабр ойида эса Тошкент шаҳрида “XXI аср Ўзбекистон кўғирчоқ театри санъати истиқболи” деган ном билан республика театрларининг илмий-амалий семинар-кенгашлари ўтказилди. Ҳар иккала анжуман ҳам республика оммавий-ахборот воситалари орқали кенг ёритилди. Муҳокамалар, фикр алмашувлар натижасида келиб чиққан хулосаларга кўра, бугунги кунда театр санъатини жонлантириш учун энг қулай йўл — ҳар бир театр жамоасининг ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда янги сахна асарлари тайёрлашга ўтиш, деган қарорга келинди. Республикамизда жами 37 та профессионал давлат театрлари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири билан лойиҳалар асосида замонавий мавзуда, янги спектакллар тайёрлаб, ана шу лойиҳаларнинг кўрик-фестивалини ўтказиш ва уларнинг энг яхшиларини республика бўйлаб гастролларини уюштириш ва хорижий давлатлардаги турли фестивалларга тавсия қилиш вазифалари мақсад қилиб кўйилди. Бу жараёнларда “Ўзбектеатр” бирлашмаси нафақат раҳбар балки, ана шу 37 ижодий жамоанинг бир бўлаги — ажралмас таркибий қисми сифатида улар билан ёнма-ён ижод қилди. Шунинг учун ҳам ушбу фестивални рамзий маънода “37+1” деб номладик. Фестивалнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, спек-


такларнинг барчаси “Ўзбектеатр” бирлашмаси “Артмадад” жамғармаси томонидан ажратилган маблағлар ҳисобига саҳналаштирилди. Фестивалнинг барча сарф-харажатлари ҳам ушбу жамғарма ҳисобидан қопланди.

Фестиваль уч босқичдан иборат бўлиб, унинг биринчи босқичи шу йил 27 март “Халқаро театр куни” Ўзбек Миллий академик драма театрида ўз ишини бошлади. Иккинчи босқич Тошкент театрлари, учинчи босқич эса мамлакатимиз кўғирчоқ театрлари лойиҳаларига бағишланади.

Биринчи босқич асосан, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят театрларининг лойиҳалари асосида саҳналаштирилган спектаклларнинг намоишига бағишланди. Фестивалда Қорақалпоғистон Республикаси ёш томошабинлар театри “Муҳаббатим — ҳаётим”, Самарқанд вилояти Ҳамид Олимжон номидаги мусиқали драма театри “Күёш ўғли — Спитамен”, Каттағўрғон шаҳар Абдулҳамид Мажидий номидаги драма театри “Қора вабо”, Андижон вилояти Бобур номидаги мусиқали драма театри “Бегойим”, Андижон шаҳар ёшлар театри “Устаси фаранг”, Фарғона вилояти Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги мусиқали драма театри “Кўш кабутар”, Жиззах вилояти Юнус Ражабий номидаги мусиқали драма театри “Бойқуш”, Сирдарё вилояти Олим Хўжаев номидаги мусиқали драма театри “Тўй”, Ўзбекистон Ёшлари театри “Қабоҳат тузоғи” спектакллари билан қатнашдилар. Фестивалнинг меҳмони сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси бадий лойиҳаси асосида саҳналаштирилган “Қирмизи олма” спектакли намоиш этилди.

Фестивалда қатнашган спектаклларнинг барчаси ўзида бугунги куннинг энг долзарб мавзуларини акс эттириши билан бир қаторда, шакл-шамойили, жанр қурилмаси, саҳнавий талқини, режиссураси, актёрлар ижроси ва бошқа бадий хусусиятлари билан ранг-баранг манзарани намоён қилди. Ушбу сахна асарларида асосан тинчлик-тотувлик, меҳр-

муҳаббат, Ватанга садоқат туйғулари улугланади, порахўрлик, гиёҳвандлик, терроризм сингари иллатларнинг мудҳиш оқибатлари бадий лавҳаларда ифода қилинади. Деярли барча спектаклларда келажагимиз бўлган ёшларимиз тақдирига бўлган хайрихоҳлик асосий эътиборда туради. Ушбу лойиҳаларнинг яна бир ўзига хос



муҳим томони шундаки, уларда устоз санъаткорлар билан ёнма-ён эндигина институтни тамомлаш арафасида турган ёш, иқтидорли йигит-қизларимиз ҳам иштирок этмоқдалар. Юраги янгилик кашф қилиш иштиёқи билан ёниб турган ёшлар сахналаштирган спектакллар янги шакл ва йўналишлардаги изланишлари билан



алоҳида суҳбатга мавзу бўлиши мумкин. Фестиваль давом этаётганини эътиборга олиб, спектаклларни баҳоловчи махсус ҳайъат аъзоларига таъсир ўтказмаслик учун, ҳозирча спектаклларнинг сахнавий даражаси хусусида фикр билдирмоқчи эмасмиз. Насиб қилса, фестивалимиз ниҳоясига етгач, ушбу анжуманнинг сабоқлари тўғрисида кенгроқ доирада, батафсил мулоҳаза юритиш имкониятига эга бўламиз.

— Республикамизда театр санъатини янгича ўзганга солиб юбориш учун нималарга эътибор қаратиш лозим бўлди? Бу борада қандай ютуқларга эришилди? Муаммолар нималардан иборат? Жаҳон аренасига чиқиш учун қандай имкониятлар бор? Улардан қандай фойдаланилмоқда? Ёш ижодкорлар ҳақида фикрингиз...

— Суҳбатимиз бошида таъкидлаб ўтганимиздек, Президентимиз томонидан имзоланган “Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида”ги Фармон мамлакатимиз театр санъатини янги, замонавий тамойиллар асосида ривожлантириш борасида бурилиш нуқтаси бўлди. Шу кунгача театр соҳасида олиб борилаётган илмий-ижодий, иқтисодий, ташкилий ҳамда кадрлар масаласига доир ишларнинг барчасида асосий мезон Президент Фармони ва шу асосда қабул қилинган ҳукумат қарорларининг мазмун-моҳияти билан изоҳланади. Албатта, муаммо ва камчиликлар барчамизга маълум. Лекин шу билан бирга, Фармон ва қарорларга таянган ҳолда театр соҳасида баъзи бир ижобий хатти-ҳаракатларнинг самараси ҳам кўзга ташланиб қолди. Энг муҳими, санъаткорларимиз уйғонди, театрларимизга томошабин қайта бошлади.

Жаҳон аренасига чиқиш ҳақида тўхталадиган бўлсак, шўро даврида ҳатто, қўшни республикага ҳам марказнинг руҳсатисиз чиқа олмаган театр жамоаларимиз, эндиликда дунё сахналарига чиқдилар. Бунга мисол қилиб, Ўзбек Миллий академик драма театри, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон

давлат академик Катта театри, Ўзбекистон Ёшлари театри, Аброр Ҳидояттов номидаги театр, Республика ёш томошабинлар театри, Республика кўғирчоқ театри, Самарқанд, Фарғона вилоят кўғирчоқ театрлари, Андижон ёшлар театри, “Мулоқот”, “Эски маҷит”, “Илҳом” театр-студиялари ва бошқа жамоаларнинг чет эл сафарларини келтириш мумкин. Ундан ташқари, энг ривожланган мамлакатларга спектакл сахналаштириш учун режиссёрларимизнинг таклиф қилинишлари одатий ҳолатга айланиб бормоқда. Куни кеча ўтказилган кўрик-фестивалимизда қатнашган Халқаро театр фестивали продюссерлари Ўзбекистондан риккита спектакл ва иккита ёш режиссёрни Халқаро фестивалда иштирок этиш учун таклиф қилганликлари бу соҳада энг янги маълумотлардан биридир. Уларнинг айтишича, танлов асосида ушбу фестивалда қатнашиш ҳуқуқини Марказий Осиё театрларидан фақат бизнинг мамлакатимиз режиссёрларигина қўлга киритганлар. Барча харажатларнинг фестивал ташкилий кўмитаси томонидан қопланиши унга таклиф этилувчи жамоаларнинг жиддий танловдан ўтказилишини кўрсатиб турибди. Қувонарлиси яна шундаки, ҳар иккала режиссёр ҳам эндигина институтни тугатиб, вилоят театрларида биринчи ишларини кўрсатган ёшларимиздандир. Албатта, биз камчиликларимиздан сабоқ олган ҳолда, ҳар бир кўзга кўринган кичкинагина ижобий ҳаракатлардан ҳам унумли фойдаланиб, уларни иложи борича ҳаётга чуқурроқ тадбиқ қилишимиз керак. Ана шундай кичик-кичик, аммо хайрли қадамлар ҳам катта санъат сари илдамроқ боришимиз учун мустаҳкам таянч бўлиши мумкин.

— Эзгу ниятларингиз ижобатини тилаймиз. Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

Абдусайд НУРБОЕВ
суҳбатлашди.

МАЪНАВИЙ КАМОЛОТ

Инсон маънавиятининг минг бир сифати, беҳисоб жиҳати ва қирралари бор. Ҳаё ва андиша, вафо ва садоқат, ўқтамлик ва ташаббускорлик, босиқлик ва камтарлик, фаросат ва заковат, баҳоғат ва фасоҳат, мардоналик ва маъсулият. Хуллас, жами инсоний фазилатлар — маънавият даракчиларидир.

Ўз навбатида бу фазилатларнинг ўзаро уйғунлиги инсон шахси, унинг нуфузи, имони, эътиқоди ҳамда диёнати, гурури ва одамийлиги билан ўзаро мужассамдир. Имон бутунлиги эса, қалбда дину диёнат, меҳр-муруватнинг қай даражада шаклланганлигини кўрсатади.

Иймон инсоннинг бирор нарса-ҳодисага қаттиқ ишончи, эътиқодини билдиради. Фақат эътиқод эзгу амалларга қаратилган бўлсагина, иймонга асос бўла олади. Ҳаётда тўғри йўл топишнинг мезони иймон ҳисобланади. Иймонга асосланган руҳий ҳолатларнинг мазмуни, аҳамияти шахс маънавий камолот даражаси билан белгиланади. Маънавиятнинг бу жиҳатлари ахлоқ, одоб, бурч ва маъсулият туйғуси, билим ва тажриба асосида шаклланиб, инсон руҳий оламининг негизини ташкил этади.

Иймоннинг руҳонийдан ташқари дунёвий мазмуни ҳам мавжудлигини алоҳида таъкидламоқ зарурдир. Иймоннинг дунёвий-илмий маъноси юксак ахлоқий қоидаларни ўз ичига олади. Шунини таъкидлаш жоизки, иймон нафақат айнан бир инсонга, балки бутун бир жамиятга хос бўлган жиҳатларни ҳам ифода этади. Бу ўринда иймон ва эътиқод тушунчаларининг ўзаро алоқадорлигини таъкидлаб ўтиш керак.

Иймонни эътиқод ва ишонч тушунчалари билан бир қаторда қўллаш одат тусига кирган. Ҳолбуки, улар ўртасида муайян тафовутлар мавжуд. Иймон эътиқоднинг олий шаклидир. Бошқача айтганда, эътиқод шахс томонидан ихтиёрий қабул қилганидагина чинакам иймон даражасига кўтарилади.

Ҳамманинг қалбида иймон мавжуд. Фақат уни қандай парваришлаш эътиқод мустаҳкамлигига, маънавият даражасига боғлиқ. Иймонли бўлиш ҳар қандай шароитда маънавий қадриятларга таяна билишдир. Бу эса анча мураккаб. Абу Ҳамид Муҳаммад Ғаззолийнинг таъкидлашича, "Иймон пайғамбарлар келтирган ҳукмларни тил билан айтиб, дил билан тасдиқлаб, аъзолари ила амал қилмоқликдан иборат".

Ҳадисларда Ватанни севиш ҳам иймоннинг бир кўриниши сифатида талқин этилади. Иккинчи томондан, Ватанни севиш миллий, ижтимоий-сиёсий ҳодисадир. Ватанни севмоқ — иймонданлиги иймоннинг дунёвий моҳиятини кўрсатувчи яна бир далилдир.

Ўтмишда мадрасалар ва мактабларда ўқитиладиган "Чор китоб"да ҳам ёшларни иймонли қилиб тарбиялаш, уларда муайян ахлоқий фазилатларни шакллантиришга эътибор қаратилгани маълум. Инсон илоҳий ирода, диний йўл-йўриқларни бурч ва маъсулият деб тушунади, ўз фаолияти ва маънавий эҳтиёжларини шунга мослаштиради. Иймони мукамал кишини ҳеч қачон, ҳеч қандай йўл ва усул билан йўлдан оздириш мумкин эмас. Умуман олганда, эркин эътиқод иймон фарзанди бўлмоғи лозим. Бошқача айтганда, миллатнинг эътиқод ва иймонини ҳимоя қилмоқ мустақил давлатнинг асосий вазифаларидан бирига айланиши керак.

Иймоннинг ўзига хос хусусияти шундаки, у фидойиликни, мақсадни амалга ошириш йўлида фаолликни тақозо этади. Бинобарин, инсон ўзи ишонган нарсани дилга тугиш билан чекланмаслиги, аксинча, унинг рўёбга чиқиши учун кескин курашга бел боғлаши талаб қилинади. Зеро, ҳар қандай гоё инсон иймони, унинг маслағига айлангандагина фаоллик касб этади.

Маслак эса муайян гуруҳ, шахс ва касб эгаларининг бир хилдаги ақида-си, ўзгармас қонун-қоидаларидир. Ўз ақидаларидан шароит тақозоси билан воз кечадиган инсон маслаксиз ҳисобланади. Айрим ҳолларда маслаксизлик риёкорлик, ёлғончилик ҳамда мунофиқликнинг доясига айланади. Шунинг учун ҳам маслағи мустаҳкам кишиларни халқимиз севиб, иймонли-эътиқодли деб баҳолайди. Буюк бобокалонимиз Алишер Навоий айтганларидек, вафосизда ҳаё, ҳаёсизда вафо бўлмайди.

Иймон алоҳида бир фазилат эмас, балки инсонга хос етук маънавий мезонларнинг муайян тизимидир. Иймонли одам комил инсон бўлади. Демак, иймон комил инсонлиқни ифодаловчи барча фазилатларни ўз ичига олади. Иймон инсон қалбида эътиқод билан боғланиб чуқур томир отади.

Эътиқод — бирор нарсага бутун борлиги билан ишонган инсонда вужудга келади. Кишидаги бу ишонч эътиқод объектини атрофлича ўрганиш натижасида тобора кучайиб боради. Умуман, одам ишончсиз яшай олмайди. У нимагадир ишонади, эътиқод кўяди.

Эътиқод масаласида инсонни мажбурлаб бўлмайди. Шу маънода, эътиқод эркинлигини ҳимоя қилиш ҳамманинг инсонпарварлик ва ҳурриятпарварлик бурчидир. Ватанига, миллатига, халқига эътиқод қўйиш барча ақли расо инсонларга берилган хусни неъматдир.

Азамат МУХТОРОВ,
фалсафа фанлари номзоди, доцент.

“ҚАНДАЙ БИЛСИН ОТ ҚАДРИН...”

*ёхшуд кўпкари билан боғлиқ миллий
қўшиқлар*

Улоқ-кўпкари

Улоқ — ўзбек халқининг қади- мий, миллий, оммавий ўйинла- ридан бири бўлиб, асосан, ҳосил байрамларида, тўйларда, турли байрамларида ташкил этилган. Туркий халқларда оила- да ўғил бола туғилиши ме- росхўр авлод, ўринбосарнинг дунёга келиши сифатида эъзо- ланади. Улоқ қадимда фақат ом- мавий томоша ёки шунчаки ўйин бўлмасдан, балки йигит- ларни тарбиялаш мактаби ва- зифасини ҳам ўтаган. Марказий Осиёда чорвачилик, хусусан, йилқичиликнинг ривожланишига катта ҳисса қўшган. Улоқ ўйин- лари орқали от наслини яхши- лашга, чидамли, чопағон зотлар- ни кўпайтиришга ҳам эътибор берилган. Шу ўринда Хитой ман- баларида Ўрта Осиё аргумоқла- рига лол қолиниши ҳам бежиз эмаслигини таъкидлаш лозим. Чунки от зотларининг ҳаммаси ҳам улоқ ўйинларининг ўзига хос қийинчиликлари, тартиб қоида- ларига чидаш бера олмаган. Араб, оқалтегин, қорабайир, курама, ҳозирги Орлов зотли отлар улоқчи ҳисобланади.

Улоқ кўпроқ ўғил болаларнинг хатна тўйларида, Кўнғирот, Курама, Минг, Манғит, Ойрат, Ёйилма, Кенагас, Қипчок, Бар- лос каби туркий уруғларда ҳам- да қирғиз, қозоқ, тожик халқла- рида бошқаларга нисбатан кўпроқ чопилган. Тоғли, тоғолди минтақаларда улоқдан ташқари от билан боғлиқ от кураш — ағдармачоқ ўйини ҳам мавжуд. Унда даврага икки чавандоз- полвон таклиф этилиб, баковул кўрсатмаси билан курашни бошлаганлар. Кураш олдида ва сўнг чавандозлар манзили, исм- шарифи эълон қилинган. Ҳар бир чавандоз бунда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган.

Киз қувди

Айрим ҳолларда улоқдан ол- дин «Киз қувди» ўйини ҳам таш- кил этилган. Бу ўйин кўпроқ ом- мавий сайлларда ўтказилган. Ўйинда чавандоз йигит қандай йўл билан бўлса-да, олдинроқда от қўйиб кетаётган қизни ўпиши, қиз эса имкон даражасида бунга йўл қўймаслиги зарур бўлган. Ўйин бошида қиз энг учқур отга миндирилиб, чавандоз йигитлар тўдасидан 15-20 метр олдин- роққа олиб бориб қўйилган ва баковул кўрсатмаси билан қиз ҳам, йигитлар ҳам отларига қам- чи босишган. Чавандоз йигит- нинг қизга етиб ололмаслиги уят ҳисобланган. Ривоятларга кўра, қадим замонларда йигит бирор қизни севиб қолса, унга уйланишдан олдин «Киз қувди» ташкил этилган экан. Шу қизга ким биринчи бўлиб етиб олиб, унинг юзидан муччи олса, қиз ўша йигитга турмушга чиққан. Бундай ўйинларнинг улоқ олди- дан ташкил этилиши узоқ масо- фадан келадиган барча чаван- доз-полвонларни йигиб олишга ҳам имкон яратган.

Шоғулоқ

Сирдарё, Тошкент вилоятла- рининг тоғолди минтақаларида улоқ ўйини давом этаётган пал- ла Шоғулоқ деб аталувчи ўйин ҳам ўтказилади. Шоғулоқ — қўшимча улоқни тўй эгасининг қариндош-уруғи ёки яқин дўсти олиб келиши мумкин. Шоғулоқ тўйга тўёна эмас, балки қўшим- ча совға сифатида келтирилади. Шоғулоқ асосан эчки (така) дан тайёрланиб, оғирлиги 15-20 ки- логача бўлади. Унда улоқ олиб келган меҳмон баковул билан марра белгилайди. Шоғулоқ эга- си асосий улоқ ўтказилаётган жойда, айна пайтда маррага қараб улоқни тақимига қисиб, от чоптиради. Асосий ўйин тўхта- тилмайди. Баковул ёки жарчи шоғулоқ келадиган тарафни кўрсатиб, хоҳлаган чавандоз асосий ўйинни тарк этиб, шоғулоққа қўшилиши мумкинли- гини эълон қилади. Чавандоз- полвонлар шоғулоқ йўлини тўсиб, уни эгаллаши ва белги- ланган манзилга етказиши та- лаб этилади. Агар шоғулоқ эга- сининг ўзи улоқни маррага олиб бориб ташласа, нур устига нур — унга ўзи келтирган шоғулоғи ҳамда соврин тақдим этилади. Маррага қадар шоғулоқни олдириб қўйса, сов- риндан ҳам, шоғулоқдан ҳам маҳрум бўлади. Қайси чавандоз шоғулоқни эгасидан олиб қўйиб, маррага етказса, унга шоғулоқнинг ўзи тақдим этил- ган.

Гулчеҳра ХОЛОВА



Ҷамоли маънавият

«Маснавийи маънавий»дан

Васл учун келдик жаҳонга, васл учун,
Келмадик ҳажру фиरोқу фасл¹ учун.

Нарса йўқки, хорижи олам эрур,
Ҳар не истарсан, ўзингда жам эрур.

Кўзни юнгил, кўзга айлансин кўнгил,
Кўз бўлурми Ҳақни кўрмас бўлса ул?

Биз агар наймиз, наво Ҳақдин келур,
Биз агар тоғмиз, садо Ҳақдин келур.

Лабларига етсам ул дамсозни,
Най каби мен сочгай эрдим розни.

Миллати ишқ барча динлардин жудо,
Аҳли ишққа миллату мазҳаб — Худо.

Эл учун ақлу адолат бўлса, бас,
Ўндан ўзга посбонинг шарт эмас.

Бул жаҳон хумдир, кўнгил-нарҳи ажаб,
Бул жаҳон уйдир, кўнгил-нарҳи ажаб.

Кимки бадбахтдир, куйикдир хирмани,
Ёнмасин, дер, ўзга инсонлар шами.

Дарди ошиқ ўзгадир олам аро,
Ишқ — устурлоби асрори Худо...

Сен-да кўрсатгил Сулаймоннинг кучин,
Девларинг тош кессин айвонинг учун.

Дев-да бир муддат Сулаймонлик қилур,
Бўзчидир, атлас тўқишни не билур?

Хуш демиш Расули дилнавоз:
Зарра ақлинг садқаси савму² намоз...

Холи тут кўнгилни ёр инкоридин,
Сўнгра райҳон уз унинг гулзоридан.

Сабр қил нафсинга этгил қаршилик,
Ул ёмондин ким кўрибдир яхшилик?

Ким ёмондир, беомонлик айлагай,
Яхшилик этсанг, ёмонлик айлагай.

Шукр қил, неъматдин ортиқ бил ани,
Ношукур бўлсанг, сенга неъмат қани?

Воқифи Ҳақ улки, иймон ичрадир,
Ҳар нафас бир боғу бўстон ичрадир.

Дил ақлдин нурга тўлгай дамба-дам,
Ҳам етар нурдан насиба кўзга ҳам.

Мен нечук бир кимсамен Маҳшар куни?
Жумла олам илмига жон бил буни.

Гар усул билсанг — билимлар нақшидир,
Андин ўз аслингни билган яхшидир.

Сенки одамзодасен, гавҳарча бўл,
Жумла зурёдингни ўз жисмингда кўр.

Суврат ичра гарчи одамзодамен,
Ҳазрати Одамга лекин отамен.

Жоҳил узган ипуланмас, бойлама,
Сўйлама, ҳикматни зое айлама.

Гар асони аждаҳо этмас киши,
Аждаҳо бирлан нечук бўлгай иши?

Ақл юз очса жаҳон кўзгусида,
Тийра бўлгай кун унинг ўтрисида.

Сўрдилар: устоз, тасаввуф не эмиш?
Деди: ғам босганда феълни кенг қилиш...

Ҳақ саломин изла яккаш, унга тўй,
Уйма-уй, манзилма-манзил, куйма-куй.

Иттифоқ эрмиш ўлим уммат аро,
Оби ҳайвондир ниҳон зулмат аро.

Тор кўрур оламни идрокинг сенинг,
Покни кўрмас ҳисси нопокинг сенинг.

Ҳақ дуо айларса, бунга не етар,
Ул дуо айлар, ижобат ҳам етар.

Боқма осмонларга бундоқ турда сен,
Чун боқарсен кўкка кўнгли мурда сен?

1. Фасл — бу ерда айрилик, жудолик маъносида.
2. Савм — рўза.

Асл исми шаҳзода Сиддхартха Гаутама булган Будда тарих зарварақларидан дунёдаги буюк динларнинг бири — буддизм асосчиси сифатида ўрин олди.

Сиддхартха Ҳиндистоннинг шимоли — Непал билан чегарадош худудидаги Капилаваста шаҳрида ҳукм сурган шоҳнинг фарзанди эди. Шақлар уруғига мансуб шаҳзода Сиддхартха тахминан эрамиздан аввалги 563 йили ҳозирги Непал сарҳадларидаги Лумбини шаҳрида таваллуд топган. Ун олти ёшида у қариндошларидан бирининг ўзи билан тенгдош қизига уйланди.

Шаҳзода ҳашаматга бурканган шоҳона саройда яшаса-да, уни моддият, бойлик, олтину зар умуман қизиқтирмас, аксинча, ҳаётидан қониқмаслик ҳиссига чўмган эди. У атрофдаги одамларнинг доимий етишмовчилик остида эзиллиши, ҳатто бойлар ҳам кўпда бахтсизлиги, касаллик ва ўлим олдига бою- камбағал бир — заифу нотавон эканлигини кўриб, эзиларди. Ушбу ҳолат таъсирида Сиддхартха ўткинчи бойлигу лаззатдан кўра залворлироқ нарса бўлмоғи лозим, деган тўхтамга келди.

Ниҳоят 29 ёшида, умрида биринчи бор Сиддхартха шоҳона ҳаёт тарзидан воз кечиб, ўзини бутунлай ҳақиқат йўлига бахш этишга қарор қилди. У мислсиз мол-мулки, оиласини ташлаб, чин дарвеш сифатида ҳақиқат излаб йўлга тушди. Бир оз вақт ўз даврининг машҳур донишмандлари қўлида таълим олди, бироқ таҳсилдан сўнг уларнинг илми ҳақиқатга етиш учун асос бўла олмаслигига ишонч ҳосил қилди.

Ўша замонларда ҳаддан ортик таркидунёчилик, ўз жисмига аёвсиз азоб бериш орқали асл ҳақиқатга эришиш мумкин, деган қараш ҳукмрон эди. Табиийки, Сиддхартха ҳам бунга амал қилди. Бироқ вақти етиб, шаҳзода бу азоблар уни ҳақиқатга заррача бўлсин яқинлаштирмагани, аксинча, фикрини хиралаштириб, тобора узоқлаштираётганини тушуниб етди. Сўнгра бу машғулотларига чек қўйди.

Танҳоликда яшаётган Сиддхартха инсон моҳияти тўғрисида жуда кўп ўйларди. Ниҳоят, оқшомларнинг бирида у ҳақиқатга яқинлашаётганини ҳис қилди. Бутун тунни чуқур тафаккурда ўтказган Сиддхартха тонгда ўзининг барча саволларига жавоб топгани ва "Будда" яъни "зиёли"га айланганлигини англади.

Бу вақтда у 35 ёшда эди. Умрининг қолган 45 йилини Ҳиндистон шимолини кезиш ва унга эргашини истаганларга ўз фалсафасини тарғиб этишга бағишлади. Эрамиздан аввалги 483 йилга келиб, Будда вафот этганида ортида мингларча издошлари бор эди. Унинг таълимоти, сўзлари ёзил-

маган бўлса-да, шоғирдлари Будданинг барча ҳикматларини ёдлаб олган эдилар ва улар авлоддан-авлодга оғзаки тарзда ўтиб кела бошлади.

Будда таълимнинг асосий тамойилларини куйидагича умумлаштириш мумкин: биринчиси — инсон умри ўз табиатига кўра бахтсиздир; иккинчиси — бу бахтсизликнинг сабаби инсондаги эгоизм ва ўткинчи ҳою ҳаваслар; учинчиси — алоҳида бир инсоннинг ички интилишларини энгиш мумкин; ниҳоят, барча ҳою ҳавас ва эгоизмни йўққа чиқариш погонаси булган тўртинчи ҳақиқат "нирвана" (ўчиш) деб аталади. Бу дунёвий лаззатлар ва худбинликдан қутулиш усули бўлиб, "Саккиз йўл"дан иборат: тўғри эътиқод, тўғри тафаккур, тўғри сўз, тўғри ҳаракат, тўғри ҳаёт тарзи, тўғри интилиш, мажбуриятларга тўғри ёндашув, тўғри медитация. Буларга қўшимча тарзда айтиш мумкинки, буддизм — миллатидан қатъий назар барча учун баробар очик дин ва у индуизмдан фарқли ўлароқ мазҳаб ва табақаларга бўлинмайди.

Гаутамаинг ўлимидан сўнг буддизмнинг ёйилиши жуда секин кечди. Бироқ эрамиздан олдинги учинчи асрда Ҳиндистон тахтига ўтирган Ашока буддавий бўлиб, унинг қўллаб-қувватлаши натижасида буддизм нафақат Ҳиндистон, балки атроф сарҳадларга ҳам тез тарқала бошлади. Буддизм тез орада жанубда Цейлон, шарқда Бирма, ундан бутун Жанубий шарқий Осиё, Малайзия ва бугунги Индонезия худудларига ёйилиб улгурди. Бундан ташқари ушбу дин шимолга, хусусан Тибетга, шимолий ғарбга — Марказий Осиё худудларига ҳам етиб келди. Сўнгра Хитой, Корея ва Японияда буддизм жуда кенг ёйилиб, унинг таъсири ҳам кучли бўлди.

Ҳиндистонда буддизм эрамиздан олдинги 500 йилданок таназзулга юз тутта бошлаб, эрамизнинг 1200 йилига келиб эса батамом тугаб битди. Хитой ва Японияда эса, аксинча, асосий дин мақомига эришди. Тибет ва Жанубий шарқий Осиё давлатларида ҳам буддизм бир неча асрлардан буён юксак мақомлардадир.

Будда ғоялари жуда узоқ вақт мобайнида ёзма шаклда сақланмаганлиги сабабли ҳам бир неча мазҳабларга бўлиниб кетди. Булардан иккитаси асосий мазҳаблардан бўлиб, биринчиси — Тхеравади, иккинчиси — Махаяна. Тхеравади Жанубий Осиёда кенг тарқалган бўлиб, кўплаб ғарб олимларининг фикрларича, асл буддизмга энг яқин мазҳабдир. Махаяна эса асосан Тибет, Хитой, шимолий Осиёда ёйилган.

Бутун дунё бўйлаб 500 миллион мусулмон, бир миллиард атрофида христиан, бор-йўғи 200 миллион буддавий борлигини ҳисобга оладиган бўлсак, Будданинг инсоният кечмишига таъсири Муҳаммад ёки Исонинг таъсиридан кичик эканлиги яққол кўзга ташланади. Бироқ дин мавқеи ҳақида гап кетганида унга эътиқод қилувчилар сони унчалик ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас. Ҳиндистонда буддизмнинг йўқолиб кетишини таъминлаган омил индуизмнинг кўплаб буддизм ғояларини ўзлаштириб олганлигидадир. Хитойда эса ўзини буддавий ҳисобламайдиган аҳолининг кўпчилиги будда фалсафаси таъсиридадир.

Будда динида ҳоксорликка Исломи ёки Христианликдан ҳам кўпроқ урғу берилади. Файласуфларнинг айтишларича, агар мўъжиза юз бериб, Исо алайҳис-салом ер юзига қайтса, ўзларини унинг издошлари дея атаб, унинг номи билан ўзаро қон тўқаётган секталарнинг кўплигидан ҳайратда қолар эмиш. Ҳудди шунингдек, Будда ҳам ўз ғояларини Будда ғоялари сифатида ўтказишга уринаётган мазҳабларнинг кўплигидан лол қоларди. Бироқ мазҳабларнинг кўплигига қарамай буддавийлар, Оврўподаги христианлардан фарқли ўлароқ мазҳаблараро



Майкл ХАРТ

йирик урушлар қилмаганлар. Шу маънода, Будданинг инсониятга таъсири Исо алайҳис-саломникидан каттароқдир.

Гаутама Будда фалсафасининг янгилиги, ўзига хослиги, кучлилиги унинг Ҳиндистон ташқарисига ҳам кенг тарқалиши ва узоқ вақт ўз таъсирини сақлаб қола билишини таъминлади. Мана шунинг учун ҳам Гаутама Будда инсоният тарихидаги энг буюк юз шахс рўйхатининг олд қаторидан ўрин олган.

Жалолбек ЙЎЛДОШБЕКОВ
тайёрлади.

Санъат муайян даврнинг маданий мезонларини белгиловчи омил сифатида ҳам аҳамиятли. Шунинг учун у жамятнинг ижтимоий соҳаларида фаол бўлмоқлиги лозим. Ҳайкалтарошликнинг маҳобатли тури юқоридаги талабларга жавоб бера олади.

Мустақилликнинг дастлабки заруратлари иқтисодий-сиёсий ўзгаришлар билан бир қаторда ўзлигимизни англашдан бошланган эди. Ўтмиш саҳифаларимиздан ўрин олган маърифат

пешволарининг ижодий фаолиятлари кенг миқёсда ёритилиб, уларнинг шахсиятларини ҳурмат-эҳтиром билан хотирлаш ва абадийлаштириш каби муқаддас бурчимизни бажаришга имконият яратилди. 1991 йилдан буён ҳар йили бир ёки икки буюк сиймоларимизга ёдгорлик ҳайкаллар барпо этилаётганлигининг асосий сабаби ҳам шунда. Сўнги ўн йил давомида яратилган ёдгорлик ҳайкаллар бир жиҳатдан ижтимоий ҳаётдаги

лик маҳоратининг юксаклиги яққол сезилиб туради. Илҳом Жабборовнинг ижодида тарих реал ва этник унсурларда ўз ифодасини топади. Маълум тарихий давр, маданий ҳаёт тўғрисида фикр уйғотиб, тафаккурни бир зум бўлса-да ўтмиш билан боғлайди. Амир Темури, Аҳмадал-Фаргоний, Жалолиддин Мангуберди, Бобораҳим Машраб каби маҳобатли ҳайкалларда бу хусусиятлар ўз ифодасини топган.

МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ҲАЙКАЛТАРОШЛИГИ

(ҳайкалтарош Илҳом Жабборов ижоди мисолида)



маданий эҳтиёжларни таъминлашга хизмат қилса, унинг бошқа ижодий кўриниши ўзбек маҳобатли ҳайкалтарошлигининг миллий хусусиятлар асосида шаклланаётганлиги билан изоҳланади. Мустақиллик йилларида ўрнатилган маҳобатли ҳайкалларнинг ишланиш услубида аввалги анъаналар давом этаётганлиги сезилиб турса-да, изланишлар миллий хусусиятлар билан уйғун кечаётганлиги яққол кўзга ташланади. Бундай ҳол И. Жабборов, Р. Миртожиев, А. Раҳматуллаев, У. Мардиев, Қ. Норхўрозов, М. Алиев, Н. Банделдзев сингари ҳайкалтарошлар ижодига хосдир. Бу борада, айниқса, Илҳом Жабборовнинг фаолияти ибратлидир.

У яратган ёдгорликларда касб-кор-

1992 йилда яратилган «Машраб» ёдгорлиги (Наманган). Илҳом Жабборовнинг истиқлол даврида яратган илк асарларидан. Монумент боғ дарвозасидан 30 метр ичкарига ўрнатилган бўлиб, дарвозага қарама-қарши тарзда жойлаштирилган. Унинг бу тарзда ўрнатилиши ўзига хос мазмунли композицияни вужудга келтиради. Машрабнинг дарвоза қаршисида юриб келаётган ҳолатда тасвирлашни, бутун ҳаёти комилликка эришиш мақсадида она-тупроғидан ташқарида дарбадарликда кечган шоир ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. Ҳайкалтарош монумент либосига жиддий эътибор қаратиб, шамолнинг ғойибона таъсирини либос ҳаракатларида акс эттиради. Ёдгорлик шакл-шамойилининг гўзаллиги боғ тароватини янада мунаввар этади.

Ҳайкалтарош 1993 йилдан бошлаб соҳибқирон Амир Темур образини яратиш устида навбатдаги изланишларни бошлаб юборди. Амир Темур образига қайта-қайта мурожаат этиб, идеалидаги рамзий қиёфани яратишга муяссар бўлди. Унинг дастлабки намунаси мамлакатимиз пойтахтига ўрнатилди.

Тошкентдаги Соҳибқирон номи билан аталувчи хиёбондаги отлик ҳайкал ўзининг улуғворлиги билан Амир Темурга мос ху-

сусиятларни очиб беради. Жанг майдонидан зафар кучиб қайта-ётганлиги амирнинг салобати, унинг жўшқин ва шашти қайтмаган тулпори воситасида равшан сезилиб туради. Айниқса, ҳайкал ост лавҳига битилган «Куч адолатдадир» ҳикмати юқоридаги хусусиятларни жонлантириб кўрсатади. Монументда ўзига хос ритмик такрор ва кескин ҳаракатлар мужассамлашган. Ифодавий восита ўрнида танланган йирик ва майда унсурлар аниқ мақсадда кунт билан амалга оширилганлигидан далолат беради. Ёдгорликнинг умумий кўринишида Европа ҳайкалтарошлиги аъналаридан таъсирланиш аломатлари ҳам кузатилади.

И. Жабборовнинг Амир Темурга бағишланган яна бир ёдгорлик ҳайкали тахт-маснадда ўтирган ҳолатда ифодаланган (Самарқанд). Ҳайкалнинг композицион тузилишида теран маънолар жамланган. Мустақиллик туфайли қайта тикланган аъналаримиз қаторида буюк бобокалонимиз ўз Ватанига қайтгандек туюлади. Соҳибқироннинг либосларидаги бежирим безакли тасвирлар ҳайкалга хусн бағишлаш мақсадида эмас, балки ўша даврда санъат ва маданият юксак даражада тараққий топганлиги ва бунинг асосий сабабчиси соҳибқироннинг ўзи бўлганлигига ишорадир. Асарда бошқа бир маъно ҳам мавжуд.



Бир пайтлари ўзи идора қилган мамлакат ҳозирда тинч-фаровон тараққий топаётганлигидан мамнунлик аломатлари унинг юз тузилишида тўла ифодаланган.

Шахрисабзда ўрнатилган ҳайкалда (1996 йил, гипс) тарихий лавҳа кўз ўнгимизда гавдаланади. Соҳибқирон тепаликда онаюртининг осойишталигини кузатаётганлиги ёки худудий чегараларни мустаҳкамлаш борасида режалар тузаётгани хусусида ҳикоя қилади. Умуман, бир об-разга бағишланган учала ҳайкалда ҳам турли кўриниш ва ғоялар илгари сурилган. Монументларни яхлит кўринишда такрорлайдиган жиҳатлари уларнинг юз қисмидагина кўзга ташланади. Ҳар бири ўзига хос бадиий, ифодавий хусусиятлари билан алоҳида аҳамият касб этади.

1998 йилда ҳайкалтарошнинг ижодига мансуб «Аҳмад ал-Фарғоний» (Фарғона ва Кува шаҳарлари), «Жалолиддин Мангуберди» (Хоразм) ҳайкаллари яратилди. Ўрта асрларда «Шарқ Аристотели» номи билан танилган аллома ал-Фарғоний она-тупроғида рамзий қиёфада гавдаланди. Ҳайкал аллома туғилиб ўсган вилоятнинг маркази ҳамда Кува туманига ўрнатилди. Бу икки ёдгорлик ҳам ишланиш услубига кўра бир хил йўналишда, ташқи тузилиши ва ички оламидаги ифодавийлиги бўйича эса қарама-қарши тарзда тасвирланган. Фарғонадаги ҳайкалнинг ифодавий талқини, бутун умри мобайнида йиққан илмий меросини озод ва обод Ватанига тортиқ қилаётган ҳолатда намоён бўлади. Образда руҳий комиллик, ақлан етуклик ҳамда мутафаккирлик ўз аксини топган.

Кува шаҳрида ўрнатилган монумент Фарғонадагидан кескин фарқ қилади. Аллома ерга тикилган ҳолатда хаёл уммонида чўмган қиёфада тасвирланган бўлиб, у бутун умр ақлий фаолият билан яшаганлиги асар ғояси сифатида очиб берилади. Ал-Фарғоний образи ифодаланган бу икки монумент ўз даврининг ижтимоий муҳити ҳамда шахсий даражасидан келиб чиқиб, ўзига хос меъморий унсур билан



уйғунлашган тагликка ўрнатилган. Шулардан кўриниб турибдики, алломалар образини яратишда ҳар бир элемент аҳамиятли. Асар атроф-муҳит билан уйғунлашса, янада яхши натижа беради.

Мустақиллик йилларида яратилган маҳобатли ҳайкаллар сирасида бутун умрини Ватан озодлиги, бахт-саодатига бахшида этган тарихий қаҳрамонларимиздан бири Жалолиддин Мангуберди монументи алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур монумент мавжуд ёдгорликлар орасида ўзининг маҳобатлилиги билан ҳам ажралиб туради. Унинг шаклан бетақрор пластик ҳаракатларида довораклик, ватанпарварлик ҳамда маънавий баркамоллик белгилари намоён. Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллик юбилейига бағишланган Илҳом Жабборовнинг лойиҳасига биноан яратилган мазкур монумент 1998 йилда Урганч шаҳрига ўрнатилди.

Бир сўз билан айтганда, истиқлол даври ҳайкалтарошлигининг ғоявий талқини кескин ижобий ўзгаришларга бой бўлди. Илҳом Жабборовнинг юқорида қайд этилган асарларида бу хусусиятлар яққол намоён бўлади.

Дилмурод Пўлатов,
Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти ходими

Ўзбек миллий моделининг ўзига хос жиҳати ўз-ўзини бошқариш тизимига истиқболда устуворлик бериш тамойиллари ишлаб чиқилганлигидадир. Бунда асосий эътибор, аynиқса, маҳалла фуқаролар йиғинига қаратилади. Мамлакатда тинчлик, осийишталик, барқарорлик бўлишида маънавият ва маданият маскани бўлган маҳалланинг ўрни нечоғли салмоқли экани аждодларимиз тажрибасидан маълум.

Юртимиз ижтимоий ҳаётида, турли даражадаги тадбирларда маҳалла аҳлининг фаоллигини

бирга ўзига хос тарзда тарғиб қилади. Тарғибот доим бир хил усулда эмас, янги-янги, оддий, содда йўналишлар билан бойиб боради. Маҳалла ўзига хос маданий-маърифий ижтимоий қатлам, деб эътироф этилди. Бу ижтимоий қатлам жамиятдаги барча синф ва гуруҳлар вакиллари бир жойга тўплаб, йиғиб ҳосил қилинади.

Фуқаролар маънавияти, ижтимоий фаоллигини шакллантиришда маҳалланинг ўрни беқиёс. Бу жараённинг қай даражада мукамал, теран бўлиши кўп жиҳатдан маҳалла оқсоқолига боғлиқдир.

муаммоларни бартараф этишда маҳалла оқсоқоли, унинг маслаҳатчилари, маҳалла сардори, шу ҳудудда жойлашган мактаб, ташкилот, корхона раҳбарлари ҳамда маҳаллада яшаётган ҳар бир қариеъш ўзининг қимматли маслаҳати, амалий ҳаракати, моддий кўмаги, билим ва тажрибаси билан доимо ҳамкорликда, бамаслаҳат иш юриштишлари билан бартараф этиш мумкин. Шу билан бирга маҳалланинг шахс ижтимоий фаоллигини шакллантиришда куйидаги тадбирлари амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўлади:

— Маҳалла оқсоқоллигига ном-

ОҚСОҚОЛСИЗ – ЭЛ БЎЛМАС

ошириш, бунда ёшларнинг иштирокини таъминлаш ҳам аҳамиятлидир. Бунда уларнинг ўз ўринларини белгилашлари муҳим. Чунки ҳар қандай оммавий тадбирда шарқона удумга биноан қариялар, меҳмонлар, ота-оналар хурматда, ёшлар хизматда бўлади. Бу миллий маданиятнинг амалдаги кўринишидир.

Шарқда, жумладан, ўзбек халқида оиланинг мустаҳкамлиги, тежамкорлиги, хонадоннинг осойишталиги асосан аёлларга боғлиқ. Биз салбий ҳолатини кўрсатаётган тўй ва маросимлардаги аксарият янги-янги урф-одатларга айнан аёллар ташаббускор бўлиши уларнинг маънавияти хиралашаётганини кўрсатади. Бунинг олдини олиш мақсадида мавжуд удумлар, тўй ва бошқа миллий маросимларни бозор муносабати тамойиллари ва асл миллийлигимизга мос тарзда, ихчам ўтказишга “Маҳалла” жамғармасининг тавсиялари ишлаб чиқилди.

Маҳалланинг яна бир муҳим томони миллий анъаналарни амалий рўёбга чиқаришдаги бевосита иштирокидир. Бунда маҳалла нафақат иштирок этади, шу билан

Халқимизда “Карвонсиз йўл бўлмас, оқсоқолсиз эл бўлмас”, деган мақол бор. Оқсоқол — жамиятда фаолият кўрсатаётган алоҳида шахс. Унинг маънавияти қай даражада юқорилиги у бошқараётган маҳалланинг равнақи, маҳалладаги ободончилик, оилалар тотувлиги, ёшлар камолоти даражасида намоён бўлади. Бир сўз билан айтганда, оқсоқоллар маҳалла суянчи ва таянчи ҳисобланиб, маҳалланинг осойишталиги, барқарорлиги, халқ фаровонлиги, келажаги учун қайғурадиган мураббий ҳисобланади. Умуман, маҳалла ишларини юриштишда, унинг обод бўлишида оқсоқолнинг роли ғоят катта.

Ҳозирги кунда маҳалла йиғинлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари миллий анъаналарга мувофиқ, мамлакат ижтимоий ҳаётида жуда катта ўрин эгалламоқда. Бу бевосита кучли давлатдан кучли жамиятга томон сифатий ўзгаришнинг нишонасидир. Ҳозирда инсоний фазилатлардан бўлмиш меҳр-муруватнинг амалда намоён бўлишида ҳам кўп жиҳатдан маҳаллалар етакчилик қилиши аҳамиятлидир.

Маҳаллада юзага келган мавжуд

зодлар сайловдан уч ой олдин маҳалла жамғармаси ҳисобидан ўқитилиб, уларнинг тайёргарлиги синовдан ўтказилиб, номзодлар рўйхатига киритиш;

— Ҳар бир маҳалланинг ижтимоий нуқтаи назардан ривожланганлиги, маҳаллада яшаётганларнинг илмий салоҳияти, аҳолининг ёш хусусияти, миллий таркиби ва бошқа жиҳатларига қараб ўзларининг истиқбол дастурини тузиш, шунга биноан ўзларининг тадбирлар режасини ишлаб чиқишларини доимий эътиборга олиш;

— Шахснинг ҳаёти ва саломатлигига қарши ҳуқуқбузарликлар асосан маиший жанжалдан келиб чиқишини ҳисобга олган ҳолда маҳалла йиғинлари ҳузурида “Маҳалла адолат суди” ташкил қилиш.

Юқорида эътироф этилган фикрларга “Обод маҳалла йили”дан чиқарилган хулосалар ва келажақда амалга ошириладиган амалий ишлар моҳияти, асл қийматини белгилаб олиш учун қўлланма сифатида қаралса, мақсадга мувофиқдир.

Сайёра Тўйчиева,
фалсафа фанлари номзоди.

Санъат сесри

Ўзбекистонда дутор бас чолғу ижрочилигини йўлга қўйиш, мактаб яратиш, сифатли чолғулар тайёрлаш, ҳамда ёшларга таълим-тарбия беришда, Ашот Константинович Назаровнинг хизматлари каттадир. Ўзбекистонда ва ундан ташқарида дутор бас ижрочилик санъатида мавжуд ютуқларнинг кўпи бевосита унинг номи билан боғлиқдир. А.Назаров Ўзбекистон Давлат консерваториясида кўп йиллар давомида ижодий фаолият кўрсатиб, ушбу даргоҳда 42 йил мураббийлик қилиб, ўзбек халқ чолғулари йўналиши, дутор бас чолғу ижрочилиги бўйича 50дан ортиқ созанда-ижрочиларни тарбиялаб етиштирди.

Ашот Назаров 1923 йилда Украинанинг Харьков вилоятида ишчи оиласида дунёга келди. 1929 йили уларнинг оиласи Тошкентга кўчиб келади. Назаров меҳнат фаолиятини 1947 йилдан Ўзбекистон давлат филармонияси қошидаги ўзбек халқ чолғулари оркестрида бошлади. 1947-1956 йиллари ҳам оркестрдаги ишини давом эттирди, ҳам Тошкент Давлат консерваториясининг ўзбек халқ чолғулари факультетида дутор бас чолғуси бўйича тахсил олди. 1960 йилдан Хамза номидаги Тошкент давлат мусиқа билим юртида, 1961 йилдан Тошкент давлат консерваториясида ўқитувчи лавозимида иш фаолиятини бошлади.

Кўп йиллик фаолияти мобайнида дутор бас чолғуси юзасидан бир қанча дарслик ва қўлланмалар яратди. Ашот Назаровнинг кўплаб талабалари дутор бас чолғуси бўйича турли йилларда ўтказилган Республика кўрик-танловларининг лауреати бўлдилар. Ҳозирда улар юртимизнинг турли маданият, санъат муассасаларида ижодий фаолият

кўрсатиб, ёшларга устоз сабоқларини ўргатиб келмоқдалар. Улар орасида Ўткир Орипов — Глиэр номидаги Республика ўрта махсус мусиқа мактаб-интернатида, Сайдулло Муқимов — Бухоро давлат мусиқа билим юртида, Муҳаммаджон Бадалов — Гулистон давлат мусиқа билим юртида, Салоҳиддин Эралиев — Андижон вилоятида, Сироҳиддин Мухаммадиев — Қашқадарё вилоятида, Ўктам Сайдалиев — Наманган вилоятида, Шерзод Умаров — “Сугдиёна” ўзбек давлат халқ чолғулари камер оркестри жамоасида устоздан олган сабоқларига таянган ҳолда муваффақиятли меҳнат қилишмоқда.

Қадимий чолғуларимиз қаторида ўзбек халқининг руҳиятини ифода этувчи чолғулар ҳар доим авлодлар томонидан ардоқланиб келинган. Айниқса, халқимиз маънавий бойлигининг авлоддан-авлодга ўтиши, ривож топишига хизмат қилган, гўзал ва фалсафий оҳангга эга дутор бас ҳам ана шундай чолғулардан эканлиги замонавий ижрочилик амалиётида исботланиб, раванқ топиб келмоқда.

Зулхорбек ТУРОПОВ,
Ўзбекистон давлат консерваторияси
катта ўқитувчиси



Туркистонда мустамлака бошқарув тизими қарор топгач, Чор Россияси ўлкада қатъият билан тадрижий равишда чуқур ва узоқни кўзлаган ижтимоий стратегияни амалга ошириб борган эди. Бу ижтимоий сиёсат Туркистон халқларига нисбатан рус шовинизми, улуг миллатчилик руҳини ўрнатишга қаратилиб, биринчи галда туб аҳолининг иқтисодий манфаатларига зид эди. Чунки Россия Туркистонни руслаштириш ғояси билан иш кўрди. Ушбу жараён эса ўз навбатида кўпқиррали бўлиб, бир томони ўлкада аграр сиёсат билан, иккинчи томони Туркистонда саноат учун хомашёни қайта ишлаш, айрим озиқ-овқат ишлаб чиқариш соҳаларини ташкил этиш бўйича буржуазия унсурларининг ўлкага кўчириб келтирилиши билан боғлиқ кечди. Бундай сиёсат мустамлакачилар учун «марказий масала» мақомида муҳим эди.

Туркистонни руслаштириш сиёсатининг асосий омили Россиядан деҳқон ва майда помешчикларни Туркистонга ташкилий кўчириш ҳамда ўз ҳолича кўчиб келган рус мужикларини ер билан таъминлашдан иборат эди. Ушбу тадбир амалда империянинг ҳарбий-сиёсий мақсадларини ижтимоий таянч билан таъминлашга қаратилган эди. Зеро, рус ҳарбий маъмурларидан бири «Бизнинг ишимиз аввало русларники, миллий рус иши. ...ер уларники эмас, балки давлатникидир. Утроқ рус аҳолиси уларни сиқиб чиқариши ёки бутунлай қириб ташлаши керак», — деб ёзган эди.

Туркистонга русларнинг кўчиши истилодан кейинги дастлабки йиллардаёқ бошланган эди. Бу ҳаракат, юқорида таъкидланганидек, маъмурий, ҳарбий хизмат доирасидан бошланиб, кейинчалик, Россиянинг ўлкадаги мустамлакачилик мавқеи мустаҳкамлангани сари тобора оммавий тус ола борди. Қолаверса, рус аҳоли сонининг Туркистон бўйлаб қўрғон, хуторлар кўринишидаги жойлашуви шимолий районларда нисбатан илгарироқ бошланиб, 1860-1890 йиллар орасида ўзига хос инфраструктура кўриниши даражасига етган эди.

Туб аҳоли ерларини кўчирма русларга тақсимлаб беришда жиддий тартибсизликлар, тажовуз ҳоллари кучли тарзда намоён бўлгани ҳужжатларда ўз ифодасини топган. Жумладан, 1906 йилнинг 12 июль кунини Еттисувда бўш ерларни аниқлаш гуруҳига бошлиқ этиб тайинланган коллеж маслаҳатчиси Велецкий Еттисув вилояти бош бошқонига русларни район бўйича жойлаштириш юзасидан таклифларини билдирган. Бунга кўра, туб аҳоли фойдаланиб келган ерлар гўё улар учун ҳаддан зиёд кўп эмиш. Бунинг устига улар, эмишк,

ҳам суғориладиган ерларга, ҳам катта-катта яйловларга эга эмишлар. Шу сабабли туб аҳолининг ердан фойдаланишини меъёр билан чеклаш лозиммиш. Улардан тортиб олинган ерларни табиийки, русларга тақсимлаб бериш режалаштирилган. Бу таклифнинг туғилишига сабаб шу ҳужжатнинг ўзидан англашилади: 1905 йил 17 мартда Россия деҳқончилик ва давлат мулки вазирлиги Еттисув ўлкасида «табиий-тарихий ва ҳўжалик статистика» тадқиқот (тахлил) ўтказиш, у ерда кўчирма рус аҳолисини жойлаштириш имкониятларини ўрганиш масаласи бўйича гуруҳ тузган. Мақсад: 1) Кўчирма рус аҳолиси учун ерларни аниқлаш; 2) туб аҳолининг

лий аҳоли орасида норёзиликка сабаб бўлиши мумкинлиги кўрсатилган. Бунда генерал-лейтенант Ионовнинг фикри келтирилиб, мазкур ер тақсимлаш гуруҳини чақириб олиш таклиф этилган. Туркистонни тўла эгаллашдек давлат аҳамиятига молик масала олдида бу каби огоҳлантирувчи мулоҳазалар атайлаб эътиборга олинмаган. Аксинча, бу масалаларда одилонга йўл тутишга чорловчи баъзи мулоҳазакор мустамлакачи маъмурлар ишдан четлатилган. Жумладан генерал-лейтенантлар Гродеков, Ионов, ва бошқалар, истеъфога чиқарилган.

Бу Россия мустамлака маъмуриятининг Туркистон маҳаллий аҳолисига

Чор Россияси томонидан Туркистонга аҳоли кўчириш сиёсати ва унинг аграр соҳадаги оқибатлари



ортикча ерларини колонизация қилиш мақсадида давлат ерларига айлантириш. Лекин ушбу гуруҳ йўриқномага мутлақо амал қилмаган. Ваҳоланки, ҳужжатда айтилишича, районда ўтказилиши лозим бўлган аниқлаш ишларини охирига етказмай туриб, у ерларда рус поселениелари тузиш қатъий чеклаб қўйилган эди.

Россия маъмурларининг кўчирмачилик сиёсатидаги ўзбошимчаликлари ҳақида Туркистон ўлкаси генерал-губернаторлигига бир неча бор махсус докладномалар юборилган. Уларда Еттисув ва Фарғона вилоятларидаги кўчкнчи русларга ер тақсимлаш жараёни қоидаларга зид тарзда олиб борилаётгани таъкидланган. Хусусан, бу ерда иш кўрган ер тақсимлаш гуруҳининг иши маҳал-

нисбатан мунофиқона йўл тутганидан яна бир далолатдир. Ваҳоланки, таъкидлаганимиз ҳужжатда гўё туб аҳолининг ерга эгалик аъналарини бузмаслик, уларнинг «ортикча» ерларини кўчирма аҳолига бериш ҳақида гапира туриб, бундай банд киритилган: 1) аҳолини ер билан таъминлашда ярим кўчманчи ва кўчманчиларни кўчирма (рус) аҳоли билан бир хил асосларда қаралсин. Бу банд туб аҳолининг ерга бўлган тарихий ҳуқуқларини тўғридан-тўғри инкор этарди. Улар ўз ерларида кўчкнчи руслар билан бир хил ҳуқуққа эга қилиндилар.

Кўчирмачилик сиёсатида Россия давлат сиёсати сифатида қаралиши Туркистон Генерал-губернатори их-

тиёрида алоҳида вазифалар мутассадиси Половцовнинг «Билдиришномаси» да яққол кўринган. Хужжат 1899 йил 28 июнь кuni ёзилган.

Унда айтилишича, Половцов Туркистонга, хусусан, Тошкент шаҳрига етиб келган рус деҳқонлари ва бошқа тоифа кишиларининг қай тарзда рўйхатга олинishi ҳамда вилоятларга тақсимланиши масаласини махсус топшириқ асосида ўрганиб чиққан. Хужжат матнидан аён бўладики, 1899 йилда русларнинг Туркистонга келиши анча жадал тус олган. Бу жараёни хужжатлаштириш, бирон тарзда рўйхатлаштириш ишлари Тошкентда етти кишидан иборат комитетга юклатилган. Лекин бу маъму-



рий бўғиннинг хизмати келувчи русларнинг барчасини қамраб олишга ожизлик қилган. Половцовнинг маълумотига кўра, Тошкент рус кўчирмачилиги (ва ихтиёрий кўчиб келиш) жараёнда бир бўғинни ташкил этган холос. Россиядан миграция Туркманистон, Самарқанд, Урсатьевскдан Фарғона водийси томон ёйилиб кетаверган. Натижада кўчиб келувчилар билан шуғулланувчи Тошкент гуруҳи бутун манзарани тўлиқ ҳисобга олишга қодир бўлмай қолган. Бундан ташқари Сирдарё чизиги бўйлаб руслар Еттисувгача кириб бориб, йўл-йўлакай турли аҳоли пунктлари атрофида ўрнашиб қолаверган. Шундай шароитда ҳисобга олиш комите-

ти ихтиёрида Тошкентда кўчиб келувчиларга биргина вақтинча бошпана бўлган. Унга сигмаганлар эса шу ердаги майдончада жойлашган. Санитария ҳолати ёмон, турмуш учун энг зарур нарсалардан холи бу каби «бошпана» одамларни узоқ сақлолмас эди. Половцовнинг бу маълумоти вазиятни тўла тасвирига беролмайди. Шунга қарамай, ушбу «Билдиришнома» кўчиб келувчилар ҳаракатининг айрим жиҳатларига аниқлик киритади. Масалан, Авлиёта, Чимкент уездларида 200 оила илгарироқ ташкил топган рус посёлениелари аҳолиси ихтиёрида батраклик қилиб кун кўраётган эди. Иккинчи гуруҳ — 50 оила Марғилам уездида кун кўрган. Шунга ўхшаш кўплаб, ҳали ҳисобга олинмаган кўчиб келувчи рус аҳолини рўйхатлаштиришда жиддий ўзгариш қилиш лозимлигини Половцов алоҳида таъкидлайди ва ёзади: «Бу йил (1899 — О. С.) баҳорда келувчилар бироз кам бўлди. Лекин ёзда ва кузда уларнинг сони кўпайиб кетиши кутилади. Бунга Россия марказида кўплаб уездлардаги иқтисодий танглик сабаб бўлиши табиий. Кўчиб келувчи аҳоли Сибирга ва Туркистонга интилмайди, дейиш қийин. Уларнинг йўлини тўсиш, тўхтатиб қолишга уринишнинг бефойдалиги эса исбот талаб этмай қўйди. Бу масалада фармонлар, мажбурий чоралар ҳам самарасиз. Бу вазият ўз хоҳиши билан миграция қилаётган, давлат назоратидан ташқари кўчиб келаётган рус аҳоли сонининг кескин кўпайишига олиб келади».

Половцов ўз номасида бу назоратсиз ҳолатдан қутулишнинг бир қатор чоралари ҳақида маслаҳатлар беради. Жумладан, келувчи рус деҳқонларига баҳорикор экин турлари учун қулай ерлардан бўлтаклар ажратиб бериш ҳақидаги илтимосномаларини қондириш ва бошқалар.

Ушбу хужжатнинг қиммати шундаки, унда Туркистонга давлат назоратсиз кириб келган аҳоли кўпчилигини ташкил этгани аён бўлади. Бунга эса 1893 йил феврал ойида қабул қилинган кўчирма аҳолини Туркистонга жойлаштириш ҳақидаги подшо маъқуллаган «Қонун»да ўз ихтиёри билан келган рус аҳолиси давлат назоратида кўчирма қилинганлар билан тенг ҳуқуққа эга қилиб қўйилганининг Россиядаги ночор оммага маълум бўлгалиги сабабдир. Ушбу ҳолат кўчиб келувчилар оқимини кучайтирган. Туркистонда рус миллиятига мансуб аҳоли сонини кўпайтиришга қаратилган ишлар мустамлакачилик режаларининг асосий йўналишларидан бирини ташкил этган. Лекин мавжуд хужжатларнинг кўрсатишича, Россия ҳукумати бу жараёни ўз назоратида тутиш имкониятига доимо

эга бўлавермаган. Гап шундаки, XIX аср охирида Россия аграр тизимининг умумий ҳолатида жиддий муаммолар мавжуд эди. Қашшоқлашган деҳқонлар орасида умумий норозилик кучайиб бораётган эди. Аини шу вазиятда Россия учун Туркистон ўлкасини ўз истагига мувофиқ хўжалик ҳамда ижтимоий соҳалар бўйича ўзлаштириш, бу ўлкани метрополиянинг зарур хомашё базасига айлантириш муҳим эди. Сиёсий ва маъмурий жиҳатдан Россия Туркистонда ўз мустамлака режимини жорий қилган пайтида ўлкани бошқариш тизимини шундай уюштирдик, бу тизим таркибий жиҳатдан Россия маъмурий тизимидан кўчирма қилинган эди. Бунда маҳаллий аҳолининг ҳудудий жамоатчилиги, жамоа мулкчилиги анъаналари, ўтроқ ва кўчманчи яйлов хўжалик укладлари эътиборга олинмади.

Россиянинг жорий қилган маъмурий тизимини аҳолига сингдиришда кўчирмачилик сиёсати ва унинг оқибатлари ҳам маълум рол ўйнади. Масалан, тез орада кўчириб келтириб, меъёрий чекланган тарзда тақсимланган ерга жойлаштирилган рус посёлеларига нисбатан қўлланган тартибни аста-секин маҳаллий аҳоли орасида ҳам жорий қилишга уриниш майллари пайдо бўлди. Туркистонга кўчиб келган руслар ер билан, албатта, таъминланиши қонуниятга айлана бошлади. Россиянинг камбағал деҳқон қатлами орасида Туркистон ўлкасида «Ҳазина (давлат) ерлари» тақсимлаб берилаётгани ҳақидаги гаплар кенг тарқалди. Натижада, дастлаб давлат назоратида уюштириш мўлжалланган кўчиш ҳаракати стихияли тус ола бошлади. Шу муносабат билан Туркистон мустамлакачи маъмурлари орасида вазиятнинг тартибга солиш зарурлиги ҳақида фикрлар ҳам пайдо бўлди. Бир қатор хужжатлар кўчириш ишларининг давлат назоратидан чиқиб, баъзан ўзбошимчалик билан маҳаллий халқ ерларини босиб олиш шаклига кира борганини кўрсатади.

XIX асрнинг охирида 1886 йили қабул қилинган Туркистоннинг мустамлака бошқарувини ташкил қилиш ҳақидаги Низомнинг Россиядан Туркистонга аҳоли кўчириш масаласи билан боғлиқ 286-ва бошқа бандларига ўзгартиришлар киритиш ҳамда кўчирма аҳолини Сирдарё, Фарғона ва Самарқанд вилоятларига жойлаштириш бўйича махсус қоидалар ишлаб чиқиш зарурати пайдо бўлди. Россия маъмурлари 1899 йилда шундай қоидалар мажмуини ишлаб чиқди ва 1900 йилнинг 5 июлида Туркистон Генерал-губернаторлиги Кенгашига кўчириш масалалари билан шуғулланувчи Бош штаб томонидан

(давоми 20-бетда)

О Л М А — МУҲАББАТ РАМЗИ

Халқ оғзаки ижодини уларда ифодаланган рамзий образнинг тарихи, туб поэтик маъноси, муайян матндаги мантиқ кўламини ўрганмай туриб, атрофлича талқин этиш мумкин эмас. Шу маънода биз нисбатан кенг тарқалган мева — олма воситасида ифодаланган рамзларни кўриб чиқамиз.

Кўпгина афсона ва эртақларда фарзандталаб ота-она мушкулини олма ҳал этади. Олмани еган ота-она, албатта, фарзанд кўради. Худди шу йўналишдаги афсоналар аксарият халқларнинг оғзаки ижодида кўп учрайди.

Туркларнинг келини янги уйга қадам кўяр экан, куёвнинг қўлидаги олмани тишлайди. Бу билан у уйнинг шараф ва номусини асрашга ва куёв муҳаббатини қабул қилиб, ундан фарзанд кўришига рози эканлигини ифодалайди. Иккинчи марта турмуш кураётган бева эркакнинг мархума завжаси қабрига олма кўйиши, унинг кўнгли ва севгиси барибир унда эканини англатади.

Турк халқ ижодида олма фарзанд маъносида келган кўшиқлар ҳам учраб туради. Мисол учун бир кўшиқда:

Kizil elma, beyaz elma,
Tepsiye dizil elma.
Yar kernek'ten gezerken
Ardinan dizil elma.

Маъноси:

Кизил олма, оқ олма,
Лаганда тизил, олма.
Ёр кернекдан ўтар экан,
Кетидан тизил олма.

Бу ўринда кўшиқдаги оқ ва кизил олманинг рамз сифатида биргаликда келиши анча мунозарали. Бу маъно куйловчи ва тингловчи онгида ушбу икки рангнинг уйғунлашган анъанавий маънолари билангина ойдинлашади. Оқ олма — ўғил, кизил олма — қиз фарзанд поэтик маъноларига эга. Уни айни маъносидан келиб чиқиб талқин этсак, лирик қахрамон фарзандларига қарата, суйган ёрига, яъни оталарига издош бўлишларини айтмоқда. Кўшиқдаги лаганнинг оила маъносида келишини назарда тутган ҳолда ёндошсак, мисранинг маъноси ойдинлашади.

Олма рамзи билан боғлиқ тасаввур ва мотивларни тадқиқ этишда ўзбек ва бошқа қардош халқларнинг ёзма ва халқ адабиётидаги олма отиш, тақдим этиш рамзий бирикмаларнинг ўрни билан танишиш лозим.

Бизларда олманинг юз
беш тури бор,
Билифилёр, розмарин,
жоноқи, қандил.
Олма тақдим этмоқ — муҳаббат
рамзи,
Олма билан очилар
қонга тўла дил.

Ўзига тушуми тузукроқ «касб» қидириб юрган бир йигит табиб Жорданога шогирд тушибди. Жордано инсонларга шифо ахтарса, шогирди бойиш йўлларини излар экан.

Кунлардан бир кун мамлакат ҳукмдорининг ўғли бетоб бўлиб қолди. Табиб ва шогирд шаҳзодани текшириб кўришди. Жордано шаҳзоданинг касали безарар экани, тез орада тузалиб кетишини айтиб, уйига жўнабди. Шогирд эса, устозини обрўсизлантириш мақсадида шоҳга: «Уғлингизнинг касали оғир — тузалмайдиган кўринади», деб айтди.

Шаҳзодани қайта текширган бўлиб, унинг тилига бармоғидаги заҳарни суртди. Шаҳзода вафот этди. Бундан ниҳоятда таъсирланган доно табиб тоғ-тошларга бош олиб кетди.

Тез орада гумроҳ шогирднинг қилмишларидан эл огоҳ бўлди. Улар Жорданони излаб, тоғдан топдилар ва яна табиблик қилишини сўрадилар. Табиб эса:

— Мен бир марта эл ишончини йўқотдим, энди фақат тилсиз жонзодлар — ҳайвонлар, қушларни даволашга қасам ичганман, — деб одамлар орасига бошқа қайтмади.

Гумроҳ шогирд

Фафур Фуломнинг «Куз келди» шеърдан олинган ушбу парчада гап «олма тақдим этмоқ — муҳаббат рамзи», деб чиқарилган поэтик хукмнинг юзага келишига сабаб бўлган воқеалар кўламида, воқеаларнинг тарихийлигидадир. Шубҳасиз, жуда кўп халқлар тарихи, фалсафаси, урф-одати, адабиёти билан яқиндан таниш бўлган муаллиф, шу фикрни айтгунга қадар кўплаб фактларни, ривоятларни ўрганиб, муқояса қилган. Чунончи, олма тақдим этиш, олма отиш — муҳаббат рамзига айлангунга қадар асрлар ўтган.

Олма тақдим этиш рамзийлиги бошқа халқларга ҳам хосдир. Рус халқининг тўй-маросим кўшиқларида ҳам олма муҳаббат рамзи сифатида кенг қўлланади. Масалан:

Я с тех дерев яблочкибрала,
Я рвала,брала — милому дарила,
Я с тех пор сударишкой слила.

Маълумотларга кўра, араб истилосига қадар олма отиш Хоразмда ҳам одат ҳисобланган. Олма отиш асосан «қизил гул» байрами вақтида ўтказилган. Олмани гул билан кўшиб, фақат севишганларгина эмас, балки унаштирилган йигит-қизлар ҳам бир-бирларига отишган. Кейинчалик, рамазоннинг иккинчи кунини олма отиш маросими ўтказиш урф бўлган. Бунда қиз ўз дугоналари ва янгаси билан қишлоқ яқинидаги боққа бориб арғим-

чоқ учган. Олдинроқ келиб, дарахлар ортига яшириниб олган йигитлар севган қизларига олма, турли хил ширинликлар отишган. Халқ урф-одатларидаги бу аъъанавий рамзийлик эртақ ва дostonларга, кўшиқларга ўтган.

Қадимги юнонларда олма энг гўзал аёл муҳаббатининг ифодасига айланган. Тўй кунини куёв ва келинчаққа олтин рангли олма ва хидли кидон олмаси тўёна қилинган. Гўзаллик худоси Афродитага бағишланган турли ишқий парчаларда олма рамздан фойдаланилган. Юнонистонда ҳатто давлат арбоби Солоннинг буйруғи билан олманинг рамзий маъноси қонунлаштирилган. Бу буйруққа кўра, келин тўй кечаси олтин ранг олма ейиши шарт бўлган.

Эртақларда олма отиш, тақдим этиш ҳолатлари кўпроқ учраса, дostonларда бу ўзгачароқ шаклда намоён бўлади. Жумладан, «Гўрўғлининг туғилиши» дostonида: Кунларнинг бирида Гўрўғлининг онаси боққа кириб, ариқда оқиб келаётган олмани ейди ва кўп ўтмай, ҳомиладор бўлади. Одамлар уни гуноҳкор санаб, гўрга элтиб ташлайдилар. Шунинг учун ҳам Гўрўғли қабрда дунёга келади.

Юқорида кўриб чиқилгандек, олма рамз сифатида икки мустақил туб поэтик маъно ташимоқда: 1) фарзанд; 2) севги.

Олма севги рамзи бўлиб келган тўртликлар, олманинг фарзанд

рамзи бўлиб келган шеърларга нисбатан кўпчиликни ташкил этади. Муайян матнда турли рамз атрибутлари асосида бу маъно кўлами у ёки бу тарзда ўзгармоқда. Шу билан бирга, келтирилган мисолларнинг ўзи ҳам, биринчидан, халқ шеъриятда қўлланган «олма» поэтик рамзининг мукамаллигини, уларнинг узоқ тарихий асосга эга эканлигини, поэтик мушоҳаданинг беқиёслигини кўрсатса, иккинчидан, фольклордан ижодий фойдаланиш зарурлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Шоислом ШОЁҚУБОВ,

Тошкент давлат Шарқшунослик институти ўқитувчиси.



Аёл гўзаллиги

Бир шоҳнинг хонадонидида ўғил дунёга келди. Шоҳ фарзандининг келажagini билиш мақсадида мунажжимларни чорлади. Улар юлдузлар жойлашувига қараб: «Агар бола ўн йил давомида куёш нуридан сақланмаса, кўриш қобилиятини йўқотади», деб башорат қилишди. Чорасиз қолган шоҳ чақалоқни умуман куёш нури тушмайдиган, қоронғу горда асраб, тарбиялашни буюрди.

Орадан ўн йил ўтибди. Шоҳ горда тарбияланган ўғлини дунёвий гўзаллик билан таништириб, уни ташқи оламга мослаштириш мақсадида кўплаб қим-

матбаҳо буюмлар, зеб-зийнатлар, бир қанча гўзал қизларни кўрсатибди.

Ҳамма нарсани ўз номи билан атаган шоҳ қизларга келганда уларни «иблислар» деб таништирибди. Сўнгра ўғлидан кўрганлари орасида нима энг манзур бўлганини сўрабди. Шаҳзода ҳайратини яшира олмай «Иблислар!» деб жавоб берибди. Шоҳ бундан жуда таъсирланибди ва беихтиёр «Аёл гўзаллигининг қудрати нақадар беқиёс!» деб юборибди.

Манзура тайёрлади

Мирзо Улуғбек номли Ўзбекистон Миллий Университети Филология факультети ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошида ташкил этилган Олий Адабиёт курси тингловчилари журналимиз билан мунтазам ижодий ҳамкорлик қилади. Улар журналимизнинг таҳрир жараёнида, ижодий ишларида бевосита иштирок этиб туришади. Олий адабиёт курсининг дастлабки битирувчилари ҳамда айни пайтдаги тингловчиларидан бир қанчасининг ижодий ишлари аввал ҳам журналимиз саҳифаларида ёритилган.

Бугун Олий Адабиёт курси тингловчилари бизнинг меҳоминимиз. Уларнинг ижодларидан намуналарни Сиз азиз журналхонларга тақдим этамиз.

Таҳририят



Муҳиддин АБДУЛСАМАД

* * *

Сангинисиз ман билман, кимман,
Юрагимда туюди овриқ.
Кафтларимда тўғиб урмон
Шилагимда туюди овриқ.

Шўрт тарафим кен нимарса,
Саробларга тенг нимарса,
Қўлим ёғзиб, енг шимарсам,
Билагимда туюди овриқ.

Юрак тепар қовурагани,
Улар... улар... улар гами.
Жон дегани соб бўлгани,
Сунгимда туюди овриқ.

Бир йўлнинг дайр билсам,
Шун йўлнинг сайр қилсам.
Адашсам-у, сал қайрилсам,
Курагимда туюди овриқ.

Сангинисиз ман, билман, кимман,
Юрагимда туюди овриқ.
Кафтларимдан тоғиб урмон
Шилагимда туюди овриқ...

Салтанат ШОДИЕВА



Сени эркалайди бир эрка сабо,
Эрта ўнланширар ниқсониз ўрминини.
Мен – Сени асфрини – бахтини бу аммо,
Бахтинингизини – мени сўймай ўрминини.

Шўкчилик тўймаган гариб қўнлимга
Айнимасан, Сендан айинаман мен.
Сен улуғ себинини солиб қўнлимга,
Ашаниман жонини икки бўлиб тенг.

Ҳозо юрак йиғлаб қўлди доғда,
Балки бу ушалмас орзудан дарак.
Шонда қўлди, оғ, бу бир завас – боғда
Гулла юзини босиб ухлар капалак.

Қўлда ушмас хатто оқдари ҳам ёлғиз –
Сев-да, бу оламда, ширма дилга.
Юр, кетдик, ошқлар соймай хали иэ
Истасанг, гулқўрпа ёпинган қўрға.

Сени эркалайди бир эрка сабо.
Эрта ўнланширар ниқсониз ўрминини.
Мен – Сени асфрини – бахтини бу аммо,
Бахтинингизини – мени сўймай ўрминини.



Шухрат ТОХИР



* * *

Бир лаҳза, атини бир лаҳза
Қўлларини қўриб, қубонинг улуғ,
Мени кета жонинини қўйнаганим рост!

Бирини, атини бирини фурсат
Мен сенинг дард тўла нигозларинини
Ҳарларини қўзимга сурмоқлик улуғ –
Ҳаёт билан қаттиқ қўйнаганим рост!

Битта сўз. Шу сўзни эшитмоқ бўлиб
Хирсон шаробига тўймаганим рост!
Бир урғ... Кейинги, бу битта урғ –
Сени селмоқликка камлик қилади!



Адиба УМИРОВА

* * *

Мен калиб-калиб бир илонни суйдим,
Хамма қалиб ундан сўрадим нажот.
Совуқ, пазларига юзимни қўйдим,
Алифирма йил ёндим. Бемезр, хайҳоз!

Қафшида авайлаб асради жоним,
Шиншлари тийираб тилим тинилади.
Ўзимни берахм, содиқ илоним,
Менинги юрагимда ёзлаб, қишлади.

Қўзлари тирокли қараб тўймайман,
Лабларим лавидан захар илади.
Ўғинига осилиб бир зум қўймайман,
Дарахтин қўнгандай хиссиэ қўлади.

Дилга оғир ботаф тош сийналарни,
Ўзини бор бойлиги кам, андуҳларим.
Соғларим толаси хазиналарни,
Қўриқлаб ётади сир сандиқларим.

У пардай бевозор, бедил илоним,
Бот зўри келади бармоқларимга.
Шашлаб кетолмайман, нега, Худоийим,
Чирмашиб ётади оёқларимга.

Қалбимда бошланар қиёмат қоним,
Илгасам йилламас, кулсам қулмайди.
Менинги оқ илоним, оппоқ илоним,
Бир айби — севиниш билмайди.

Билмадим, бу не сир... қандайини тақдир
Қафшига тўқилиб келганини осмон...
Шўққизинини қават... буюклик бағли,
Шўққизинини қават... сир тўла ошён.


Эиналар тўқилиб қолар нзимдан,
Ештаман... бўзимга тўқилар жоним.
Менинги оёқларим титроқ нзимда...
О, ўзимдан келиш шунга осоним?

Ўзини тутахмай титроқ тўқилар,
Эиналар нафасини ростлолмади ҳалак.
Шо ўша... қадрдон эшикка қадаб
Ёшунга... юрагини ютади йўлак.

Эшиклар оғилиб кетар ниҳоят,
Қўз олдимида дунё ўзимдай қарахт.
Орғида нафлат босган саккизта қават,
Орғида саккиз қават — бағлидан беваҳра.



Зумрад ВАҲОБОВА



* * *

Мен қулдим,
Сен қулдини,
Омад қулмади.
Мен билдим,
Сен билдини,
Отани билмади.
Мен қулдим,
Сен қулдини,
Отани қулмади.

Шор экан пешонам,
Севим ситмади.
Қўлада сағрайдон
ўқиб йиллади
Нолонман,
хайронман.
Келдим, девона
Энига бор, дех
Севим қўймади.



Шухрат НАСИМ



Гулбахор ОРТИҚХЎЖАЕВА

* * *

Базор...
Қор ҳам ёнди, номард завонини
Хатосини севди юрагим.
Буни мен ҳам бир хато қилдим,
Юрагинини эди юрагим.
Ўттиман, яшайдан безма,
Қурб кетсин янлиш ёққан қор.
Бошқаларга парво қилмайлик,
Алиф базор — камнамо дийдор!
Шу хаёлда қўлага тикдим,
Хайрон лаби қурбётган йўл.
Ана, қуёш қулаганини-ку,
Нега менинги кийриқларим хўл?!
Эи атрофда нотанишлар қўл,
Шанишлар ҳам... фақат сен йўқсан!
Эди билдим асл исминини —
Юрагимга отилган ўқсан!

(боши 14-бетда)

тақдим қилинди. Қоидалар мажмуига Россия ҳарбий министрлиги бир неча ўзгартиришлар киритди. Кўчириш сиёсатининг асл босқинчилик моҳияти ушбу ҳужжатда сиёсий ҳаспўшладан холи тарзда шу қадар очиқ баён қилинган-ки, буни батафсилроқ таҳлил қилишга қарор қилдик. Қўлимиздаги ҳужжат киритилган ўзгаришларни ҳисобга олиб, сўнгги тахрир учун генерал-лейтенант Мацевскийга юборилган. У генерал-лейтенант шу муносабат билан ҳужжат матнига киритилган ўзгариш ва тўлдиришларни изоҳлаш ҳамда баҳолаш билан бирга кўп масалаларда ўзининг тавсияларини ҳам киритиб борган. Ҳужжатда янги тузилган кўчирмачилик қоидалари билан шу масалага оид 1889 йил 13 июлда подшо томонидан (Александр III) имзоланган қонун ўртасида тафовут ва сиғишмайдиган бандларга ишоратлар билан берилган «Қоидалар» ва ушбу қонун оралигида Россиянинг кўчирмачилик сиёсатини янада жадаллаштириш ва ундан кутиладиган сиёсий мақсадларни янада аниқ ифодалаш томон силжиш кузатилади. Жумладан, ҳужжатда бундай ёзилади: «Ҳарбий министрлик томонидан қоидаларнинг I бандига Туркистонга Россия қишлоқ аҳолисининг фақат православ мазҳабидаги қатламни кўчириш ҳақида кўшимча танқид қилинади. Куйироқда таъкидланадиган турли христиан динининг бошқа турдаги мазҳаб ва оқимларининг вакиллари Туркистонга фақат ҳарбий министрнинг рухсати билан кўчирилиши мумкин қилинган. Ҳужжат

муҳаррири Мацевский бу бандни танқид қилиб бундай ёзади: «Ҳарбий министрлик кўчириш сиёсатининг айна сиёсий аҳамиятини, бу чора рус фуқаролигини Туркистонда тўлиқ ёйиш воситаси эканлигини ва бу ўлкада империянинг янада мустақамланишига хизмат қилишини ҳисобга олмаган. Ваҳоланки, кўчириш сиёсати империя учун ўта муҳим ва узоқни кўзловчи сиёсий аҳамиятга эгадир. Агар биз кўчириш келувчи аҳолининг диний мазҳаб келишмовчиликларидан келиб чиқадиган бўлсак, кўчирма аҳолининг Туркистондаги умумий бирлиги масаласига путур етган бўлади».

Ушбу ҳужжатнинг бир ўрнида кўчирма аҳолининг диний мансублигидан қатъий назар ҳар қандай чекловларсиз Туркистонга киритилиши зарурлиги алоҳида таъкидланади ва бундан кузатилган мақсад очиқ-ойдин ифодаланади. Бу эса куйидагича жумлада акс этади. «Кўчирмачилик Туркистонда рус ҳукмронлигини мустақамлаш билан бирга унинг аҳолисини ассимиляция қилишга хизмат қилади».

Шу муносабат билан Туркистонга кўчириш жараёнида тўғридан-тўғри, ҳеч қандай тўсиқларсиз кенг йўл очиб бериш таклиф этилади. Бу гоё ҳужжатда бундай ифодаланган. «Кўчириш жараёнини ҳар қандай сустратиш ва турли йўлакай таъсирлар билан секинлатиш нафақат зарарли, балки рус таъсирини кучайтириш маъносидан бефойдадир, ўз-ўзидан кўриниб турибдики, ушбу мақсад учун руслар айна православлар таянч сиёсий унсур бўлиб хизмат қилгани

ҳолда, бошқа диний мазҳаблардаги аҳолининг ролини ҳам камситмаслик лозим».

Мазкур фикрни асослаш учун Мацевский христиан динидаги раскольниклар ва уларнинг турли оқимларига мансуб аҳолига хос бўлган одамларни «ҳар томонлама рус одамлари» деб таърифлайди ва уларнинг меҳнаткашлиги турли таъсирларга бурилувчан эмаслиги каби таърифларни келтириб, уларнинг Туркистонга кириб келишини «фақат мақсадга мувофиқдир», деб ёзади. Ҳужжатнинг давомида Мацевский Туркистонни ҳаёт этишда иштирок этган, ҳарбий маъмурият тизимида ишлаб, истеъфога чиққан «Туркистон истилоси учун қон тўккан» куйи мансаб русларни ҳам Туркистон ерига жойлаштириш масаласини таҳлил қилади. Ҳужжатда айтилишича, 1886 йил Низомнинг 280-бандида бу масала қайд этилган. Энди эса, онга кўшимча қилиб, мазкур тоифага оид русларни уларнинг диний мансублигидан қатъий назар ер билан таъминлаш лозимлиги таклиф қилинади.

Шундай қилиб, кўчирмачилик тўғрисидаги янги қоидалар мажмуига киритилган ўзгаришлар куйидаги тахрирда баён этилган:

1. Сирдарё, Фарғона ва Самарқанд вилоятларига Россиянинг Европа қисми губерния ва вилоятларида яшаб келган православ динидаги қишлоқ аҳли ва мешчанлар кўчирилиши мумкин.

Изоҳ: 1) Ички ишлар министрлиги рухсати билан ҳамда министр билан келишилган ҳолда раскольниклар (ҳарбий мажбуриятдан бош тортувчи христиан динининг бошқа мазҳаблари — О. С.)

Изоҳ: 2) Туркистон ҳарбий округининг куйи мансабли амалдорлари истеъфога чиққач уларнинг мазҳабий мансублигидан қатъий-назар Туркистон ерларига жойлаштирилиши мумкин.

Ушбу ҳужжатда кўчиришни жадаллаштириш мақсадида Низомнинг баъзи бандларини кулайлаштириш юзасидан таклифлар киритилган. Масалан, Туркистонга кўчирилувчи аҳолига кўчиш юзасидан рухсатнома беришни соддалаштириш, бунда асосий масъулият Россия Ички ишлар министрлигига юкланиб, кўчирилувчилар ҳақида Туркистон генерал-губернатори билан алоҳида келишиб олиш шартли бекор қилинади.

Лекин ушбу банд юзасидан Россия молия министрлиги билан келишиш лозим деб қайд этилади. Бунинг маъноси шуки, молия министрлиги ҳар йили Туркистондаги хазина ерларининг ҳисоб-китоби ҳақида ахборотга эга бўлиши керак, деб ҳисобланган. Туркистонга ўз хоҳишича —рухсатсиз



кўчиб келувчилар сонининг тобора ортиб бораётгани бу каби кўшимчалар пайдо бўлишига сабаб бўлди. Демакки, кўчирмачилик қоидалари қайта кўриб чиқилган даврга келиб Россиянинг Туркистондаги мустамлакачилик тизимини кўчинчи руслар ҳисобига ижтимоий жиҳатдан кучли таянч билан таъминлашга қаратилган сиёсат ўзининг авж палласига кирган эди.

Ҳужжатнинг 3-банди кўчирмачилик сиёсатини жойлардаги маъмурий бошқарув маҳкамаларидан ажратиб олиб, деҳқончилик ва давлат мулки министрлиги назоратига бевосита ўтказишни, бу орқали кўчирмачилик йўли билан Туркистонда рус колонизациясини кучайтиришни кўзда тутиб эди. Жумладан, ҳужжатда бундай дейилади: «Кўчиб келувчилар учун жойларни аниқлаш ва рус қишлоқларини у ерларда ўрнаштириш учун тайёрлаш мақсадида, деҳқончилик ва давлат мулки министрлиги махсус гуруҳлар тузади. Бу гуруҳларнинг фаолияти жойлардаги маҳаллий маъмурий амалдорини ер тақсимлаш вазифаларидан озод этади». Бу қоида-нинг киритилиши мазкур министрлик тузган гуруҳларнинг турли хил ўзбошимчалик қилишига имкониятлар яратди.

Россия империясининг Туркистонга русларни кўчириш сиёсати кўп ҳолларда асосан зўравонлик усуллари билан амалга оширилган. Масалан, Туркистон генерал-губернатори маҳкамасига Фарғона вилояти ҳарбий губернатори бошқармасидан 1910 йил 28 май санаси билан йўлланган ҳамда унга илова қилинган ҳужжатларда Андижон туманига қарашли Кўгарт, Жирғатол, Кўкёнғоқ каби қишлоқларда кўчиб келган руслар маҳаллий аҳоли ерларини босиб олганлари аён бўлади. Жумладан, Кўгарт қишлоғида 6821 десятина ердан туб аҳоли қувиб чиқарилган. Қизиги шундаки, рус маъмурияти кўчирма русларнинг янги жойдаги ҳужалигини ташкил қилишга 136000 рублдан иборат каттагина маблағ ҳам ажратган. Гўё бу пулнинг бир қисми ердан махрум қилинганларга товон сифатида берилиши ҳам кўзда тутилган. Бироқ ушбу товон пулининг кимгадир тўланганлиги ҳақида ҳеч қаерда, бирор маълумот йўқ. Аксинча, сўз юритаётганимиз ҳужжатга илова сифатида генерал-майор Мустафин имзолаган тушунтириш хатида айтилишича, ўз ерларидан айрилган маҳаллий аҳоли ҳужалигини жойлаштириш учун яйлов жойлардан ер ажратилиши, ер миқдори эса янги кўчиб келган руслар ердан катта бўлмаслиги, ажратиладиган ерларнинг давлат тасарруфида бўлиши лозимлиги кабилар қайд этилади. Бунга кўра, Кўгарт

ва унга ёндош қишлоқлар аҳолиси амалда ўз ердан бутунлай махрум қилинган эди.

Кўриб ўтилган ҳужжат ўзига хос асосларга эгаллиги бу масаладаги бошқа ҳужжатлардан аён бўлади: 1905 йил 25 август куни Фарғона вилоят ҳарбий губернаторининг алоҳида топшириқлар бўйича мулозимини ўз хўжасига Кўгарт, Жирғатол, Кўкёнғоқ ва бошқа қишлоқлардаги вазият ҳақида батафсил маълумотнома ёзади. Унда Кўгарт қишлоғи тақдирининг бу қадар аянчли тарзда ҳал бўлишига сабаб бўлган омиллар ҳақида гап боради: 1903 йил 10 июн куни Россия императори Николай I босиб олинган Туркистоннинг Сирдарё, Фарғона ва Самарқанд вилоятларидаги давлат ерларига русларнинг ихтиёрий кўчиб бориб, жойлашувига расман рухсат берувчи қоидаларни имзолади. Бу «Қоидалар» «Сельский вестник» номи билан тарқатилган. Кетма-кет шу газетада қандайдир мухбирнинг (!) Туркистондаги маҳаллий газеталарнинг биридан олиб жўнатган хабари босилди. Унда айтилишича, Фарғона ҳарбий генерал-губернатори генерал-майор Андращенко Кўгарт водийсидаги ерларда рус мужикларини жойлаштириш учун маблағ сўраган. Ушбу хабар Россиянинг ночор қишлоқ худудларида Кўгарт водийси тўғрисида қутилмаган даражада ажиб тасаввур туғдиради. Аввало Еттисув ўлкасининг сув жиҳатидан қийин шароитдаги рус поселениеларидан, Самарқанд атрофидаги рус қишлоқларидан, кейин эса Россиянинг ички районларидан янги ер излаб Кўгартга келувчилар оқимининг кети узилмай қолади. Келувчилар маҳаллий рус маъмурларидан уларнинг талабларини қондиришни сўраб галаён қила бошлайдилар. Бунинг устига Кўгарт ва бошқа ёндош қишлоқлардаги Туркистонни босиб олишда иштирок этган кўйи даража ҳарбийлар ва уларнинг авлодлари келиб ўзбошимчилик билан ерларни эгаллаш бошлайдилар. Вазият мураккаблашиб боради. Маҳаллий аҳоли — қирғизлар ўз ерларидан кетишни истамайдилар. Шунда Кўгарт бўлис бошлиғи Қамбар Ботиралиевни рус маъмурлари ўзларига оғдирдилар. У эса қирғиз жамоалари оқсоқолларини йиғиб маслаҳат қуради. Ёз ойларида қирғизлар яйловга кетган пайтда руслар уларнинг ерларида бугдой экиб, йиғиб олишига рухсат берилади. Лекин бу қадам мудҳиш хато бўлиб чиқди. Мазкур ҳужжатнинг давомида Кўгартда рўй берган ҳодисалар қуйидагича баён этилади: Кўгарт водийсига кўчиб келувчи русларнинг оқими тўхтовсиз давом этавергач, ўзбошимчилик билан қирғизлар фойдаланиб келган

азалий ерларни босиб олиш бошланиб кетди. Вақинча берилган ерлар эгаларига қайтарилмади. Иш шу даражага бордики, Кўгарт водийси билан қўшни кичик воҳаларга ҳам айрим рус оилаларининг гуруҳлари жойлаша бошлади. Жумладан, Қорачўлоқ қишлоғида 6 хонадон, Кўтаркамолда 10 хонадон жойлашди. Бу ерда рус мужиклари Ўрмонариқ қулоғи атрофидаги ерларни босиб олиб, маҳаллий қирғизларнинг сувдан фойдаланишига халақит бера бошладилар. Шундай қилиб, Кўгарт водийсида 200 кўчирма хонадон жойлашди. Шулардан 100 таси Жирғатолда, 70 таси Кўкёнғоқда, қолганлари юқорида айтиб ўтилган қишлоқларда ўрнашди. Лекин бу хонадонлар рўйхати Кўгарт уезд маъмурияти архивларида сақланмаган.

Ушбу ҳужжатнинг давомида кўрсатилишича, Кўгартга келувчилар Россиянинг Воронеж, Харьков, Екатеринбург, Самара, Пенза, Саратов, Полтава, Акмолинск, Томск вилоятларидан чиққан одамлар ҳисобига тобора кўпайиб борган. Ушбу ҳужжатнинг таҳлили Россия мустамлакачилик сиёсатининг аграр соҳада амал қилган босқинчилик руҳини ўзида айнан мужассам этганини кўрсатади. Мазкур вазиятни генерал-лейтенант Галкин томонидан тузилган комиссия маълумоти ва кўчиб келувчиларнинг жойлашув манзарасини акс эттирган ҳужжатларнинг рўйхати яққол кўрсатади. Унда Қўшкончи, Қўтирмамон, Учбоғич, Жаландиқашма, Гадоярлик, Кўкёнғоқ, Мамасодиқ, Ингичкашма, Марқай, Янгизёнғоқ, Қизилсингир, Қиличтамға, Боғиш, Ёғочқўрғон, Аширўғли, Қайирма, Катматоташа, Сарикамиш, Қорачўлоқ, Таранбозорда бир қатор баҳорикор экин майдонлари, ҳамда ишлов берилмаган, лекин экишга яроқли ерлар русларга тақсимланганлиги қайд этилади.

Туркистонда рус аграр колонизацияси жараёни босиб олинган худудларни Россия хазина мулкига айлантириш асосида олиб борилган кўчирмачилик характери бошланган кезларда гўё Россиядан келувчи рус аҳолиси давлат ерларида жойлашмоқда, деб асослашга уринилган. Лекин аксарият ҳолларда ушбу тартиб Туркистон шароитидаги доимий ишлов берилмайдиган, лекин маҳаллий жамоаларининг умумий яйлов майдонлари эканлиги эътиборга олинмаган. Русларни киритиш ва жойлаштириш ишларида бу ҳолат кўпроқ Сирдарё вилояти кўчирмачилик маҳкамаси ишларида турли қутилмаган вазиятларга сабаб бўлган. Шу маънода 1899 йил 16 сентябр куни ёзилган Туркистон ўлкаси ер ва давлат мулки бошқармаси бошлигининг генерал-губернаторликка йўллаган

доклади қизиқарли маълумотлар беради. Унда Туркистон генерал-губернаторлигининг ички ишлар вазирлиги томонидан юборилган алоҳида вазибалар бўйича амалдори Половцовнинг генерал-губернатор номига ёзилган билдиришномаси мазмунига кўра Сирдарё вилоятидаги рус кўчирмачилик сиёсатининг бориши билан боғлиқ, айниқса, бу масаладаги айрим қийинчиликлар ва уларни бартараф этиш ҳақидаги мулоҳазалар баён этилади. Жумладан, хужжатда Сирдарё вилоятида руслар томонидан эгалланиши мумкин бўлган бўш ерлар йўқлиги сабабли вақтинча кўчиришни тўхтатиш лозимлиги кўрсатилади. Бу ишнинг ривожини учун янги суғориш иншоатлари зарурлиги, ўзлаштириш мумкин бўлган янги ерларнинг статистик ахборотини тайёрлаш, деҳқонлар қўлидаги ортиқча ерларни аниқлаш масаласи кўйилади. Бу хужжатда ҳам Туркистон маҳаллий шароитида яйловларга муносабат масаласи рус маъмурлари томонидан тушуниб етилмаган.

Хужжатда шундай таъкидланади: «рус кўчинчи аҳолисини жойлаштиришда маҳаллий кўчманчи чорвадорларга хизмат қилувчи яйловларни ҳам ҳисобга олмоқ керак». Ушбу хужжатда айтилишича, 1898 йилдаёқ қишлоқ хўжалиги ва солиқ ишлари бўйича Сирдарё кўчирмачилик комитети ходими — коллеж ассессори Шаҳназаров кўчирма ишлари комиссияси номига махсус доклад йўллагани ҳақида ёзилган. Унда билдирилган тақлиф ва мулоҳазалар комиссия томонидан жавобсиз қолдирилган. Шу сабабли биз таҳлил қилаётган иккинчи хужжат пайдо бўлган. Унда Шаҳназаров томонидан қатор тақлифлар киритилган.

1. Рус поселениеларини жойлаштириш учун янги ер фондларини ташкил қилиш;

а) ўлик ёки кўриқ ерларни очиш;
б) мелиорация йўли билан тўқайларни ўзлаштириш.

2. Маҳаллий аҳолининг ердан фойдаланишини тартибга солиш.

3. Кўчманчи яйлов майдонларни ҳисобга олиш.

Бу тадбирлар орасида маҳаллий аҳолининг ердан фойдаланишдаги анъанавий тартибларини бекор қилиб, уларга меъёрлашган асосда ер тақсимлаш масаласи алоҳида таъкидланади. Бу банд чўл шароитида маҳаллий халқ хўжалик укладини бузиб юбориши мумкинлиги эътиборга олинмайди. Ундан ташқари маҳаллий аҳоли қўлидаги ерларга солиқ солишининг янги тартиби зарурлиги қайд этилади. Зарур чоралар қаторида Туркистон ўлкасини ёппасига иқтисодий статистик тадқиқ этиш тақлифи киритилади. Доклад муал-

лифининг фикрича, кўчманчи аҳолининг эркин кўчиб юриши рус поселениачилик ҳаракати кўз ўнгида мутлақо чидаб бўлмас ҳолат эди. У бундай деб ёзади: «Кўчманчилар бизнинг ерларимизда (яъни босиб олинган ерларда — О. С.) улкан кенгликлар бўйлаб кўчиб юриш имкониятига эга бўлганлари ҳолда бу ерларда ярим десятина бўлтак ерда ўтирган великорус мужиги ҳисобига ўз ҳолига ташлаб қўйишимиз асло тўғри келмайди».

Бу хужжат ҳақида хулоса шуки, Туркистон генерал-губернаторлигида ер тақсимоли ишлари кейинчалик айни шу каби тақлифлар асосида олиб борилади, аста-секин маҳаллий аҳолини ерсизлантириш амалга оширилган. Бу эса Россиянинг катта кўламдаги хом-ашё базасига хизмат қилувчи давлат мустамлака ер фондларини тартибга солишга имкон берган. Шу каби тақлиф ва мулоҳазалар йиғила борган сари рус мустамлака маъмурияти турли ҳудудларда айниқса, Мирзачўл минтақасида янги ерларни ўзлаштириш бўйича бир қатор чора-тадбирларни амалга ошира бошлади. 1906 йил 10 ноябрда Сирдарё деҳқончилиги ва давлат мулкларини бошқармасига қарашли кўчирма қилинганлар ишлари билан шуғулланувчи идора мажлисининг баённомаси сақланиб қолган. Мажлисда Мирзачўлдаги Николай I ва Павел I номли каналларга кўшимча қурилаётган янги канал сувини кўшиб туриш Верхний ва Нижний Волгинск посёлкаларини сув билан таъминлаш, айниқса, Духовской посёлкасига кўшимча одамларни жойлаштиришни вақтинчалик тўхтатиб туриш каби масалалар кўрилган. Мажлисида муҳокама учун 1906 йил 13 октябрь куни имзоланган ва ўлканинг бош бошлиғи номига йўлланган Сирдарё райони бўйича ер ишлари ва давлат мулки идораси масъули доклады муҳокамаси асос қилиб олинди. Мажлисда иштирок этган ер ишлари ва давлат мулки бошлиғи статс-советниги Лисневский, ирригатор Крюченко ерларни ўрганиш гуруҳининг бошлиғи титуляр советник Хачатрянц, кўчирмачилик ишлари Сирдарё район мудири Арцишевский, сув иншоотлари инженери Елистратов агроном Юферевлар янги ерларни кўпроқ сув билан таъминлаш масаласи бўйича фикрларини баён этишди ва Хўжанд районида жойлашган сув тўғонидан Николай I канали ва унинг тармоқларига етарли миқдорда сув чиқариш имкони йўқлигини қайд этишди. Бунинг учун тўғон бошини доимий ишлайдиган инженер қурилма билан таъминлаш зарурлигини кўрсатишди. Мажлис шундай хулосага келдики, Николай I ва Павел I ка-



наллари орқали ўтказилаётган сув 1906 йилда 45 минг десятина ерни суғоришга етиб турган бўлса, бу ҳол кўчиб келаётганлар ҳисобига ерларни кенгайтириш зарурати туфайли талаб даражасида эмас деб топилди. Ниҳоят, агар ҳали тугалланмаган канал тармоғига кўшимча сув олиб, уни мавжуд каналларга кўшиб юбориш ҳисобига яна 5 куб сажан сув суғориладиган янги ерларга ўтказилса, кўшимча 20000 десятина ерни янги рус поселениелари учун ишга тушириш мумкин, деб хулоса чиқарилди. Ушбу мажлис баённомаси Туркистонда рус мустамлака маъмурияти, аввало, ўлкада руслаштириш тизимини кучайтириш ҳамда Россия санoaти учун зарур бўлган хом-ашё тайёрлаш бунинг учун зарур инженер — техник воситаларини жадал суръатлар билан яратиш масалаларига алоҳида аҳамият берган.

Кўриб чиқилган хужжатлар таҳлили асосида Чор Россиясининг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсати моҳияти янада яққол намоён бўлади. Аввало, Россия Туркистонни забт этгач, бу ўлка халқларини этник, маданий, маънавий илдизларидан ажратувчи ассимиляциячилик мақсадларини кўзлаган. Бу Туркистонни тасарруф этишда бош масала сифатида қўйган. Мустамлака сиёсий, иқтисодий тизимни ташкил қилишда маҳаллий аҳолининг асрий хўжалик юритиш анъаналари, мулкчилик тамойилларини менсимай, аёвсиз равишда вайрон қилиб ташланган.

Ойгул СУЮНОВА,
ЎзРФА Тарих институти
докторанти.

Миллий озодлигимиз ва эркимиз учун курашган маърифат ва маданиятимиз даргалари бўлган Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Абдулхамид Сулаймон Чўлпон, Усмон Носир, Исҳоқхон Ибрат, Отажон Ҳошим кабиларнинг маънавий меросидан истиқлол шарофати тўфайли баҳраманд бўлдик.

Юқорида исми шарифлари зикр қилинган улўғ инсонларнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини ёритувчи мақолалар, асарлар, тадқиқотлар яратилди. Уларнинг асарлари турли нашрларимизда чоп этилиб, китобхонлар ҳукмига ҳавола қилинди. Лекин ХХ аср маърифатпарварлари орасида шундай шахслар борки, уларнинг исм-шарифлари ва фаолияти республикамиз жамоатчилигига яхши таниш эмас.

Мана шундай инсонлардан бири, Маҳмуд Субоҳдир. ХХ асрнинг 20-30 йиллари матбуоти билан танишар эканмиз, маърифат ва маънавият масалаларига оид ўнлаб мақолалар остидаги Маҳмуд Субоҳ (газеталарда Субой) номли муаллифга дуч келамиз. Хўш, Маҳмуд Субоҳ ким бўлган? 1920 йил Бухоро Халқ Республикаси Марказий бошқарув тизимида ҳукумат органлари замонавийлаштирилиб, нозирликлар ташкил қилинди. Янгича тарихий шароитда нозирликларда фаолият олиб борадиган саводли, соҳадан хабардор мутахассисларга эҳтиёж сезилди. Жумладан, Маориф нозирлигида ҳам миллий мутахассислар етишмасди. Қори Йўлдош Пўлатов туркий халқлар вакилларидан саводли, малакавий тажрибага эга кишиларни ўзи раҳбарлик қилаётган нозирликда ишлаш учун таклиф қилади.

Маҳмуд Субоҳ асли татар миллатига мансуб бўлиб, Бухоро Республикаси ташкил топган дастлабки йилларда маориф нозирлигининг умумий ишлар бўлими мудирини лавозимига таклиф этилган. Кекса журналист Абул Бозоров қайд қилганидек, у рус, араб, форс, туркий тилларни пухта билган. Қозон маърифий ва адабий муҳитида вояга етган ва янги ҳукумат таркибида фаол ишлаган.

Биз учратган манбаларда унинг яшаган йиллари билан боғлиқ маълумотлар йўқ. Бухородаги маърифий-ижодий фаолияти билан тани-

МАҲМУД СУБОҲ (СУБАЙ)

КИМ ЭДИ?

шар эканмиз, Субоҳ ўз даврининг билимдон, зукко кишиси бўлиши билан бирга қобилиятли ва иқтидорли шахс бўлганлигини англаймиз. Маҳмуд Субоҳ 1921-1923 йилларда “Бухоро ахбори” газетасида маърифий-илмий йўналишдаги бир қатор мақолалари ҳамда ҳикоялари билан иштирок этган. Унинг “Юзни ювмоқ билан оқартирмоқ каби, қалбнида ўқимоқ билан оқартирмоқ керак”, “Яшай билмаган одамлар қаёққа ўтирмоқлари маъқул”, “Маориф йўлинда” каби илм ва маърифий аҳамиятга қаратилган теран фикрларга бой мақолалари, “Эргаш” ҳикояси билан танишар эканмиз, фикримиз янада ёрқинлашади.

Инсон учун илм ва маърифатнинг аҳамияти ҳақида ёзар экан, Субоҳ: “Илм ўрганмакдан ҳақиқий мақсад ўзини ҳақиқий инсон қилмоқдур” — қабилдаги фикрларни келтиради. Илмсизлик жаҳолатга олиб келиши, у асрлар оша давом этиб келаётган умумий душманимиз эканлиги, ундан қутулмасдан туриб, тараққиёт пиллапояларидан жадал ривожланишимиз мумкин эмаслиги муаллиф томонидан қайта-қайта таъкидланади. Илму ҳунар ёшларга асосан мактабда берилади. Хорижда болаларимизнинг ҳаммасини ўқита олмаслигимиз, шунинг учун ўзимиздаги ўқув муассасаларини замон талабларига кўтариш масаласи Субоҳ мақолаларида қатъий қилиб қўйилган. У: “Мактаб фақат хат саводсизликни битиратурғон бир ҳунархона эмасдур. Мактаб ҳақиқий маъноси ила инсон чиқаратурғон олий мақсадли буюк бир муассасадир”, — деб ёзади.

Маълумки, Бухоро Республикасида 1921 йил октябридан ўзбек тилини давлат тили сифатида қўллаш тўғрисида махсус қонун қабул қилинган. Ҳукумат идораларида ким она тилида иш тутмаса, жазоланиб, жарима тўлаган. Бирок кўпгина хуж-

жатлар ярим аҳолига тушунарсиз бўлган — рус тилида ёзиларди ва тарқатиларди. Субоҳ ўзининг “Тил масаласи” мақоласида республикадаги расмий ҳужжатларда имловий қоидалар бузилаётгани, баъзи эълон ва хабарлар шунчалик хатоларга тўлаки, ҳатто рус тилини билладиганлар ҳам ҳайратдалигини, бу эса, жиноятлигини ўқинч билан ёзади. “Ҳукумат тили шу ҳукуматнинг хўжаси бўлғон халқнинг она тилидур. Шу тил билан онинг адабиёти негизланган, қалбининг теран ериндан ўрин топғондур”. Субоҳ айтмоқчики, миллат тараққий қилиши учун ўз она тилининг софлигини сақлаши, уни бойитиши ва қадрини билиши зарур!

Маҳмуд Субоҳ яхшигина ижодкор ҳам эди. У Бухорода яшаб, ишлаган йилларида “Абуваражахон”, “Ҳикоялар”, “Кичик ҳикоялар” номли китобларини чоп эттирди. Ушбу асарларида Бухоронинг ўтмиши ва ХХ аср 20-йиллари билан боғлиқ воқеалар бадийи фонда талқин қилинади. У илмий-публицистик, бадийи асарлар ёзиш билан бирга рус, турк, араб, форс тилида ёзилган асарларни ҳам она тилимизга таржима қилиб, ўзбек китобхонларига тўхфа қилганди.

Субоҳ Бухоро ҳукумати тугатилганидан сўнг, аввал Самарқандда, кейин эса Тошкентда ишлаб, “Билим ўчоғи”, “Маориф ва ўқитувчи” каби журналларда ўнлаб мақола, бадиалар эълон қилади.

Маҳмуд Субоҳнинг маърифий ва маданий мероси келгусида алоҳида тадқиқотларга асос бўлар. Унинг ХХ аср маърифатпарварлари қаторида ҳақли суратда муносиб ўрни борлигига шак-шубҳа йўқ.

**Шодмон ҲАЙИТОВ,
Камол РАҲМОНОВ**



Gimnastika



Yakun chempioni Oksana Chirovichina murabbiysi Svetlana Kuznetsova bilan.



*Sport gimnastikasi bo'yicha O'zbekiston terma jamoasi.
Terma jamoa (ayollar guruhi) Bosh murabbiyi — O'zbekistonda xizmat
ko'rsatgan murabbiy Svetlana KИТЭВА.*



Фотонабъра тиралифи: Дмитрий Курьяков

Урф - одатлар ва меъёр

Ҳар бир халқ ҳаётида миллийлик муҳим ўрин тутлади. Урф-одатлар орқали халқнинг, миллатнинг тасаввурлари, орзу-умидлари, уларнинг турмуш тарзлари ифода этилади.

Урф-одат ва анъаналарнинг ижтимоий-маънавий тараққиётга таъсири турлича бўлиши мумкин эканлигини қайд этиш лозим. Бу миллатнинг анъаналарга бўлган муносабати билан боғлиқ. Умуман олганда, ҳеч бир халқ урф-одат ва анъаналарсиз яшамайди. Бироқ ҳаётда анъаналарга амал қилиш даражаси турли хил бўлиши мумкин. Урф-одат ва анъаналар ўзбек халқи ҳаётида ҳам муҳим ўринга эга ва у ижтимоий-маданий тараққиётга ҳам ўзига хос таъсир кўрсатади.

Биринчидан, урф-одат ва анъаналар инсон руҳий оламида ўзида ифода этади ҳамда унинг руҳан покланиши ва юксалишига хизмат қилади.

Иккинчидан, урф-одатлар миллат маданий ҳаётини бойитади уни ўтмиши, бугуни ва келажаги билан боғлиқ тараққиётда тадрижийликни таъминлаб беради.

Учинчидан, урф-одат ва анъаналар муайян сарф-харажатлар билан боғлиқ бўлади. Унинг моддий ва маънавий жиҳатлари мавжудлигини ҳисобга олиш зарур. Ушбу жиҳатларнинг ўзаро меъёрий муносабатидан ижтимоий-ма-

даний ҳаётдаги натижалар намоён бўлади.

Масалан, «Тарихий-фалсафий меросимизга эътиборни қаратадиган бўлсак, — деб ёзган эди профессор Ибодулла Эргашев — ортиқча даҳмазалар, беҳуда сарф-харажатларнинг зарарли томонлари ҳақида, ортиқча мол-дунё эгаси бўлишга интилишнинг оқибатлари тўғрисида кўп айтилганлигини биламиз. Бугунги янгича ҳаёт, янгича яшаш ва тафаккур қилиш моддий имкониятлардан оқилона фойдалана билишни тақазо этмоқда».

Бироқ, тафаккури саёз одамлар ва оилалар кўпроқ ортиқча сарф-харажатли урф-одат ва анъаналарнинг тарафдорлари бўлишади, янада аниқроқ айтадиган бўлсак, шундайларни «кашф» этишади.

Урф-одат ва анъаналарга амал қилишда уларнинг фақат моддий жиҳатларига эътибор қаратилса, ёки унга мойиллик кучайса, ҳар қандай анъананинг маънавий аҳамияти тушиб боради. Бу ҳолат муайян даражада салбий жиҳат касб этиши мумкин. Бу ижтимоий-иқтисодий ривожланишгагина эмас, инсонлар маънавий-ахлоқий дунёсига, жамиятнинг умуминсоний-ахлоқий негизларига ҳам салбий таъсир кўрсатиши табиий. Шунинг учун ҳам урф-одат ва анъаналар ижтимоий ривожланиш



Турсуной ТҮЙЧИЕВА,
фалсафа фанлари номзоди

билан узвий боғлиқ бўлиши керак.

Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаётни эркинлаштириш жараёнлари урф-одат ва анъаналарга бўлган муносабат ва ёндашувларни ҳам янгилашни тақазо этади. Бу борада, айниқса, бозор иқтисоди қонуниятларини ҳам ҳисобга олиш зарур. Бугун турмуш тарзи, урф-одат ва анъаналарни ихчамлаштириш, сарф-харажатларни камайтириш, миллат камолотига кўмак берадиган янгича урф-одат ва анъаналарни тақазо этмоқда. Одамлар онги ва тафаккурини ўзгартирмай туриб, урф-одат ва анъаналарга ўзгартириш киритиш қийин. Инсонларни анъаналарга эмас, аксинча, урф-одат ва анъаналарни инсонларга, давр шароитига, замонга мослаштириш зарур. Урф-одат ва анъаналар инсонларнинг моддий жиҳатдан қашшоқлашишига эмас, аксинча, маънавий жиҳатдан бойиб, юксалишига, моддий имкониятлари билан уйғунлашувига хизмат қилиши мақсадга мувофиқ. Шундагина урф - одат ва анъаналар ижтимоий, иқтисодий, маънавий тараққиёт омили сифатида намоён бўлади.

ВАТАННОМА

**Аёлу Ватан узра то жони бор,
Киши ҳарб этар токи имкони бор...**

НАВОИЙ

~~~~~

Қалам!.. Узрхоҳлигинг қўй, бұл дostonсарo:  
Илҳомга ёр, руҳ-ла ҳамроз, фикратга оро.  
Сайқаллан, эй дилда Шавқу Ишқ қасидаси!  
Риёзатли йиллар бурҳон... қалб обидаси.  
Андешалар фурсатимас, иштибоҳлар бас,  
Ватан меҳри тугён урса, бу — гуноҳ эмас,  
Тила Аторуддан имдод, туз бир анжуман —  
Шаффоф туйғулар гуҳари, бу — меҳри Ватан!

Боқий умид: ихтилофда бўлмасин зинҳор —  
Кунгилда пок ният ила сўздаги виқор.  
Биҳамдиллоҳ, эмди фагоҳат мулки бўлсин пок —  
Токи остон ҳатламасин ҳар ножинс, бебок.  
Шояд, «сўз гуҳари» топгай шойиства баҳо,  
Ватан васфи орифона, нуктадон маъно!  
Сен камоли суханвар бул, шайдо қаламзан —  
Шаффоф туйғулар гуҳари, бу — меҳри Ватан!

Ватан — муъжиз хилқат турфа дунёлари бор,  
Жаҳон ҳайратига молик сиймолари бор...  
Ажаб, Навоий дунёси... ўзи бир Ватан!  
Шаксиз, таърифига ожиз бу назмий гулшан,  
Унга шоён тимсоллар-чун яна бир даҳо  
Яратмоғи вожиб бўлар, балким, Илоҳо!  
Алишери бор заминда ҳар гиёҳ — чаман,  
Шаффоф туйғулар гуҳари, бу — меҳри Ватан!

Жаҳон тарихи бурҳон-ку: сарҳадсиз Турон —  
Юрагида манзил тутган она Туркистон!  
«Бош бугин» га рузи насиб айлаган замон,  
Қондош қавмлар ватаним деб атаган макон...  
Замон — макон райятга берилган имкон,  
Токи унда миллий бирлик булгай намоён!

Тақдир-азал пешонага битган қут маскан —  
Шаффоф туйғулар гуҳари, бу — меҳри Ватан!

Ногоҳ фарёд: «Ўрис келди!» — осмоний бало,  
Бу — «мустабид империя», Ҳақдандир жазо...  
(«Феълингиз келтирди!» — огоҳ этган-ку Қуръон)  
Оқибати: таъқиб қувгин, сазойи Иймон!..  
Зурлик тартиботи ҳаддан ошдики онча —  
То паймона «ёвуз салтанат»да тўлгунча...  
Бас, эрк қадри билингувси зулмга қиёсан —  
Шаффоф туйғулар гуҳари, бу — меҳри Ватан!

Вужудимга фикр айласам, безовта руҳлар:  
Чин фарзанди аржумандлар бирма-бир утар...  
Шу Ватан деб баҳор умри хазонлар қанча?!  
Қутлуг иқбол уйи... ногоҳ вайронлар қанча?!  
Ўтар манфур — совуқ соя, истеъодлар заволи  
(Тутар то қиёмат беғуноҳлар уволи!)  
Боқий таскин: шаҳид руҳлар барҳаёт, зотан —  
Шаффоф туйғулар гуҳари, бу — меҳри Ватан!

Тарих сабоқлари!.. Сиз — муқаддас дарсхона,  
Ҳар «ҳужраси» хос ёднома, ҳикмат — фарзона...  
Ҳар чизгиси, сўзи, сатри, заъфар сафҳаси —  
Шу Ватаннинг ёруғ юзи, фожеъ жабҳаси!  
Таҳқиқидан тафаккурда тугёнли бир ҳол...  
Пурдара лавҳалар зикрида қалам хайрон-лол —  
Унсиз йиғлар балокаш мулк, таскин қайдасан...  
Шаффоф туйғулар гуҳари, бу — меҳри Ватан!

Ҳазор шукр, насиб этди Истиқлолият,  
Асрий армонлар вобаста жафокаш ният.  
Муборақ, эй валиёна иймон-эътиқод!  
Марҳабо, эй миллий давлат, шариф Иттиҳод!  
Хумо — рамзмас. Бахт буржидай тургай барқарор,  
На хуш, Юртим, йўлинг равон, Тангри сенга ёр!  
Истиқлолинг неъматлари ўзингдадир тан —  
Шаффоф туйғулар гуҳари, бу — меҳри Ватан!

Ҳабиб маҳбубида кўрар йўқ сифатни ҳам...  
Ватан, сенинг васфинг учун сўз дуржлари кам!  
Мен — шоирмас, волаи шеър, дилимни ёздим,  
Адашмак ҳам «хости худо», гар йўлдан оздим,  
Дариг тутма эмди, дилномамни қабул қил,  
Озим — кўп урнида кўр, ёмоним — яхши бил!  
Шайнингга айтурман алёр, ният пок, равшан —  
Шаффоф туйғулар гуҳари, бу — меҳри Ватан!

Зоту сифотинг баҳоси... орзудан ортиқ —  
Меҳринг жавҳари йўгриган булжажаб қўшиқ:  
ОШИҚОНА... ОРИФОНА... ҚАЛАНДАРОНА-  
Тимсоллар-ла ороланган шеърый тарона!  
Фақат узинг имдод эт, эй «кавқаб иқбол»,  
Бас, бу тухфам — Ватаннома, сенга — Истиқлол!  
Мен фақирга туман давлат, бебаҳо маҳзан,  
Шаффоф туйғулар гуҳари, бу — меҳри Ватан!..

**Ботирхон АКРАМ,**  
УЗМУ профессори



Шамсиев Умрзоқ Шамсиевич 1940 йилда Самарқанд вилояти Қўшрабат тумани Очил Қодиров жамоа хўжалигида туғилган. 1957 йили ўрта мактабни битиргач, пойтахтда ўз орзуси бўлган — иқтисодчи касби бўйича таълим олди.

У ўз билими, малакаси билан туман, вилоят қишлоқ хўжалиги ривожига учун катта хисса қўшди.

Умрзоқ Шамсиев аини пайтда нафақада бўлсада, фарзандлари, набиралари билан боғ-роғлар яратиб, гайрат-шижоати билан уларга ўрнак бўлиб, кексалик гаштини сурмоқда.

*Умрзоқ Шамсиев*

**Замондошларими**



**Ўз танангизни имкон қадар витаминлар ва минераллар билан бойитиб, тўйинтириб боринг. Улар янги узилган меваларда кўпроқ бўлади.**

**Қовун**

Қовунда А ва С витаминлари бўлиб, унинг 95 фоизи сувдан иборат бўлади. Ундаги магний ва углевод оксиллар алмашинувини тезлаштиради. Шунинг учун агар тўйиб овқатланган бўлсангиз, бир ярим соат кутинг, сўнг қовун истеъмол қилинг. Бироқ асло чой ёки сув ича кўрманг.

**Қорағат**

Қорағат (смородина) танамизни ҳар хил сарқитлардан тозалайдиган энг яхши воситалардан биридир. Майда дончалар — ичак фаолиятини яхшилашга ёрдам беради. Бундан ташқари, қора ва қизил қорағатнинг ҳар иккисида ҳам калций, кальций, магний, В витаминлари бор. С витамини эса 100 грамм



мевада 177 миллиграммни ташкил этади.

**Ананас**

Ананас — озиш истагида бўлган аёллар учун энг керакли мевалардан ҳисобланади. Маъшур актриса Софи Лорен хамирли овқатларни яхши кўриб истеъмол қилишига қарамасдан нега ҳалигача семирим кетмаганини биласизми? Бунинг сабаби — ананас! Ҳар сафар овқатланишни бир кесим ананас ейиш билан тугатинг ва семизлик сизга хавф солмайди.

*Ёрбек тайёрлади*



*Агар  
қалима парча  
бўлса...*

## Тўра Қурёзов

Ўзбекистон халқ рассоми Тўра Қурёзов ўзбек рассомларининг ўрта бўғинига мансуб санъаткорлардан. У 1938 йилда Хива яқинидаги қадимий қишлоқ хонадонларининг бирида тугилиб, воёга етди. Тўра Қурёзов 1955 - 1960 йиллари Беньков номидаги бадий санъат билим юртида ўқиди. Кейинчалик Театр-рассомчилик институтида ҳам таҳсил олди.


Тўра Қурёзов ўз ижодий фаолиятида Жалолиддин Мангуберди, Тўмарис, Ўғузхон, Хоразмшоҳ, Маъмур, Оғаҳий каби кўплаб тарихий сиймолар образини портретларда яратди.



Замондошларимиз



moF айтпамага



(Давоми. Боши ўтган сонларда)

# ЙИЛИ

Барибир Умар синчининг муолажаси отни оёққа қўйди, дейиш мумкин. Шуниси қизиқ ва ҳайратомуз эдики, Бўри Қоранинг назарида, отнинг ушбу ҳолатда даволаниш тарзи... худди... одамларнинг даволаниш тарзига жуда ўхшар экан. Дўхтир кетгач, синчининг биринчи иши — Носирга буюриб, қоракуя қидириб келтириш бўлди. Сўнг уни чинни косада сув билан аталаб, тойга ичирди. Бошқа сув... бергани йўқ, яқинлаштиргани ҳам йўқ. Кейин исирик тутаттириб қўйиб, Бўри Қора билан Носиржонга хўб насихатлар қилди: “Авайланглар, хуркмасин энди, кўрқоқ бўлиб қолмасин. Кунжут беришни тўхтатинглар. Унда мой мўл бўлади. Бунингиз бир-икки ҳафта ёғли нарса емаслиги керак...” Ниҳоят, аллақайси аъзойимхондан эзиб ички ёздириб келиш ва тумор қилиб, отга тақиб қўйишни буюрди.

Ҳа, нима дейсизки, икки ҳафтага қолмай Чибор буткул соғайиб, кўзларида нуру шижоат порлаб, калта-калта, теран-теран кишнайдиган бўлди.

Учинчи ҳафтанинг бошида Бўри Қора уни яна миниб чиқди. Районнинг шимолида қишки кўрғони бор Оқбой деган чўпон неварасининг суннат тўйига маслаҳат оши бераётган экан — келиб, айтиб кетган эди. Бўри Қора қўшнисининг тўйига чиқмаса чиқмасдики, ул чўпоннинг анчайин мавлудига ҳам боришни фарз, деб биларди. Қолаверса, у билан маслаҳатлашиб оладиган гаплари ҳам йўқ эмас эди: ахир собиқ милиция бошқонининг қирқ бош совлиғи унда боқилар эди.

Дарвоқе, Бўри Қора учун ўша зиёфатга бориш анча ўй-мулоҳазалар ҳам туғдирди бу гал. Қандай кийиниб, қай қиёфада бориш... уни ўйлатди: “Москвич”да боришнинг қизиғи йўқ, деб ҳисоблади. Қолаверса, чорвадорнинг тўйига чорвадорлар кўп келадик, демак, уларнинг аксари отлиқ бўлишади. Ўшалар гуруҳига Чиборни ўйноқлатиб борса-чи... “Маъкул”, деган хулосага келди. Ва ўзининг кийим-боши қандоқ бўлиши лозимлиги ҳақида ҳам мулоҳазага толиб, охири: “Тўйчилик, бит чиққан камбағал ҳам янги чопонини кийиб боради” деб, эгарда ўша қора-ялтироқ, бебаҳо кастюмда боришни маъкул кўрди.

Ахир, Бўри Қора амалдан тушгани билан пиёда бўлиб қолгани йўқ. Ўзбекчасига айтилса, отдан тушган бўлсаям — эгарда у... Ҳали-вери гапини бермайди унча-мунча бойваччага ҳам, амалдорга ҳам. Ҳа, айниқса, маъмуру сиёсатчи бўлса, миллий урф-одатларни писанд қилмайдиган такаббур бўлса, оғзини ёпиб қўяди энди...

Бўри Қорани тўйга бориш олдидан ўйга чўмдирган учинчи муаммо ҳада масаласи бўлди: хўп, тўн-пўн олиб борса, ўша ерда тик туриб, қўрадан бир бош совлиқни ҳам чиқариб: “Мана бу тўяна — чопонга йўлдош”, деб бериши мумкин. Бироқ бошқа андиша ҳам бор эди — қадимдан расм шулки, беш-ўн бош молингни боқаётган чўпонга ҳақ ўрнида пул эмас, мол, яъни, газмол, қанд-қурс, туз-намак деганларидан вақт-вақти билан обориб бериб туриш лозим.

Бўри Қора эса молини деярли текинга боқтирарди.

Айтмоқчи, ҳимматни баланд тутиб, чўпон милтиғига ўқ-дори ҳам олиб борсангку, бу — совғаларнинг

совғаси бўлади.

Бўри Қора бу хусусда фавқуллодда ҳижолат ичра ўйлай-ўйлай ўзини камтарликка йўйди, яъни: “Илгариги мавқеим йўқ, бориға — бозор қиламиз, Оқбой ука. Борим шу — бу она совлиқ сизники. Бу тўнни ўзим кийдириб кўяман...”

Шунинг ярмини қилди ҳам. Яъни, чопон кийдирди, холос. Аммо унгача Бўри Қора Тўполон бўйларида эмас, шимолдаги тоғлардан ҳам баландда юргандек хузур қилди-ёв — у кўчадан кумуш маъбуддан фарқи қолмаган Чибор дўнани зўрға тортиб бораркан, оломон анграйиб қолди. Йўлда учраган одам борки, тўхтаб қарайди, денг ва ўзининг ҳайратини собиқ “катта”га салом бериш ила билдиради. Ҳатто бир-икки оғиз хушомадомуз гап отиб, охирида ерга туфтуфлаб ҳам қўйишди. Ахир, бу тўпроқ одамларининг эси бори борки, от нималигини яхши билади: қўй кўрмаган бўлса ҳам кий кўрган булар...

Ҳа, Бўри Қоранинг туман марказидан ўтиши — намоишга айлиниб кетди, дейиш мумкин. Қарангки, машинасини физиллатиб кетаётганлар ҳам тўхтаб-тўхтаб анграйиб боқишар ва танглайларини такилла-тиб жилмайишар, сўнг улар ҳам, табиий “кўзимиз тегмасин, кўзимасин бу тулпор”, деб туфлаб кетишарди.

Албатта, томошачилар орасида ҳасадчилар ҳам бор эдики, улар асли отли-арғумоқли чавандозлар эди. Маълумингиз, энг ашаддий ганимлар отбоз-улоқлар орасидан чиқади. Масалан, фалончининг оти ўзгир чиқибди, дейилса, бас, фистон чопағон ҳатто касал бўлиб қолиши мумкин. Ёки ўша отга эгаллик қилиш пайига тушади... Яна шундай чавандозлар ҳам бўладики, улар Чиборга ўхшаган гўзал отни гумдон қилиш йўлини тугишади. Бунинг учун қўллари-дан келган бари бадкирдорликларни қилишади. Тагин шундай кўпқаричи жаллодлар борки... Э, уларнинг хили кўп!

Туман марказида, кўчаларда учрагани етмагандай, одамнинг кўпи тоғ этагидаги уч гектар келадиган майдонни қуршаб олиб, ўн чоғли қора сувоқ уйлари-ни қуриб ташлаган Оқбой чўпоннинг тақир-кенг ҳовлисида тўплаган экан...

Чиборни кўриб лол қолган бахил чавандозларнинг кўнглига биргина нарса тасалли бера бошлади — Чибор тойчоқ ҳали-вери кўпқарига ярамайди...

Ҳа, ҳали ёш, ҳаваскор улоқчи от-да... Аммо-лекин унинг устидаги гўздайма Бўри Қора бу отни ҳадеб кўпқари майдонларига олиб келаверса, майдоннинг чет-четини олиб юраверса ҳам отнинг кўзи пишади, гужури ошади, ғайрати тошади... Бундай тулпор ўз жинслари орасига талпиниб ҳам қолади: ўзини кўрсатгиси келади, илло, ўзидаги яширин кувват ташқарига интилади-да.

...Хуллас, бир маҳал дарвоза ўрнатилади деб — уйлар туташдим деган жойда очиқ қолдирилган ҳайхотдек ораликда уймалашиб турган уловлиги уловсизлар тўзиб қолишди-ю, ташқаридан “Волга”нинг сигнали эшитилди.

— Катта ака, мен бораёй, — деб ҳалпиллаб жўнади Оқбой чўпон. У ушбу тўйи (маслаҳат ошиям бир тўй-да) кунда ҳам чўпон либосида — эгнида малла чакмон, оёғида учи қайтиқ мукки, белида каттакон қиничоғи ва шапалоқдек чакмоғи турар, соқолини ҳам кузамаган эди.

“Дарвоза” қошидагилар иккига ёрилиб, ўртада очилган йўлдан хийлагина ифлосланган ГАЗ-21 “Волга”си ҳовлига кириб келди. “Волга” — аҳолини тахта-ёғочдан ясалган ром-эшик каби буюмлар билан таъминловчи каттакон комбинат директорининг ма-

шинаси бўлиб, аммо директорнинг ўзи йўқ эди. Ичқаридан хумқалла прокурор, кейин қиличдай бўлиб Олчинбой чиқишди. Орқада яна иккита лейтенант формасидаги зобит бор эди. Оқбой тўйчи улар билан ҳам эгилиб-букилиб кўришди, қўллари тавоф қилиб, шундоғ ёнбошдаги уйга таклиф этди.

Бироқ улар ҳовлининг ўнг томонидаги тахта-оғочлардан қўлбола стол-ўтиргичлар ясаётганлар томонга қараб жилишди. Ўша томонда деворга гилам осаётганлар ҳам тўхтаб, меҳмонларга қараб қолишди.

Бўри Қора мийиғида кинояли жилмайди: ҳа, унинг халқи мана шундай маъмурлар қаршисида тиззаси қалтираб, мадори қуриб кетади. Хусусан, орган одамларида азроилнинг туки борки, жон олиш, чалажон қилиш, борингки, жон оғритиш ҳам уларнинг қўлида...

Уларга эргашиб-каловланиб бораётган Оқбой чўпон нима деди-нима қўйди, йигитлар бирдан тўхтаб, ҳовлининг тўрида тўп бўлиб турган оломонга қарашди ва табиий, кўзлари биринчи навбатда Чибор отга, кейин собиқ милиция бошлиғига тушди.

Нима бўлган эса-да, улар бирдан бурилиб, узун айвон пастидидаги давра киндигига йўл олишди. Бу ердаги тўйхўрлар ҳам четланиб-тисланиб, ўртани очишди ва ғалати ҳол содир бўлди: меҳмонлар гўё Бўри Қоранинг зиёратига келишмоқда эди — зеро, давранинг тўрида собиқ бошлиқ ҳамон мийиғида қулимсираб турарди.

— Ассалом алайкум, устоз! — Олчинбой сафдошлари сафидан узилиб чиқиб, Бўри Қора қўлини олди. Ундан кейин рапида юзли прокурор... Олчинбой каби интилмаса ҳам, бир ёмон одобсизлик содир этишдан кўрққан каби илдамлаб бориб, кўришди. Ҳар иккисига ҳам қўл учини берган Бўри Қора бирдан ҳовучини очиб:

— Оми-ин, — деб юборди хирқироқ овозда, — меҳнаткаш Оқбой чўпоннинг тўйи тўйдек ўтсин! Билиб қўйинглар, бу инсон — ҳақиқий ўзбек фарзанди! Элнинг тўйида хизмат қилган, бир луқма ошини еган. Мана, энди ўзига навбат келибди! Тўйни бошлабди. Халқимиз айтадики, мотам дегани кўққисдан келармиш. Тўй — бамаслаҳат бўлади. Бугун — маслаҳат оши — Кейин йўталиб олиб, овозини яна-да кўтарди: — Кимда ким Оқбой чўпонга бирон йўсинда ёрдами тегар бўлса, биродарлар, аямасин: машинаданми, ўтин-чўпданми, дастёрданми, ем-хашак... — у бирдан жим қолди-да: — Аллоҳи акбар, — деб юзига фотиҳа тортди. Ва яна тўхтовсиз эълон қилди: — Меҳмонлар, кўноқларингга марҳамат қилинглар. Қўноғи бўлмаганлар улушини ола берсаям бўлади. Ана, қирнинг устида беш-олти ўтов тикиб қўйишибди экан...

Бўри Қоранинг ёнидан ажрамай, унга уни-бунни тунунтириб турган тўйчининг бош фарзанди:

— Капалар ҳам бор, катта бобо, — деди.

— Ана, капалар ҳам бор экан.

Шу пайти гарангсиб қолган прокурор Бўри Қорага интилиб:

— Устоз, мениям икки оғиз гапим бор, — деб қолди.

— Қарз гап. Бизга райкомдан указани беришган.

— Хўш? — Кейин: — Хў ҳалойик! — деб бақирди Бўри Қора. — Ёш прокуроримизнинг сизларга айтар гаплари бор экан. Шуни эшитиб олинглар, зиён бўлмайди!

Ҳамма тақа-тақ қотиб, ғала-говур босилди.

— Ўртоқлар, биродарлар, юртдошлар, — дея ҳаяжон ила нутқини бошлади ёш маъмур. — Гап шундаки, район партия комитети ва унинг идеология бўлими бизга шу нарсани қаттиқ тайинлаб айтиш-

ди-ки, биз ушбу гапни сизга айтишни бурчимиз, деб биламиз...

— Қисқароқ, — деб шивирлади Олчинбой.

— Гапнинг қисқаси шундан иборатки, биродарлар, мана Оқбой акамлар ҳам яхши биладилар. Тўйга рухсат олиш, катталарни таклиф қилиш учун райкомга кирганларида, бу кишигаям ўхшатиб тушунтирганлар... Шундайми, Оқбой ака?

— Шундайликка шундай, қораловчи укам, — деди Оқбой чўпон олға босиб. — Лекин мен у гапларга бўйин бўла олмайман! Уёғини сўрасангиз, укажон, зотларни ҳам, тобоқларни ҳам ҳозирлаб қўйганман...

Унинг шу гапи билан маъмурнинг элга айтажак гапи тушунарли бўлди. Ва элчилик... ҳамма ёппасига маъмурларга совуқ (энди кўрқув йўқ эди!) назар ила тикилиб қарашди. Буни кўриб Бўри Қоранинг вужуди жимирлаб кетди: ҳе, дунёни кўтир, ўзи ҳам ўша хунук гапларни айтарди, а?... Демак, қанча нафратланар экан одамлар ўшанда ундан...

Табиий, орқасидан сўкканлар қанча... Лекин, масалан, мелисалар Наврўзчиларни у ердан ҳайдаса, бир дўнглик нарига ўтиб ўйин-кулгисини давом эттиришлари каби бу йиловда тўхтатилган кўпқари... нариги ошувда давом этарди, албатта. Бўри Қора энди ўзини кўрмаганга солиб, кетиб қоларди.

Ажаб дунё экан-да: халқ... халқ... ўзлигини сақлаб қолаверар экан-да, дунёи кўтир!

— Хўш, ўртоқ пиркурор, давом этинг, — деб яна ишшайди-да, яна халққа мурожаат қилди Бўри Қора: — Хўш, ёш прокуроримиз ўзи кураш билан кўпқарига қарши эмас. Лекин бу масалада ҳукуматнинг фикрини айтдилар-да.

— Раҳмат, устоз — деди прокурор дафъатан хурсанд бўлиб. — Ҳа, энди нима десам бўлади...

— Э, демасангиз ҳам бўлади, — деди кимдир. Унга бошқаси кўшимча қилди:

— Тушуниб бўлди гапларини!

— Энди меҳмонхонага кирсалар ҳам бўлади, — деди яна бири.

Прокурор қизариб кетди.

— Бугун маслаҳат тўйи экан. Демак, асосий тўй индинга бўлар экан, кўпқари ундан кейин бўлиши мумкин...

— Хотиржам бўлинг, прокурор бобо, хоҳласак, ёзда ўтказамиз кўпқарини. Сизга ёзгачайин гап тегмайди...

— Ҳа, ёзгачайин ҳам бизда ишлаб турсангиз, насиб бўлса, гап-сўзсиз кетасиз...

Ёш прокурор Бўри Қорага мўлтираб қаради.

— Устоз, буларни қаранг.

— Начора, сиз айтмоқчи бўлган гапларни мен аллақачон айтиб бўлганман, — деди Бўри Қора ва овозини кўтара бошлади. — Энди ўйлаб қарасам, биродарлар кўпқариям, кураш ҳам, Йилбошиям ўзимизнинг миллий урф-одатлар экан! — У бадтар қизиша кетди: гўёки айтирини тезроқ айтиб қолмаса, олиб кетиладигандек эди. — Бу одатларимизнинг оёқости бўлишига йўл қўймаслигимиз керак, юртдошлар! Бу нарсани вилоят марказидаги ман-ман деган ақл соҳиблари, олимлар ҳам маъқуллашади. Улар куйиниб юришади шулар туфайли... Нима!? — деб бақириб юборди кейин — Қўядими-йўқми яшагани бу, бу... бу ҳукумат раҳнамолари? Ўзлари... Хў, халойиқ, кўплари — фирт каззоб! Менга ишонинглар, мен биламан. Шуларнинг ичида яшаб-ишлаб умрим ўтди. — Бўри Қора бирданига шундай бўшашиб ва роҳатланиб кетдики, мумкин бўлмас даражада ҳузур огушига чўмди: "Воҳ-воҳ, рост гап, ҳақиқий гап қан-

чалар азиз, қимматли, роҳатбахш бўлади, а?" Кейин яна давом этди: — Мен рост гапираётирман! Рост... Умримда кўп ёлғон сўзлаганман! Биласизлар. Кўп шайтонликлар қилганман, Биласизлар... менинг марказлик бир амалдор жўрам: "Сен — эгоистсан", дейди. Бир замонлар у: "Сен пастсан", деган эди. Икки гапи ҳам рост... Рост-да. Менда эгоизим бор. Қаердан пайдо бўлибди экан? Баъзан ўйлаб-ўйлаб... ҳеч тополмайман. Тўғри, ўша дўстим ҳам иқдор бўладики, эгоистлик ҳар бир инсонда бор-у...

Бўри Қора нима деяётганини қулоғи эшитмаётгани каби айтаётган гаплари оломоннинг қулоғига кириб-кирмаётганини ҳам билмас эдики, ҳалойиқнинг дув-гув этиб:

— Тўғри-и! — дегани собиқ соҳибни гўёки баландроқ бир жойга чиқариб қўйди.

— Кечирасиз, катта бобо, мен кетмасам бўлмайди, — деди шунда ёш прокурор...

— Хўп, ихтиёринг, ука, — деди Бўри Қора ва Оқбойнинг ўрнида гапириб қўйганини англаб унга қаради. — Сен нима дейсан, тўйчи? Укамиз ҳақиқатан ҳам бу гапларни эшитмагани маъқул-а?

Шу он Бўри Қора тирсагини ари чаққандек чўчиб қаранди. Олчинбой баҳузур илжайиб турарди. Оқбой тўйчи ёш прокурорнинг кифтини силаб-сийпаб жи-ларкан, Олчин шивирлади:

— Қартайиб қолди. Тамом бўлди, устоз... Энди навбатдаги режани ишга тушираман.

— Эҳтиёт бўл, омад ёр бўлсин, — деб қўйди устоз.

Алалхусус, бир хулосани энди айтиш лозим бўлиб қолди: яъни, ушбу воқеани кузатиб турган мундайроқ одам ҳам сезади ва биладики, чамаси шу кундан бошлаб Бўри Қора Тўполондарё атрофларида энг машҳур одам бўлиб танилди ҳисоб. Дарҳақиқат, бу "таномол" одам кейинги ҳафта бир йилқичининг чўлдаги кўпқарисига борганда — олқишлар билан кутиб олинди: энди у нутқ ирод қилмади, курга яқинлашмади ҳам, аммо ўша атрофда кезиниб юрди. Эй, маза қилиб юрди! Ҳа-ҳа, унинг йўқотадиган ҳеч нарсаси йўқ экан! Аксинча, туганмас бойлики топган эди: яъни, мавқеини ҳам, обрўни ҳам, ҳатто маблаг-молни ҳам... Масалан, бу суллоҳ-маддоҳ одамнинг Оқбой чўпоннинг тўйидан олган улуши бир "Победа"га базўр жой бўлган эди.

26

Яна баҳор... келди. Баҳор қурмағур шундоқ бағрини очиб, яшиллик олами бўлиб кўзга ташланар экан, жон қоладими кишида! Тагин, яшилликлар гул бўлиб, сумбул бўлиб боқсалар! Осмонлар ҳам ёришиб, булутлар баландлаб кетса ва мовий бўшлиқ қаъридан сузиб чиқиб келаётган турна қарвонлари кўриниб, мангу кўшиқлари ҳам эшитила бошласа: қур-ей, қур-ей.

Бироқ бу йилги баҳор эрка келинчак каби келган эди. Ҳавонинг авзойи кун сайин ўзгариб турарди. Баъзан қуёш пастлаб қолгандек шу қадар қиздирадими, унинг илк қурбони — шимолдаги Боботоғу Ҳисорнинг осмонга яқин қорли чўққилари бўлди-ёв, деб ўйлаш мумкин эди. Нимагаки, ўша тоғлар бағридан отилиб чиққан бўтана сувлар Тўполонни ҳам тўлдириб юбораяпти-а. Тагин денг, ҳавода бир парча булут пайдо бўлса-да, ёмғир куйиб берардики, селнинг томошасига шошиб келган ишқибозлар ўзларини қоятошлар панасига уриб қолишар ва ҳавонинг очилишини кутишар эди.

Ҳаво очилгандан кейин-чи? Ана шу тошу харсанг-



лар орасидан чиқиб турган наъматакларнинг қийғос гуллари кўзларни қувонтирар, қирғоқдан бошланиб уфққа чўзилган адирлар эса яна-да яшилланиб бағрига тортар эди. Тошларга чиқиб олган одамлар бўлса Арпалини бултурғидек, йўқ, бурноғи йилғидек, йўқ-йўқ — қадимги авлодларидек томоша қилиб туришаркан, олис-адоқларда мол тўдалариними, йилқи уюрлариними кўриб, ўзларига тағин нималардир етишмаётганини ҳис этароқ тилларидан ушбу сўзлар чиқа бошлар эди: “Бу тўйчилар нимани кутишяпти экан? Адирлар кўпқарибоб бўлиб қопди-ку?”

Туманда йиллар бўйи мол йиғиб, бир кунда совуришни мақсад қилган валлакатлар — кимлар эканини халқ билади, ҳатто қайси бирининг тўйи куни бу дарё қирғоқлари қанчалар обод бўлиб кетишини ҳам тасаввур эта олишади.

Хуллас, ана шундай кунларнинг бирида, туман марказидаги бозорда гўшт дўкони олдида Рўзибой жарчининг шанғиллаган овози эшитила бошлади:

— Одамлар-ў, одамлар! Эшитмадим деманглар! Отахонимиз Назар қассоб бобо невара тўйи бошладилар! Зўр курашлар, кўпқарилар бўлади. Кўпқариулоқ бозор куни чошгоҳдан кейин чопилади! Тўполон адирларидан қолманглар-о-о... — Шунда кимдир жарчини тўхтатиб, унга ақл бердимми у дўкон томига ўрмалаб чиқиб, ўша ердан бақирини давом эттирди: — Одамлар-ў, одамлар! Тўполонлик бодомлар! Назар қассоб бобо невара тўйи бошладилар. Жума куни — Маслаҳат оши, шанбада — суннат, бозор куни чошгоҳдан кейин...

Жарчининг хитобларини энди етти гузар наридагилар ҳам эшита бошлаган эдики, ҳадемай бозорда ушбу фикр камол топди: “Назар қассоб тўй берадиган бўлса, чакана тўй бўлмайди. Ўзи сахий одам, йиққанини сочар-ов...”

Ўзбекнинг шу одатига бот-бот ҳайрон қоласан: камбағали-да йиллар бўйи ўзидан ҳам аяб, болачақасидан ҳам қийиб, сандиғини молга тўлдирди, тирик молдан борини қўяди... ва бир кунда барчасини совуриб, муздек бўлиб ўтиради. Тагин бахтиёр!

Яна денг, бу одатнинг миллатга сингибми ё ичидан чиқибми қайиғий урфга айлангани шунчаликки, анчайин дастурхон ҳам: “Шу хонадонда тўй бўлсин!” деб ёпилади.

Боз мана бу хитобни қаранг: “Топганингиз тўйга буюрсин!” Топганингиз?!

Эй бунча сахий бўлмаса бу халқ! Бунча бағри кенглик қайдан пайдо бўлган экан-а?

Энди Назар ота ҳақида гапирадиган бўлсак, етти пушти қассоб ўтган, мол деганининг бир кунлик ердан баҳосини бериб, қанча чорлов қилишларигача бехато айтиб бера оладиган бу одамнинг мелисалар айтганидек, тарозидан уришига ақл бовар қилмас, молни алмаштириш ҳақидаги гаплар ҳам бўҳтон эди. Шунчаки, бу камсуқум одам поғони тилладан бўлган кишига ҳам гўштни тортиб бераркан, пулни сўраб турар — андишани ҳам билар, бироқ кўрқувдан кейин туғилганга ўшар эди. Давлатманд бўлиб кетишига ота-бобларидан қолган мерос — мол-ҳолни кўпайтиргани сабаб эди, албатта. Бироқ бу воҳанинг қайси манзилда қандай мол етилишини аёло даражада биладиган чол туманда ҳам унча-мунча одам эътибор этмайдиган бир ҳолга ўта даражада серътибор эди.

Ана, Тўполон туманида кўзга яққол ташланиб, беихтиёр амал қилнадиган урф-одатлардан баъзи бирларини тилга олиб, таърифини қилаёпмиз. Холбуки, Шимолу Шарқдаги юксак тоғлар ичида ўзларини “ўзбек” деб билсалар-да, бу юртга ёт бўлган урф-

ларга ҳам амал қиладиган элатлар бор эдики, шундайлардан бири Бойсунтоғдаги Мачай қишлоғида яшарди. Тасаввур қилински, улар шу кунларда ҳам сигир гўштини истеъмол қилишмасди. Худди ҳиндларга ўшаб кетишади, а? Демак, уларнинг олис аждодлари орасида қандайдир яқинлик бўлган, дейлик, қиз бериб, қиз олиш бўлмаса-да, эътиқод бобида муштараклик мавжуд бўлгани шубҳасиздир.

Бизнинг Назар отамиз кўп йиллардан бери ана ўшалар билан борди-келди қилар, ва табиийки, уларнинг кексайган сигирларию буқаларини “сувтекинга” бўлмаса-да, келишилган нарҳда харид қилиб, ҳайдаб тушарди. Қассоб бобонинг аслан давлатмандлиги, дўконидан гўшт узилмаслиги ҳам шундан эди.

Энди қассобнинг бошқа жиҳатларини ҳам эслайдиган бўлсак, биринчи навбатда у кишининг меҳмондўстлигини айтишимиз лозим. Умуман айтганда эса, чолнинг қўли очик, ўзи сахий, масалан, фалон гузарда ҳашар билан бир фақирнинг уйи кўтарилмаётганини эшитса, дарҳол бир эчкини, улоқини эшагига ўнгариб олиб, ўша ёққа жўнар эди. Ва “Худо қувват берсин!” дея жонлиқни ташлаб келарди. Бундан ташқари, Назар ота айрилган тўйдан қолмас ва албатта, бирорта мол олиб борарди.

Дарвоқе, Тошкентдан “Тошболта ошик” томошаси билан бир машина артистлар келгани ёдимизда. Роса бир ҳафта кўрсатишди... Томошабинлар орасида Назар отага тенг келадигани бўлмади, албатта. Чунки ота битта спектаклни ҳам ўтказиб юбормас, тагин биринчи қаторда соқолини силаб ўтирар эди. Охирида нима қилди бу томошатаалаб чол? Артистлар жўна-жўнага тушган кунлари улар яшаб турган ҳовли-меҳмонхонага бориб, барчасини уйига бир пиёла чойга таклиф этди. Табиийки, улар қаторида туман раҳбарлари ҳам зиёфатга келишди. Зиёфат сўнгида Назар ота артистларнинг эркагига тўн, аёлига бир жўрадан атлас бериб, кузатди.

Умуман айтганда, Назар қассоб ҳар қандай томошадан четда қолмас, унинг Тўполонга сел келган маҳаллари эринмасдан ўша қирғоқларга эниб бориши ҳам шундан эди.

Энди, қассобнинг Чибор-Гижингтойга муносабатига келсак... Хўш, бирон-бир муносабат ила той ҳақида гап чиқиб қолса-ю, қассобга савол назари ила қарасалар, отахон бошини эғиб: “Чибор барибир унга насиб қилмайди. Шунчаки боқиб юрибди-да. Майли”, деб қўярди. Аммо кўча-кўйда бўлсин, дала-дашда бўлсин Чиборга кўзи тушса, завқланиб кетар, Бўри Қорадай жохил ва ебтўймас одамнинг қўлига тушганига ачинар эди.

Бас, жарчига қулоқ берамиз яна:

—...Бу ёғи Тожикистонун Туркманистон, у ёғи — Қашқадарё вилоятларидан ҳам оти чиққан полвонлару улоқчи чавандозлар келишади. Шу пайт йўлга тушгандирлар ҳам! Аллақай хабар етган-да... Улардан ташқари, вилоятнинг энг обрўли инсонлари ҳам ташриф буюришади! Ҳа... — Шу ўринда бир изоҳ лозим: Бунда ўтган аввалги тўйларга ҳам ўша музофотлардан ўшандоқ меҳмонлар чақирилар ва уларнинг аксари етиб келишар эди. Бироқ тўй ҳақидаги гап-сўзлар кўпам овоза қилинмас, туман марказидан жар чақиртириш эса...

Шу боис “Миқтибойга юракдан берган экан, ё кетар жафосига ном қолдирмоқчи бу”, деб ўйлаш мумкин эди. Илло, кўплар шундай ўйлаб хайрон бўлдилар ҳам. Ундайларнинг биринчиси эса — Бўри Қора эдики, дарҳол Олчинбойга кўнғироқ қилиб: “Тинчликми? Ҳукумат жойидами?” деб сўради. Олчин проку-

роҳ (у ҳозир прокурор бўлиб ишлар эди) ёнида бегоналар бўлса керак — устознинг номини тутмасдан ҳарбийчасига ахборот бердики, туманнинг барча соҳиблари бугун тонгда Тошкентга жўнаб кетишибди. Пахтакорларнинг баҳорги қурултойи бўлар экан.

Ҳар йили пойтахтда ўтадиган бундай анжуманга пахта экилмайдиган манзиллардан ҳам раҳбарлар қақрилар, булар ҳечқурса терим маҳали пахтакорларга мадад бўлиш ваъдасини бериб келишар эди.

“Ҳе, гап бу ёқда экан-да. Ҳе, уккағар қассо-об!” деб ўйлади Бўри Қора ва бир сонияга юраги сув очиб кетди-ю, телефон ёнидаги курсига ўтириб қолди: унда ҳам ўғиллар бор, ахир, пушти камаридан бўлган. Не-ва-ра-лари ҳам бор... Қачон энди ўғилларнинг киндик қони тўкилган тупроқда бир тўй берар экан? Элнинг олдидан ўтар экан?.. Ахир, уят бўлади...

Бўри Қора тагин фарзандларининг кўнглини қолдиришига сабаб бўлган гапларини эслади: “Ҳа, молдан-меросдан маҳрум қиламан!” деб кўрқитмоқчи бўларди фарзандларини. Қарангки, бора-бора улар кўрқимайдиган бўлиб кетишган экан — “Молингиз бошингизда қолсин”, деб узоқлашиб кетди улар.

— Курашнинг ўзига кирк бош кўй ташланади. Бундан ташқари — бия, бузоқли сигир ҳам бор... Кажавали матасеклар ҳам гижинглаб турибди! Ҳей, Тўполон эди...

Бундай совринлар номи ўртача тўйларда ҳам бақовуллар томонидан тилга олинар эди. Аммо одатдагича, биянинг ўрнига — тойчоқ берилар, сигирнинг ўрнига — бузоқ, кўй кўзига айланиб, мотоцикллар мапед бўлиб чиқарди. Бу ҳол табиий саналар — халқ ҳам бунга ҳайрон бўлмас, голиблар ҳам олганига хурсанд бўлиб, даврадан ўйнаб-ўйнаб чиқиб кетишарди.

Алҳол, Назар отанинг қўли очиклигини билганлар ҳам жарчининг оғзидан чиқаётган зотларнинг камида ярмиси берилажагига ишонишар, бу ҳол ҳам кўпқарию курашли тўйга бўлган қизиқишни яна-да ошира эди.

Мана, тумандаги бу йилги янгилик — ҳозирча шу эди. Аммо ўтган бир йил давомида бизга таниш одамлар ҳаётида содир бўлган у ёки бу даражадаги ўзгаришларни ҳам ҳозир эсламоқ жойиз.

Аваламбор, Бўри Қоранинг Оқбой Чўпоннинг уйида қилган маърузаси исиз қолмаган эди. Уни райкомнинг мафкура бўлимига қақришди. Бўри Қора юрак ҳовучлаб борди: мафкура котиби қўлига тушган бечоранинг миясини қоқиб қўлига беришни биларди-да! Хайрият, Биринчи котибнинг ўзи қабул қилди-ю, Бўри Қора энгил тортиди. Чунки Биринчи таги муаллимдан чиққан, мулоҳазали йигит эди. Бунинг устига, у киши тоғдаги лалми буғдойни кўриш учун ҳам, чўлдаги чорвадорлар ҳузурига ҳам фақат от миниб борар, котибнинг бу “камтар”лигини кўпчили ёқтирар, ярим ишини отда битириб юрган Бўри Қора эса беихтиёр саркотибни яқин оларди.

— Эй, Бўри ака, сизга нима бўлди, ўзи? — деб гап бошлади биринчи котиб меҳмоннинг қўлига бир пилёла кўк чой тутқазиб қўйгач. — Ахир, кечагина қабристонларни чангитиб, туғларни суғуриб ташлаб юрган одам эдингиз. Жанозаларни қолдирганингиз ҳам ёдимизда... Майли-да, азадорларни йиғлатиб бўлсаям, раҳбарларни хурсанд қилган эдингиз... Фирт камунист эдингиз-ку!

— Ҳозир ҳам камунисман, оғажон. Лекин ўша куни мени жин урди, — дея бошини эгди Бўри Қора. — Шу, қизишиб кетибман денг... Яқинда марказдан келиб эдим. Жўрамни кўриб келиб эдим. Ректўрни...

— Лекин ўша жўрангизни бамаъни киши деб эшитаман, — деб луқма ташлади котиб ва Бўри Қоранинг жағи очилиб кетди:

— Э, оғажон, аста айтасизми уни. Одамнинг жони... Калласи тўла ақл. Олим-да, олим. Буни қарангки, олимлар жуда-а миллатсевар бўлишаркан, ҳа. Тилидан тушмайди миллат, урф-одат... Умуман, олиму шоирлар ўзи азалдан миллатпарвар бўлишар экан-да. Шунинг учун улар... Шу денг гурунглирида нуқул...

— Бўлди, тушунарли, — деб унинг сўзини кесди Биринчи котиб. — Тек юрмасангиз, ўшаларнинг куни тушади бошингизга. Ҳалиям хўроз бир хилда қичқиради... Гурунгда масаланинг бу ёқлари ҳақида гапиришмапти-да?

— Энди, овлоқ жойларда...

— Гап тамом. — Саркотиб бирдан қизишиб, ўрнидан турди. — Қани, партизан бобо, айтинг-чи, туманимизда кўпқарисиз, курашсиз тўй ўтганми ҳеч? Йўқ... ўтмайди. Ўзимнинг ҳам кўргим келади. Аммо ўша кунлари райондан йўқоламан ёки касал бўламан. Хуллас, тилимни қичитманг...

— Йўқ-йўқ. Мен тушундим, оғажон...

— Ҳеч бўлмаса, жим юринг.

Бўри Қора таъзим қилиб, идорадан чиқди. У шод эди. Албатта, шундан кейин тўйхоналарда нутқ сўзлашни бас қилган, аммо тўйма-тўй юришу кўпқариларни томоша қилишда давом этарди, бу ҳам нутқ-маърузанинг ўрнини босарди. Орадан бироз вақт ўтгач, қариялар уни бақовуллар сафига таклиф этишди. Энди Бўри Қора ўзгир от эгаларию рақибнинг елкасини ерга текказган полвонларга соврин улашадиганлардан бири бўлиб қолди. Ҳа, раису бақовуллар тўпи қадимдан қолган одат бўйича қачонлардир сайланган бўлиб, тўйхонанинг тўри — уларники саналар, инчунун, ўзларини тўй эгалари каби тутишар, ҳарбу зарбга одил ҳакамлик қилишарди.

Шу асно Бўри Қоранинг обрўси тобора ошиб, тўйхоналардан оладиган улуши ҳам кўпайгандан кўпайиб борар, кечаги “начайлик бобо”, ниҳоят, ҳаётда ўз ўрнини топгандек.

Энди Чибор-Гижингтой таърифида икки оғиз сўз.

Қадимдан қолган гапбор — айрим болалару айрим тўпичокларга нисбатан “кун сайин эмас, соат сайин ўсди”, дейдилар. Чибор-Гижингтой хусусида ҳам худди шундай дейиш мумкин: у тенгли тойлар ўтган бир йил давомида бир ёшга ошган бўлсалар, бу ажабтовур тулпор икки ёшга ошгандек, бинобарин, росмана арғумоқлар билан бўйлашиб қолган эди. Унда тагин қадимги жангари отларга хос шижоат ва эгасига содиклик шундоққина кўриниб турар, кўпқари чопилаётган майдон четидан айланаркан, дам у томонга — дам бу томонга сурилиб юрган отликлар тўдасининг ўзига яқин келаётганини кўрса, бирданига пишқириб ва кишнаб орқа оёқларида кўтарила бошлар, шунда юган бўш қўйилса борми, иккиланмасдан тўп ичига ўзини урарди, аммо шунда эгасининг “дррр” этган товушини эшитиб оёқлари оёқзалган ерига михланиб қоларди.

Умуман, томошабоп бир ҳайвонга айланган эди. Масалан, оёқлари қутилмаганда чўзилиб, қорин томони хийла тортилган, ўмрови эса шундай балқиб чиқа бошлаган эдики, дуч келган тепа-тоғларни ҳам уриб кетадиганга ўхшарди. Мана бир ойдирки, уйдаги кўраси тагини нақ шудгор қилиб ташлаган эди. Ажаб, юмронга ўхшаб нуқул ер қавлар ва шу ҳолида ҳам қандайдир рақибни ортидан ҳужум этаётган каби орқа оёқларини кўтариб тепинар эди. Энди денг, кўчадан бирон отнинг пишнабми, кишнабми ўтгани-

ни эшитсами... бир юз саксон градус бурилиб кетарди. Тагин у эгасининг эрта кўпқарига миниб боришини аввал оқшом сезар, сувдан ҳам, емишдан ҳам ўзини тортар эди.

Хуллас, Чибор-Бодомгул кўпқарибой бўлиб бўлган, энди уни қурга бошлаб киришгина қолган эди. Қурга...

27

Эртага кўпқари. Тўполон бўйида. Бугун эрталабдан у ерда иш қизишиб кетди: ёнбағирдан уйда-уйдай жойларни кесиб текислашар, ясси тошлар супага айлантирилар...

Бўри Қоранинг юраги уриб қўймаганидан — икки-уч марта кўчага чиқиб, дарё томонга кўз солди. Одам кўп. Эшакли, отлиқлар ҳам бор эдики, кўпқари соҳибларигаю меҳмонларга жой ҳозирлаш ҳашарга айланиб кетганга ўхшарди. Кўчадан келаётиб, бурилишда тухтаган бозорчиларнинг гаплари ҳам буни тасдиқлар эди.

— Юринглар-е, бизниям кўлимиз тексин. Савоб бўлади. Шу текисланаётган жойлар кейинги кўпқариларга ярайди...

— Рост айтасиз, Ҳожи бобо. Назар отанинг ўтказиб қўйган жойи кўп.

Бу гапларни Бўри Қора ўз қулоғи билан эшитар, яна қанча бозорчиларнинг бориб, ҳеч бўлмаса, “ҳорманг-бор бўнг”, қилишларини тусмоллар ва Назар қассобнинг эл орасида хийлагина иззат-ҳурмати борлигини зўрға тан олиб, уйига қайтиб кирар ва бирданига ҳовлиқиб ҳамда негадир йиғламсираб Чиборнинг бўйнидан қучоқлар, кокилларини силар ва тумшугидан ўпар эди.

Ҳа, Бўри Қора бугун эрталабдан бери жонсарак, ўзини кўярга жой тополмасди. Баъзан ер тепиниб, қассобнинг кўпқарисига бормасликни ҳам ўзига уқтирарди. Ҳа-да, унинг маслаҳат ошига ҳам бормади. Бугун ҳам эрталабки ошга чиқай демади. Оғир бир нарса унинг оёқларига гўлдек осилиб турар, туриб-туриб ўзини койиб ҳам берарди: ахир... ахир, бир эмас, иккита айтувчи уни тўйга чорлаб кетган эди-да! Ахир, ўзи тўй бошилардан бири бўлар экан, ўша ерда туриши лозиммасмиди?! Урф-одат шунини талаб этади. Йўқ: кўчада, боғда изғиб юриб, охири яна: “Бормайман!” деганига бало борми?

Лекин борса, албатта, Гижингтойни миниб боради. Тўйхўрларнинг шундоқ бурилиб қарашини ҳозироқ тасаввур этади. Бир четдан Назар қассобнинг илжайиб чиқиб келиб: “Хуш кўрдик”, дея таъзим қилишию отнинг жиловидан тутмоқчи бўлишиниям...

Йўқ-йўқ: отни бермайди. Умуман, унинг кўшхонасига қадам босмагани... Ўзи илгариям унинг остонасидан ҳатлагани эсида йўқ.

Бўри Қора қассобга азалдан паст назар — аслида ҳасад билан қарар, қассоб ҳам ўзига муносиб муомалани талаб этмас эди. Афтидан унинг-да “катта”ни писанд этмагани — шу эди.

Шу ўринда бир чекиниш лозим: бу туманда, масалан, новвойхоналар бор, аммо улардан нонни ўша атрофдаги муаллимлару дўхтирлар, хуллас, зиёли халқи олади. Бошқа одамлар уйда ёпилган нонни ейди. Бироқ қизиқ, тандири, уни, кайвониси бор, тандир нонни еб юрганлардан биронтаси новвойхонадан нон олса, ўзининг уялгани-уялган, қўшнилари ҳам уят қилишар эди. Ёхуд қассоб дўқонидаги гўштдан ҳам ҳар ҳафта ёки ўн беш кунда уйда мол сўядиганлар ҳарид қилишмас эди: бир кило, икки кило гўштни уйига кўтариб келиш ҳам... уят саналар-

ди-да. Демакки, Назар қассобнинг ҳаммиша янги гўшт узилмайдиган дўқони ҳам атрофдаги зиёлилар учунгина хизмат қиларди, дейиш мумкин. Қарангки, мелиса аҳли зиёлиларга қўшилмаса ҳам, қассобхонадан гўшт олар, табиийки, арзон тушириб олишар, шунинг учун уларнинг қорасини кўрган ҳаваскор қассоб ҳам ичида сўкиниб, “ҳозирланиб” турарди...

Назар отанинг дўқонидан эса ҳеч бир мелиса истанган гўштини ололмас ва “бор пулим — шу” деб кетолмас эди. Нима ҳам дейсиз, Назар ота ўз қадрини биладиган одам-да.

Яна Бўри Қоранинг уйига қайтамиз. Дарвоқе, уй эгасининг кайфияти ҳамма нарсадан сезилиб турарди. Шабкўр кампири эса чолига, умуман, гапирмай қўйган эди. Ҳолбуки, Бўри Қора укаси Носирнинг нега келмаётгани, Умар синчидан ҳам дарак йўқлиги ҳақида кампирига саволомуз гаплар қилар ва гоҳо бақариб юборарди: “Телефонга ҳазир бўл! Ишлаяптими ўзи! Олчинни ҳам худо урдими, дейман!”

Ҳа-да, булар учови ҳам бугун отахондан хабар олишмаган эди. Бўри Қора уларнинг ҳозир қаерда эканларини ва бугун оқшом барибир хабар олишларига ақли етар, аммо бу унга тасалли бўлолмасди.

Мана, қош қорая бошлади. Бўри Қора кўрага бораётиб чироқни ёқиб юборди. Жаҳл билан ёққан экан, буни Чибор-Гижингтой ҳам сезиб, бир сапчиб тушди. Ва кўзларидан бинафшаранг нур таратиб эгасига тикилиб турди. Буни кўрган Бўри Қоранинг Чиборвойга ҳам жаҳл билан бир нималарни тушунтиргиси келиб кетди. Аммо ўзининг ичидан ўтаётган барча сир-савдони Гижингтой сезиб тургандек туюлди.

Кўрага тушаркан:

— Хе, қадрдон, салом... — деди. — Аттанг тилинг йўқ-да... Сен еб ташлайсан ҳар қандай тулпорни ҳам! — дея гудраниб отни айлана бошлади. Кейин таққа тўхтаб, Чиборга гурур ва фахр билан тикилди: — Бир эгарлаб кўрайми? — деди ва шу оннинг ўзиде Чиборни кумуш югану Чиялидан келган жабдуқларда тасаввур этиб, эгарлаганча бўлди, сўнг — Жонивор, посон бўлиб борганинга яраша кўрни ёриб кирасан-а? — деди. — Ҳамманинг оғзи очилиб қолади... Кирасан, албатта! — Кира олмаса, аямасдан қамчилайдигандек туйди ўзини. Иттифоқо, ўзи ҳақида ўйланиб қолди: — Кучим етармикан зотни кўтариб олишга? Эгардан энгашиганимда қорним халқит берар-ов... Аттанг, кўпқарига кириб туришим керак экан-да!

Сўнгра бирдан жиддий тортиб, жуда катта кетаётгани, холбуки, Чибор ҳали кўпқарига кирмагани, ҳаҳа, биринчи бор киришини ўйлаб, отга кўпхам жабр қилмасликни кўнглига тугди.

Шунда уй томондан Носирнинг қақиргани эшитилди:

— Ака-а!

Бўри Қора эндигина креслога ўтирган эди, ҳовлиқиб туриб кетди ва беихтиёр бедапоёга юзланиб, ошхона олдидан эгилинқариб келаётган Носир билан Умар синчини кўрди. Ортиқ даражада ҳаяжонлариб кетгани учун қаҳри келиб:

— Э-е, бормисизлар? — деди. — Келардиларинг-да...

Улар кечикиб келаётганлари сабабини айтишга шошгандек илдамлай қолишди.

— Акажон, узр... — дер эди Носир ҳиқиллаб. Кўра четиға етиб келгач, оғасининг соғ-саломатлигига иймон келтирмоқчи бўлгандек қўлларини узатиб, Бўри Қоранинг бармоқ учларини олди, холос. — Акажон, кечирасиз. Мен тоғдан келяпман.

— Сиз омонмисиз, синчи? — деди Бўри Қора. — Тўйхона отга тўлиб кетгандир?

— Тошиб ҳам кетди, каттажон, — дея Носирдан бўшаган дасти-панжани қисибгина кўйди-да: — Шу ерда гаплашаверамизми? — деб сўради синчи.

Бўри Қора асабий хўрсиниб, зинадан юқори кўтарила бошлади. Синчи чекинди, Носир акасининг тирсагидан олиб, чиқишига кўмаклашди. Сўнгра учовлон айнаи бир вақтда Гижинтойга қараб, тек қолишди. Ниҳоят, Бўри Қора:

— Ҳайвон бўлсаям ҳамма нарсани тушунади, — деди. — Эрта кўпқарига боришни ҳам билиб турибди!

— Кўчадан қанча от қай мақсадда ўтганини билиб туради бу жонивор, — деди Умар синчи ва шошиб “суюнчи ола бошлади”: — Сурхон бўйидан туркманлар ҳам келишди, каттажон, бир малласи сизни кўп сўради... Бўри Қора тек қолиб, хаёлида олтинранг тойни эргаштириб кетаётган отлик намоён бўлди. Шу асно Акмал жўраси билан унинг олим дўсти ҳам кўз олдига келди. Ва уларнинг ҳар қанча миллатсевар бўлганлари билан кўпқари-улоқ пойғаларига келмаслигини ўйлаб ғашланди ҳамда ўзини улардан аълороқдек тўйди.

— Ўзим кўрмадим-у, Акмал акаям келибдилар, — деб илова қилди Носир.

Бўри Қора учиб туриб:

— Акма-ал? — деди. Хато эшитмадингми ўзи? Акмал Тўполонга келади-ю, меникига кирмай, қассобнинг қўшхонасига борар эканми? Шуям гап бўлди-ю! Қассобнинг уйига унинг итиям адашиб киргани йўқ. Назар қассоб қаёқдаю Акмал қаёқда!.. Умарбой, юринг.

Умар синчи жиламан деган жойида чайқалиб тўхтади.

— Аммо-лекин шилапали одамлар ҳам кўп эди, огажон. Кейин ҳам “Волга”да келишди. Қассоб икки букилиб кутиб олди... Укангизнинг гапида жон бўлиши керак. — У мунгайиб қолган Носирга қараб олди. Афтидан, бу йўриғда йўлда ҳам гаплашишган-у, аниқ бир фикрга келишолмаган эдилар.

Бўри Қоранинг энди жахли чиқиб кетди.

— Эй, сиз ҳам ўйлаб гапираяпсизми, синчи? Акмал ким-у, мен кимман? Тўғрими, Носир?... Э, лапашанг. Ўшаларнинг олдига бориб, суриштириб олсанг ўлармидинг? Тавба! — Бўри Қора қийналиб кетиб, осмонларга қараб уфлади. — Акмал жўрам-а... — Ҳа, Акмалдан бошқа унинг дўсти йўқ эди. У ректор, ўзи милиция бошлиғи бўлди. Муносабатлари эса худди ёшлиқдагидек қолаверди... Ҳа, Акмал бу заминга келар экан, Бўри Қоранинг уйини босиб ўтолмайди! Ўтиб қолса ҳам, тўғри... қассобнинг уйига бор-майди! Шошма-шошма, қассоб билан ўзининг орасида той жанжали борлигини билади-ку у? Жуда яхши билади! Чиборни кўришга ишқибозлиги ҳам бор... — Қизиқ-а! — деб юборди кейин. — Қани, юринглар энди! Хўш, кун бўйи тўйхонада бўлдингларми... азаматлар? Шунчалик қизиқ бўлдимиз унинг томошаси? Карнай-сурнайининг товуши бу ергаям эшитилиб турди...

— Йўғ-е, — деб жилди Носир ҳам. — Мен азонлаб Керага томонга кетиб эдим. Тўл туриб қолди, ака... ўзингиз хабар олганингиз йўқ. Энг “ҳалолман” деган чўпон ҳам шу кунларда ўғирлик қилади. Бўри-қашқир ҳам сизнинг отларингизга оралайди, албатта...

— Ҳим... Хўш, тўғал эканми совлиқлар? Эгиз туққаниям борми?

— Бор-бор. Айнаи вақтида борган эканман.

— Ҳим... Умарбой, сиз қайси товға чиққан эдингиз?

— Ҳе, каттажон-е, —деб илиққина кулимсиради

синчи. — Аммо- лекин ҳарқанча ўпка-гина қилсангиз арзийди. Айб бизда... Фақат мен ўзимни оқлаш учун шуни айтишим мумкинки... юринг-юринг... уйдан кўчага чиқолмай қолдим. Тожикистондан келган чавандозлар отларини кўрсатишди. Улар отларни миниб, тоғма-тоғ ошиб келишган экан. Кўп қийналишибди. Жала-дўлда қолишибди. Тақалари туриб кетган. Темирчиниям қақриб...

— Ишқилиб, кўпқаридан зот айирадиган қилиб бердингларми?

Кўса синчи бирдан жиддий тортди.

— Қалмоқ синчи башорат қилгани учун кўзи ўйилган эди... («Алломиш» достонига ишора).

Бўри Қора ҳам, бирдан сергак тортди.

— Шундай денг? — Кейин ишшайди. — Раҳмат, кейин кулиб юборди — Башоратингиз тўғри чиқмаса, нима қиламан?

— Соқол-ку йўқ, Каллада қолган сочни юласиз-да.

— Яшанг. Раҳмат... Қани, уйга тортинглар. Сизларни билмайман-у, мен тортганим йўқ! Э, айтмоқчи...

— Каттажон, фақат бир илтимос бор.

— Хўш-хўш?

— Бодомгулни ўзингиз...

— Нима-а? — дея бурилиб қаради Бўри Қора. — Мен миниб тушмасам, ким миниб тушади... Носирми?

— Энди, кўпқаричилик. Баъзан...

— Баъзан-маъзани йўқ. От эгаси бўлатуриб кучим борида... Ахир, ўзингиз ҳам нукул Бодомгулни биров минмасин, дер эдингиз! Уни минги қилишди-ям...

— Каттажон, афу этасиз. Гапим чала қолди... Майли, ўзингиз миниб тушинг, хўп! — Шундай деб от эгасига тикилганча овози титраброқ давом этди: — Фақат уни авайлаб-аяб... Кўрга биринчи кириши. Ўзингизга ҳам эҳтиёт бўлиб...

— Уф, — бирдан хўрсиниб юборди Бўри Қора — бир кўнглим, шу кўпқарига бормасам, деб эдим-а! Бирламчи қассобнинг тўйи... Кейин шунча яхши-ёмоннинг ичида кўзи борлар ҳам бор-да, албатта.

— Отангизга, раҳмат каттажон. Кўзи борлар бор, — деб тасдиқлади Умар синчи. — Аммо чумчүкдан кўрққан тариқ экмас дегандай...

— Бўпти-бўпти, — олға босди Бўри Қора. — Шунчаки... айтдим-да. Ҳм, боришга бораман энди.

— Албатта бориш керак! — деб замлади синчи. — Бодомгулнинг ҳам кўрга кирадиган вақти-соати етиб бўлди. Тўлғоқ тутганда... Бир нима демоқчимисиз? Ҳм. Отнинг тириклиги ҳам... — Шу билан маъруза ўқий кетди, айвонга чиқишганда ҳам у давом этарди. — Полвонлар ҳам кўнгли тусаб турган маҳалда курашга тушмаса, касал бўлиб қолади. Ахир полвоннинг полвонлиги...

— Хўп-хўп. Қўлни чайинг... Ҳей, кампир, шу ерда ўтира берамизми ё ичкарига кирайликми?

— Ичкарига жой қилиб кўйдим-ку, — деган овози келди кампирнинг. — Ҳаво салқин...

Ичкарида улар бемалол ўтириб олишгач, гурунқ қизиди. Синчи одатдагича, Бўри Қорага улоқчилик ҳадисларидан сўзлар, Бўри Қора тоқатсизланиб тинглар, гўёки ҳозир кўпқари бошланади-ю, Чиборни миниб майдонга тушадигандек қимирлаб ҳам кўярди. Сўз навбати Носирга етганда, у Керага тоққа қилган сафаридан гапира бошлади-ю, Бўри Қоранинг хаёли кўй-эчкиларига оғиб кетди: ҳа, ўша тоғларга қачон борганини ҳам эслолмайди. Бўри Қора секин ёнбошлаб олди. Кейин Умар синчи қуроқ ёстиқни олиб тиззасига кўйди-да, ўмовини тиради. Ниҳоят, Носир ҳам...

Бўри Қора синчи билан укасини эрта кўпқари бошланмасдан киргоққа етиб боришларини сўраб, кузатаётганда кўча бошида ёлғиз чироғини ловуллатиб бир мотоцикл пайдо бўлди-ю, пойгада ўзадигандай кела бошлади. Бўри Қора уловининг юришидан эгаси ичмаганини тусмоллади. Бирдан қаҳри келди: кечасиям шундоқ хайдайдими мотоциклни? Тагин... Бўри Қоранинг уйига яқинлашиб келаётибди. Яқин-яқингача техникаман дегани ушбу дарвоза оғзидан имиллаб ўтар эди.

Мотоцикл шитоб билан келди-ю, бирдан чироғини ҳам, моторини ҳам ўчириб, буларнинг қошида таққа тўхтади.

— Ҳе, отинг ўчсин... Олчинмисан? — деди Бўри Қора.

— Ҳимман, устоз... У ерга тушди. — Салом, синчи бобо, салом... Ассалом устоз! — У Бўри Қорага тирмашиб бир кучоқлаб олди-да, дарҳол қўйвориб, мотоцикл рулидан тутди. — Ичкарига киритсам... — Синчи билан Носир йўл очган бўлиб четланишди. Устоз дафъатан ғурурланиб, қўлларини белига тиради. Кейин, Олчин билан келишиб қўйган гапи бору, шунинг учун у етиб келгандек, меҳмонларга:

— Эса, хуш келибсизлар, — деди. — Уша гап... Эртароқ боринглар. Аргамчига қил қувват эмиш. Ҳа-ҳа-ха... Ҳарқалай, сизлар — менинг энг яқин одамларимсиз.

Улар мамнун бўлишиб, қўлларини узатишди. Шундай қилиб, Бўри Қора ичкарига қайтиб кирди ва йўлак чироғини ёқди. Олчинбой қоронғуда тимирскиланиб, мотоциклни бурчакка тақаб қўймоқда эди.

— Ҳа, одам ўлдириб қочдингми? — дўқ қилди устоз.

— Э, сўраманг... Кутилмаган гаплар! Хўп, тепага чиқамизми?

— Чиқамиз-да энди... Яқинроқ ке. Йўқ, ичмабсан.

— Ҳе, ароқнинг уйи куйсин, — деди Олчинбой. — Ароқ нима қилди Қуролбойни... Айтмоқчи, у ҳозир... Йўқ, юринг. Тепада гаплашамиз — Айвонга чиқишгач, Олчинбой бояги меҳмонлар бу ерда ўтиришганини англагани учунми тўғри меҳмонхонага йўналди. Шуни айтиш жоизки, бу йигит ушбу хонадонга аллақачон тиккасига кирадиган бўлган эди. — Янгам яхши ўтирибдими? Янгабой! Салом... Бизнинг устоз билан бироз гурунгимиз бор. Тушунарлими?

Меҳмонхога киришди. Бўри Қора, одатдагича, пойгада чўкка тушди. Олчинбой девор томондан жой олиб, қаршисидаги деразага қараганча, қўлини фотиҳага очди.

— Омин. Бизга қасд қилганлар паст бўлсин! Аллоҳи акбар!

Бўри Қора чойнак олдида бўлган учун ҳам базур чой қуйиб узатди меҳмонга.

— Томоғингни хўллаб ол.

— Раҳмат, устоз!

— Хўш?

— Акмал жўрангиз келганини эшитгандирсиз?

— Рости биланми? Ўз кўзинг билан кўрдингми?

— Э, саломлашдим-ку, устоз... Кўлларини олиб, ёнлариде ўтирдим ҳам. Сизни хўб сўрадилар...

— Н-нималар деди? — Теран овозда сўради Бўри Қора. — Нима учун келибди қассобнинг тўйига? Мен ҳеч нарсани тушунолмай қолдим.

— Устоз, — деб бир сония жим қолди Олчинбой — мен ҳам бошда ҳайрон бўлиб эдим. Улар Акмал

аканинг “Волга”сида келишди... Ҳе, кутиб олиш бир маросимга айлиниб кетди! Кейин мен ҳам бориб...

— Ҳай, Акмал-а...

— Эрта кўпқаридан кейин уйингизга келар эканлар...

— Аблах!.. Ҳе, номард бола. Шошма, хўш, фақат тўй учун келибдими?

— Ҳа, энди аввалом бор...

— Кейин-чи?

— Энди, тўй-маърақада бир-бири билан юз кўрмас бўлиб юрганлар ҳам ярашиб кетишади-ку, одатда?

— Ҳим, хўш?

— Шу, ўшандай урф-одатлардан гап бошлаб қолишди-да... Айтмоқчи! — дея бошини кўтарди прокурор — Ишонсангиз, дастурхонга фотиҳадан кейин Акмал аканинг биринчи гаплари шу бўлди: “Бизнинг жўра ростдан ҳам кўринмаяпти-ку? Оббо. Билиб айтган экансиз, Назар бобо...”

— Э... Бундан чиқди, Назар унга шундай деган экан-да?

— «Тўйга келмаса керак», дегани аниқ. Лекин гапларидан шундай хулоса чиқардимки, Назар ота сиз билан ярашмоқчи. Чин кўнгилдан. Бунинг учун Акмал акадан фойдаланиб қолмоқчи... Хўш, Акмал ака эски одатларга хурмати жўнидан ҳам бу вазифани гарданига олганга ўхшайди...

— Тавба!

— Бундан бошқа яна бир гап. Қассоб бобо тўйга айтиб борганида, Акмал аканинг уйда олбпрокурор ҳам ўтирган экан. У кишининг таги ўзимиз томондан экан... Қассоб бобо билан тил топишиб қолишибди. Кейин қассоб у кишини ҳам тўйга таклиф этган...

— Қачонги гапбу?

— Ким билади энди... Бирон ой бурунми, ишқилиб, айтувчилик қилиб, марказга борганларида...

— Бўпти. Шу қассобни кўп “сизлама”... Тушундим. Ах, Акмалнинг ҳам, кўнгли бўш-да...

— Шундай гаплар бўлди... Акмал ака оталаридан қолган мулкниям кўрмоқчи эканлар. Аммо-лекин Тўполонни соғиниб қолган эканлар.

— Тўполонни соғинганига ишонаман. Лекин ота юрти... Э-ҳе, аллақачон эгали бўлиб кетган. Билади-ку ўзи?

— Ҳе, энди, кўнгил-да...

Бўри Қора чуқур уҳ тортиб, оёқларини ёнига узатиб юборди.

— Шундай қилиб, Акмал бу кеча ўшанинг уйда ётади-а?

— Ҳа, ахир, ёнларида облпрокурор ҳам бор... У кишини ташлаб бу ерга келмасалар керак? Айтмоқчи, сизнинг қассоб билан тескари бўлиб қолганингиз сабабини у киши ҳам биларкан. Қолаверса, устоз, Чибор отингизни ҳам кўришмоқчи улар... — У олдинроққа сурилиб давом этди. — У кишининг айтишларича, бодомгулли отлар бир замонлар Мачай, Тешиктош томонларда ҳам бўлар экан.

— Ҳим, унинг Мачайга алоқаси бор, де?

— Ахир аждодлари мачайлик экан-да... — Кейин истеҳзоли кулимсираб қўйди Олчинбой. — Биласиз-ку, мачайилар азалдан органга қизиқади. Шунинг учун анави аҳмоқ ҳам адашиб...

— Э, шошма, Қуролбой ҳам ўшалардан-а?

— Икки гапнинг бирида айтарди-ку, “тоғданман”, деб!


— А-а, айтарди... Менга қара, мабодо сен ҳам мачайи эмасмисан?

(Давоми бор)


Кўпчилик ҳайвонларнинг асосий сезги аъзолари бош қисмида жойлашган бўлади. Шундай ҳайвонлар ҳам борки, уларнинг сезги органлари учун бош қисмида жой етарли эмас ёки бошнинг ўзи йўқ. Масалан, денгиз молюскалари бошсиз бўлишади, лекин табиатан уларнинг танаси кўз ва пайпаслагичлар билан таъминланган. Баъзи бир денгиз жониворларининг кўзи эса елка қисмида жойлашган бўлади. Чигирткаларнинг эса эшитиш органлари оёғида ёки қорни атрофида жойлашган бўлади. Кўпчилик капалаклар ўз "шоҳча"лари орқали хид билишади.

Пашшалар эса миттигина бўлсада, асабга тез-тез тегиб турувчи оддий ҳашаротлардир. Ушбу митти жониворлар микроскоп орқали бир неча минг баробар катталаштириб кўрсатилганда янада ёқимсиз, ҳаттоки кўрқинчли кўринишар экан.

Пашшаларнинг тана ва оёқларида жойлашган кўп сонли тукчалари озуқа мазасини билиб олишда ёрдам бераркан. Улар овқат ейиш олдидан оёқлари билан озукани босиб кўришар экан.



## ПАШШАНИ ОЁҒИ БОҚАДИ




### Комил ЖОНТОВ тайёрлади

Пашшалар озукани оёқларига жойлашган сезгир туклар орқали топиб, тумшугидаги хартуми ёрдамида ўзига тортиб, ея бошлайди. (1-расм)

Агар бу жараён 75 маротаба катталаштирилса, пашша хартуми иккита куракдан иборат эканини кўриш мумкин. У озукани хартуми билан қаттиқ босиб иккала кураклари орасидаги ёриқ орқали ўзига тортиб олади. (2-расм)

Янада катталаштириб қаралса, хартумида ҳам оёқларидагидек сезги тукчалари борлиги кўринади. Ушбу сезги тукчалари унга озукани пайпаслаб, таъми, мазасини ҳис қилишига ёрдам беради. (3-расм)

Замонавий электромикроскоплар кўз билан кўриш қийин бўлган ҳар қандай микрожисмларни аниқ кўришга имкон яратди. 2600 марта катталаштириб қаралганда пашша танасидаги ҳаракатланаётган сезги туклари баҳайбат айлана устунлардек кўринади. (4-расм)



Бу кунги юмушни эртага

кўймоқ марғуб эмас.

Тонг-ла не ҳол рўй берурин

кахрафтор айтиб бермас...

**ФИРДАВСИЙ**

Вақт — ғоят мураккаб, илмий ва фалсафий маънога эга бўлган кенг қамровли тушунча. Вақт — ортида қолаётган тарих, олдга чорловчи келажак. У ўзи учун боқий, чексиз ва поёнсиз, инсон учун эса муваққат, ўткинчидир. Вақт занжири даврни даврга улайди. Инсон вақт билан ҳисоблашишга маҳкум. Вақт ҳеч кимга ва ҳеч нарсага қарам эмас...

Инсон умри вақтнинг бир қисми, бир парчаси. Яъни ҳаётда ва вақтда йилт этган шам. Умр тушунчаси инсоннинг дунёга келиши ва уни тарқ этиши жараёнидаги бутун яшаш тарзи ва фаолиятини ўз ичига олади. Умр — азиз, вақт ундан ҳам азиз. Бинобарин, умр мазмуни ҳар кишининг ҳаётлик чоғларидаги хайрли ишлари ҳамда вақтини тўғри сарфлагани билан белгиладинади!

Тадқиқотларга кўра, қарға 200 йил яшаркан. Инсон умри эса ўртача 70-80 йилни ташкил этади. Демак, умр соатлари шунчалик қисқаки, академик шоир Фафур Фулом таъбири билан айтганда уни ўлчамоқ учун олтиндан тарози,

олмосдан тош керак. Таассуфки, бу оддий ҳаётий ҳақиқатга кўпчилигимиз бепарво қараймиз. Гоҳида бойлик қўлдан кетса чуқур ғам-қайғу чекамизу, лекин умримизнинг ғоят қимматли дақиқалари бой берилаетганини ўйламаймиз.

Ривоят қилишларича, қадимда бир шоҳ саройидаги созандани аллақандай сабаб билан ўлимга ҳукм этибди. «Яхшилаб дам ол, тонг отиши билан сени дорга осилади», дебди. Туни билан созанданинг уйида чироқ ўчмабди. Шоҳ аъёнлари бу ҳолдан ҳайрон бўлиб, даричадан секин ичкарига мўралабдилар. Созанда қўлида соз, кўзларини юмиб, нимадир ижод этаётганмиш. «Эй, банда, сени ўлим кутиб турган бўлсаю, сен мириқиб ухлаш ўрнига нималар билан машғулсан?» дейишибди. «Мен шу пайтга қадар бир куйни хаёлан такрорлаб, ҳали мукаммаллаштиришга улгуролмаган эдим. Қатл дамларигача вақт борлигидан фойдаланиб шу куйни маромига етказмоқдаман. Токи, бу куй шогирдларимга мендан эсдалик бўлиб қолгай», дебди. Шоҳ созанданинг сўзларидан таъсирланиб, уни ўлимдан озод этган экан.

Беҳуда сарфланган вақт бора-бора одамни виждон қийноғига дучор этади. Шунинг учун ҳам умрни мазмунли ўтказишга ҳар биримиз ўз ақлимиз, ўз иродамиз билан киришмоғимиз зарур. Вақтни тўғри сарфлаган киши ҳеч вақт афсус чекмайди. Тўғри, яшаб ўтилган умр



**Зайниддин ИСАМУХАММЕДОВ,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, уруш ва меҳнат фахрийси

қисқа бўлса-да абадийликка дахлдор. Аксинча, бемаъно ўтган ҳаёт йўли инсонни пушаймонликка олиб боради. «Вақтинг кетди — нақдинг кетди», деб бежизга айтмаганлар.

Ҳар бир инсон умрининг ганимат дамларидан унумли фойдаланиб, ўз юрти, Ватани учун фойда келтириб яшамоғи лозим. Токи, қачондир вақт сингари олий ҳакам олдидан ҳисоб беришга тўғри келса, «Мен умримни, вақтимни фақат фойдали амалларга сарфладим», дея мағрур айта олсин.



**Вақт - умр гултожи**

“Мени икки киши алдади...”

Урушдан кейинги йиллар. Уйимизда одам кўп, бола-бақра — ҳаммаси шўх. Ҳа, деса идиш синдираверарканмиз. Уйда пиёлалар камайиб кетди. Чой самовардан ичиларди. Ҳамма чойхўр — пиёла кутишга сабр чидамайди.

Ойим дадамга:

— Дадаси, пиёла олиб келинг, ҳаммага етмаяпти, — дедилар.

— Яқинда қалам ҳақи оламан, ўшанда бозорга бирга борамиз, хоҳлаганингизни олиб бераман, — деди дадам бамайлихотир. Дадамнинг кўли очиқ — айтганини бажарарди. Шу сабаб ойим зурур бўлган анча-мунча нарсанинг рўйхатини тузиб кўйди.

Бир неча кундан сўнг дадам ойимни бозорга олиб кетди. Ойим хурсанд... Катта халтани олиб эски шаҳарга йўл олишади. Маҳалладан ўтаётиб, қоратошлик бир танишларини кўриб қолишибди. Тиламчилик қилиб ўтирган экан. Дадам тўхтаб, ҳайрон бўлиб сўз қотибди:

— Ие, ие, нима бўлди?

— Э, Фафур ака, болаларни боқиб оғир, қийналиб қолдим, тирикчилигим ўтмаяпти.

— Туринг, туриг, айб бўлади, нима бўлса ҳам қўл-оёғингиз соғ, эсингиз бутун, меҳнатнинг бошқа турлари борку... — дедилар.

— Йўқ, меҳнатдан қочмайман, фақат дастомаяк йўқ. Пулим бўлганда, ҳам ашё сотиб олиб, иш қилардим...

— Неча сўм керак?

— Беш юз бўлса, етарди...

Дадам дарров ён чўнтақларидан бир пачка беш сўмлик пул чиқариб ҳалиги одамга берибди.

— Бошқа бу ишни қилманг, хафа бўламан-а.

Ойим билан дадам бозорга киришибди. Ойим ҳали у нарсаси, ҳали бу нарсасига харидор бўлармиш, дадамга эса ёқмасмиш. Шундай қилиб улар ҳеч нарсаси, ҳатто супурги ҳам сотиб олмай уйга чарчаб қайтиб келишибди.

Ойим ҳайрон бўлиб нега дадасига ҳеч нарсаси ёқмади. Ҳалиги одамнинг тиламчилик қилиб ўтиргани кайфиятини бузди, шекилли, деб ўйлайди.

Эртасига дадам кўчадан бир даста ҳар хил пиёлалар олиб келди.

— Онаси, мана Сизга пластмасса, янги материалдан ишланган синмайдиган пиёлалар олиб келдим, мана, қаранг... Дадам кўлидаги пиёлаларни ерга ташлаб юборди. Пиёлаларнинг ҳаммаси бетонга урилиб чилпарчин бўлди.

Шунда дадам тарвузи кўлтиғидан тушиб, сўз бошлади:

— Бугун иккинчи одам мени алдади-я, — деди соддадиллик билан. Ойим ҳайрон, буни сезгач дадам: — Кечаги тиламчи бугун маҳалладан ўтаётсам яна тиламчилик қилиб ўтирипти. У ҳаммадан алдаб пул олиб, бола боқаркан, — жавоб бердилар дадам. — Яна манави пиёлаларни сотган йигит “Фафур ака, чинни пиёла олиб нима қиласиз, пластмасса ахши, болалар ташлаб юборса ҳам синмайди”, деб эди.

Ёлгон экан.

Ойим кеча бозордан ҳеч нарсаси харид қилишмагани эсига тушиб сўради:

— Дадаси, нега кеча бозорга олиб бориб ҳеч нарсаси олдирмадингиз?

— Ахир ҳамма пулни тиламчига берган эдим-да — жавоб бердилар дадам кулимсираб. — Эртага ўзим чинни пиёла олиб бераман, ростакамидан...

Дадам қанчалик аччиқ бўлмасин ҳақиқатни, рост гапни ахши кўрар эдилар.

Бир ҳафталик ҳашар

Ўттиз еттинчи йиллар. Москвада адабиёт кунлари бўлган экан. Анжуманга ҳамма ёзувчи-шоирларни олиб боришти-ю фақат дадамни таклиф қилишмапти. Ўзи ўша йиллар дадамнинг асарларини ҳам кам чиқаришар эди. Нима билан овунишни билмай, майдонимиз (уйимизнинг орқасида ҳар

қолаверарди. Кўчадан сув ташийдиган мардикорлар челақдан сувни чайқатиб тўкавергач саратон эмасми, ҳовлимизни балчиққа айлантириб юборишди. Тор кўчамиз худди қишдагидек сиргончик, одам юролмайдиган бўлиб қолди.

Бизнинг уст-бошимиз лой бўлавери-риб, ҳовлида беҳуда сув ташиётган мардикорларнинг тарақ-туруғи ойимнинг жонига теғди... Охири дадамнинг қайсарлиги ҳам ҳовлига “ён бериш” билан тугади. Шундай қилиб, дадам сувга тўймайдиган ҳовуздан воз кечдилар...

Ҳайвонлар кўзғолон кутарди

Урушнинг бошлари. У пайтлар мен кичкина бўлганман. Дадам жуда аччиққа ўч бўлганлар. Қалампирнинг энг аччиқ турини танлаб олиб келиб, бутунлигича тишлаб-тишлаб ер эдилар.

# КУНЛАРДАН БИР КУН ДАДАМ...

доим ёввойи ўтлар ўсиб ётар, ёзда хашақка айланарди)ни обод қилиб, Жанггоҳнинг филиалига айлантирмоқчи бўлибди.

Кўшнилариимиз — Мирза Абдулла қийқирик, Фулом акаларни уйга маслаҳат ошига чақариб, фикрини айтган экан, хурсанд бўлишибди.

Дадам эртасигаёқ иккита мардикор ёллаб, ишни бошлаб юборибди. Кир ўрани кўмиб, майдонни хас-хашақдан тозалаб чим бостирибди, супа ясашипти, майдоннинг ўртасига фонтан қилишмоқчи экан, маҳаллага водопровод ўтмагани боис, ҳовуз қилиб гозу товуслар боқишга келишиб олибдилар.

Дадам бир ҳафта мардикорлар билан баб-баробар меҳнат қилган, “Жанггоҳ” тайёр бўлди. Гуллаб турган атиргуллар, итоғиз, номозшомгул, садарайхон, қорарайхон экилиб, майдон бўстонга айлантирилди.

Кўни билан сув ташиб ҳовузни тўлдиришди.

Ойим супага жой солди, кўрпачалар тўшаб, болишлар кўйди. Ош қилдилар. Мирза Абдулла ака, Фулом акалар чиқишиб, салқинда роҳат қилиб, дадамни мактай-мақтай ёнбошлашди. Дадам дутор чалиб, бошқалар кўшиқ айтиб, кўнгилларини ёзишди. Дадам эрталаб туриб қараса, ҳовуз сувни “ютиб юборган”, гуллар сўлиб ётибди. Яна иккита мардикор олиб келиб, кун бўйи сув ташиб ҳовузни тўлдириб чимларга сув селишди. Майдон баланд жой бўлгани учун у ерга умуман сув чиқмаган экан, шу сабаб сув ерга сингиб кетаверган. Шундай қилиб, ҳар кун бир ҳафтагача икки мардикор кечкурунғача сув ташиб, ҳовуз тўлдиришар, бироқ ҳовуз эрталабгача қуриб

Дадам қалампирни қиша қурутмай сақлардилар (у вақтда консерва қилинмасди). Бир қозон қалампирни қайна-тиб, шишаларга солиб, олиб кўярди.

Ана ўшандай маҳал дадамнинг шўхлиги тутибми ёки бир тажриба ўтказмоқчи бўлибми, уйдаги ҳамма ҳайвонларни бир-бир тутиб, кўшнинг товуклари, эчки-қўйигача оғзига бир қошиқдан ҳалиги аччиқ бўтқадан қўйиб чиқди. Бир маҳал кичкинагина ҳовлимиз хайвонот боғига айланиб кетди.

Ит думини тишламоқчи бўлади, ангиллаб деворга сапчийди. Товуқлар пир-пир учиб, хўроз бўлиб қичқиради. Эчки билан қўй арслону сиртлондек ҳовлини у четидан бу чеккасига югуриб потирлайди.

Бу манзарадан кўрқиб кетган биз болалар фақат йиғлаймиш. Кўшнилар бизникида нима гап экан, деб томошага чиқишди. Дадам қилиб қўйган ишларига жавоб тополмайми, ҳайвонларга раҳмлари келибми ёки бундай бўлишини кутмаган эканми, бу “дод-вой”га чидай олмай: “Мен редакцияга борадиган бўлдим, ишим чиқиб қолди”, деб кетдилар. Бир-икки кун ўтгач, дадам ойимга қилган ишидан хижолат чеккандай, ўзини оқламоқчи бўлиб:

— Мухаррамхон, қаердаям ўқиган эдим. Ҳайвонларнинг сути камайса, товукларнинг тухуми кичрайиб кетса, қўйлар озиб кетса, уларнинг овқатига қалампир қўшиб берилар экан. Қалампирнинг таркибида витамин кўпда, — дегандилар.

ОЛМОС





# Dono qiz

Uyg'ur xalq ertagi

Qadim zamonda bir podsho bo'lgan ekan. U yoshi oltmishga yaqinlashganda bir o'g'il ko'ribdi. Yolg'iz o'g'lini tarbiyalash uchun bir necha enaga tayinlabdi. Biroq shahzoda aqlsiz, farosatsiz bo'lib o'sibdi. Buni ko'rib, podshoning dili xufton bo'libdi. "Mendan keyin mamlakat o'g'linga qolsa, xonavayron bo'ladi. Xalqning sho'ri quriydi", deb tashvishlanibdi. Biroq uning dardini bilgan vazir tasalli beribdi: "Shahzodaga aqlli bir qiz olib beramiz. Xotini uni yo'lga soladi". "Aqlli qizni qayerdan topamiz?" — debdi podsho.

— Buning yo'li oson. Shahzodaga, o'n yashar uloq, yigirma yashar bo'ri, o'ttiz yashar tulki, qirqqa kirgan yo'lbars, ellik yashar qo'zichoq, oltmishga kirgan tuya topib kel, deysiz, — debdi vazir.

Vazirning maslahati bilan podsho o'g'lini yo'lga otlantiribdi. Shahzoda uyma-uy, shahar-shahar yurib, otasi aytgan jonivorlarni qidira boshlabdi. Odamlar uning savoliga ajablanib yelka qisisharmish.

—Yo qudratingdan. Umrimiz bino bo'lib, bunday gapni eshitmaganmiz, — deyishibdi odamlar. — O'n yashar uloq bo'lmaydi. O'n yoshda echki qariydi. Bo'ring yoshini aniqlab bo'lmaydi. Uning yigirmaga kirganini bilib beradigan mard topilmasa kerak. Dunyo dunyo bo'lib, tulkinging o'ttiz yoshga, yo'lbarsning qirqqa, tuyaning oltmishga kirganini birov eshitmagan.

Shahzoda befaahligi tufayli odamlarning ajablanishiga parvo qilmay, yana qidirishda davom etibdi. Bir ko'chada unga yupunroq kiyingan sohibjamol qiz uchrabdi. Shahzoda uni to'xtatib, otasi aytgan narsalarni qayerdan topish mumkinligini so'rabdi. Qiz shahzodani boshdan-oyoq kuzatib chiqqach, miyig'ida kulib qo'yibdi.

—Otangiz topib kel, degan narsalari uloqcha, bo'ri, tulki, yo'lbars, qo'zichoq, tuya emas, odam bolasi, shahzoda, — debdi qiz. — Odam bolasi o'n yoshga kirgan chog'ida xuddi uloqchadek o'yinqaroq, sho'x bo'ladi. Bir joyda tinch turolmay irg'ishlab o'ynaydi. Yigirma yoshida o'zini xuddi bo'ridek dovyurak sezadi. O'ttiz yoshida esa aqli kirib, xuddi tulkidek quvlik, shumliklarni o'rganadi. Qirq yoshida esa xuddi yo'lbarsdek har jihatdan yetilib, kuch-quvvatga to'ladi. Ellik yoshida kishi xuddi qo'zichoqdek yuvvosh tortib, o'yin-kulgidan o'zini torta boshlaydi. Oltmish yoshida esa tuyaga o'xshab kim qayoqqa yetaklasa, ketaveradigan bo'lib qoladi.

Shahzoda quvonib saroyga yuguribdi. Podsho o'g'lidan:

— Aytgan narsalarimni topdingmi? — deb so'rabdi.

— Topdim, — debdi shahzoda hovliqib. — Siz aytgan narsalar jonivor emas ekan. Aytgan gaplaringizning hammasi odam bolasiga taalluqli ekan. Menga bu narsalarni bir kambag'al qiz aytib berdi.

Podsho: "Xudoga shukur, endi murodim hosil bo'ldi", — debdi-da, darrov vazirini chaqirtirib, unga bo'lgan voqeani aytibdi. Vazir shu qizni kelin qilsangiz bo'lar ekan, deb maslahat beribdi. Podsho vazir boshchiligida qizning uyiga sovchi yuboribdi. Qizning ota-onasi podshoning taklifiga yo'q deydilmabdi. Yetti kecha-kunduz to'y-tomosha qilib, yurtga osh berishibdi. Dono qiz shahzodadan maslahatini ayamas, davlatni boshqarishga bajonu dil yordam berar ekan. Shahzodaning aqli noqis bo'lsa-da, xotininig yo'rig'iga yurib, mamlakatni obod qilibdi. El farovon yashabdi.

Yorbek ISKANDAR tayyorladi

Чўлпон, Элбек, Боту, Усмон Носир, Ойбек каби шоирлар XX аср бошларида шеърятимизга янги руҳ ва оҳанг бахш этиб, уни ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатидан янгилади. Ёш шоирлар орасида ўзининг овозини очиқ танита олган истеъдодли шоир — Чўлпон биринчилардан бўлиб аънавий шеърят усулини ўзгартириш кераклигини англаб етди. Шоирнинг эътирофи этишича: “Ўзимнинг йўлсизлигимдан бироз сўзлаб ўтайин: Навоий, Лutfий, Бойқаро, Машраб, Умархон, Фазлий, Фурқат, Муқумийларни ўқийман: бир хил, бир хил, бир хил! Кўнгил бошқа нарса — янгилик қидирадир. Файратий, Олтой, Ойбек, Жулқунбойларни ўқийман, қувонтирадир, холос!” Чўлпон бу ўринда бироз муболаға қилган бўлса-да, ҳақиқатан, кўнгил янгиликка ташна эди.

Жаҳон адабиётини мукаммал ўрганиб чиққан Чўлпон аср бошларида янги — “модерн” руҳидаги шеърятни бошлаб берди. Зеро, бу даврда дунё адабиётида катта ўзгаришлар рўй бермоқда эди.

XX аср бошларида ўзбек бадиий тафаккурида юз бера бошлаган ўзгаришларда жаҳид мафқураси-

А. Блок ва В. Брюсовнинг символизм руҳи билан суғорилган шеърятдан мутаассир бўлган Чўлпон “ўзбекларда рамзчилик эшигини очкучи шоир” (Саъдий) сифатида яратган “Булоқлар”, “Уйғониш”, “Тонг сирлари” мажмуалари ва турли йилларда яратган шеърларида бу йўналишдаги тизмаларнинг гўзал намуналарини яратди.

Чўлпоннинг “Куз” шеъри символистик поэзиясининг нодир намунаси:

*Кўм-кўк экан сарғайдиган япроқлар,  
Оғрик, мағлуб, тутқин Шарқнинг юзидек.  
Бўронларнинг кўзлариким ўйноқлар,  
Ғолиб Ғарбнинг қонга тўлган кўзидек.*

Бунда кузнинг тасвирига кенг ўрин берилмаган. Шоирнинг асл мақсади ҳам бу эмас, балки Шарқ ва Ғарб ўртасидаги қарама-қаршилик, тенгсизликни кўрсатиш.

Чўлпон жуда зиддиятли бир даврда, миллат ва ўлка қисмати ҳал бўлаётган замонда яшади. Шу сабабдан, ижтимоий лирика шоир шеърятининг асосини ташкил этади:

Чўлпон шеърининг оптимизми

*Кишан, гавдамдаги излар бугун ҳам  
битгани йўқдир!  
Темир бармоқларининг доғи буткул  
кетгани йўқдир!  
На мудҳиш, на совуқ — манхус, на  
қизғонмас қучоғинг бор!  
Башар тарихининг ҳар саҳфасида  
қонли доғинг бор!*

кор қилувчи тимсоллар. Шу сабаб, шоир кўнгил билан кишаннинг дўстлашганидан ҳайратда. Бироқ аслида кўнгил кишан билан дўстлаша олмайди, чунки



**Нормат Йўлдошев,**  
филология фанлари номзоди

кўнгил — ҳурлик, кишан — қуллик тимсоли. Бу ўринда шоир кўнгилга киноя қилиб, уни яна курашга чорлайди:

*Кишан кийма, бўйин эгма,  
Ки сен ҳам ҳур тугилгансан!*

Символист шоирни аънавий образлар қониқтирмайди, натижада у шахсий символика яратишга ҳаракат қилади. Чўлпоннинг хазон, булут, кўланка, қор каби тимсоллари билан боғлиқ шеърларида ана шундай ҳолатни кузатамиз. Унинг “мустамлакачи хўжа”ларга нафрати шу даражада чексизки, ҳатто тасвир рамзий маънога сиғмай, очиқ шаклда намоён бўлади: “...совуқ эллардан муз кийиб келгонлар”, “боғимиздан меваимизни тергонлар” каби. Шеърдаги “У қора бошингиз ерларга кўмилсин” мисраси ҳақоратдан оғриган кўнгил дардларини ифодалайди.

Бугунги кунда шеърятимизда жаҳон адабиёти ютуқларидан андоза олиб шаклланаётган “модерн” руҳидаги шеърят пайдо бўлди. Матбуот саҳифаларида ҳам бу борада кўплаб баҳслар давом этмоқда. Чунки бугунги адабиёт XX аср бошларидаги каби янгича поэтик тафаккурни, хилма-хил бадиий изланишларни тақозо этмоқда. Бу ҳодисаларнинг сарчашмаси Чўлпон шеърятидир.

Адабиёт саҳнасига кириб келган ҳар бир янги авлод шубҳасиз, бадииятда недир янгилик яратишга интилади. Чўлпондан сўнг шеърятимизда бир неча авлод янгиланди. Ҳар бир авлод фикр ва туйғу, оҳанг ва тасвирийликда, шакл ва мазмунда ўзига хос янгилик олиб кирди. Бу, албатта, табиий ҳолатдир. Чунки шоир айтганидай, кўнгил доимо янгилик қидирадир.

## “КўНГИЛ ЯНГИЛИК ҚИДИРАДИР...”

нинг ўрни жуда катта бўлган. Адабиётга айнан шу мафқура орқали кириб келган Чўлпон кўп асрлик мумтоз шеърятимиз ҳамда халқ оғзаки ижодининг бой аънаваларидан фойдаланиб, бармоқ ва сочма вазндаги шеърнинг турли шакллари ёзма адабиётга киритди. “Модерн” шеърятининг бир кўриниши бўлган символизм йўналишидаги шеърлар айнан Чўлпон ижодидан бошланган. Бу вақтга келиб, символизм Оврупа ва рус адабиётида оқим сифатида шаклланган эди.

шундаки, кишан инсонни мудом тутқунликда сақлай олмайди. Башар саҳифасида қонли из қолдирган кишанни занг босган. Ундан кутулмоққа энди умид ортиқроқ.

Чўлпон “кишан” га қарама-қарши қилиб “кўнгил” тимсолини қўллайдди:

*Кўнгил, сен мунчалар нега  
Кишанлар бирла дўстлашдинг?  
На фарёдинг, на додинг бор,  
Нечун сен мунча сустлашдинг?*

Кишан ва кўнгил бир-бирини ин-

| МУАММОНОМА                                                   |   |   |    |   |
|--------------------------------------------------------------|---|---|----|---|
| 2                                                            | 3 | 1 | 10 | - |
| 1                                                            | 4 | 8 | 9  | 9 |
| 7                                                            | 4 | 5 | -  | - |
| 5                                                            | 4 | 9 | 6  | . |
| 1. Абдурахмон Жомин асари.                                   |   |   |    |   |
| 2. Атоқли ўзбек шoirи. 3. Нота.                              |   |   |    |   |
| 4. Ғилдирак қисми. 5. Электр асбоб.                          |   |   |    |   |
| 6. Қимёвий бирикма. 7. От "пайабзали".                       |   |   |    |   |
| 8. Тўзал аёл. 9. Туя зоти.                                   |   |   |    |   |
| 10. Фарғона воллий-сидаги туман.                             |   |   |    |   |
| 11. Сўзда туриш. 12. Бошқали дон.                            |   |   |    |   |
| 13. Таомга лаззат берувчи мода. 14. Туркия кўли.             |   |   |    |   |
| 15. Уя. 16. Намозни бошқарувчи. 17. Пардоз.                  |   |   |    |   |
| 18. Қончининг иш ўрни бўлган жой. 19. Нишора.                |   |   |    |   |
| 20. Футболдаги ҳолат. 21. Чуқурлик. 22. Вақт ўлчови.         |   |   |    |   |
| 23. Халқ дostonи. 24. Инглиз адби. 25. Сура қисми.           |   |   |    |   |
| 26. Олтин. 27. Инерт газ. 28. Нота.                          |   |   |    |   |
| 29. Мозий. 30. Ўғил-линг аёли.                               |   |   |    |   |
| 31. "Широк" қиссаси муаллифи. 32. Чаҳарбёр. 33. Нота.        |   |   |    |   |
| 1. Тана мускулларини чиниқтириш спорти. 2. Фасл.             |   |   |    |   |
| 3. Расмий сўров ҳужжати. 4. Идрок. 5. Урф.                   |   |   |    |   |
| 6. Марказий Осиёдаги тоғ. 7. Немис файласуфи. 8. Нота.       |   |   |    |   |
| 9. Маърифатпарвар шоира, биринчи ўзбек журналист аёли.       |   |   |    |   |
| 10. Аамерика халқининг от спорти. 11. Эзгу иш. 12. Олмош.    |   |   |    |   |
| 13. Рим саркардаси. 14. Иззат. 15. Ўлжа. 16. Дарё.           |   |   |    |   |
| 17. Яхши. 18. Кема зинаси. 19. Хушбўй ошкўк. 20. Шамол.      |   |   |    |   |
| 21. Маъмурий худуд. 22. Ойбек романи. 23. Ранг. 24. Брюс ... |   |   |    |   |
| 25. Пировард. 26. Қасам. 27. Қўшин. 28. Махфий.              |   |   |    |   |
| 29. Эстрада гуруҳи. 30. Гул. 31. Қимматбаҳо металл.          |   |   |    |   |

# Асабларга дам беринг, ёшарасиз...

Дейл **КАРНЕГИ**нинг "Қандай қилиб дўст орттириш мумкин" китобидан

Ўзингизга ёқиб қолган илҳомбахш мисралар (у хоҳ назм, хоҳ наср бўлсин)ни битта дафтарга қайд этиб борасиз. Ранжиган ва дилингиз хира бўлган дамларда у кўнглингизни кўтаради, бироз енгил тортасиз. Айниқса, ёмғир ёққан кунлари одам паришон бўлиб қолади. Шунда томчилар садосига ҳамоҳанг ўзингиз ёқтирган мисраларни такрор айтиб чиқсангиз қандай бўларкин?



## БОШҚАЛАРНИНГ КАМЧИЛИГИ ҲАҚИДА ҲАДЕБ УЙЛАЙВЕРМАНГ!

Албатта турмуш ўртоғингизнинг ўзига яраша камчиликлари бор. Агар у авлиё бўлгандами, сизга икки дунёда ҳам уйланмаган бўларди. Шундай эмасми? Шифокор маслаҳатларини эшитиш учун келган бир жувон изтироблар ичра куйган, аянчли бир қиёфада эди. Машғулотлар пайтида унга "Сиз эрингизни йўқотиб қўйсангиз нима қилган бўлардингиз?" деган мазмунда савол берилди. Аёлга бу нарса жуда тез таъсир қилди, у дарров эрининг яхши фазилатларини санаб, ёза кетди. Қарангки, турмуш ўртоғининг кўп ажойиб томонлари бор экан! Оиласидан кўнгли тўлмай юрган аёлларга бир нарсани уқтириш лозим бўлади: Сиз ҳаётда излаб юрган умр йўлдошингиз айнан шу киши бўлади!

## ҚЎШНИЛАРИНГИЗГА ЭЪТИБОР БЕРИНГ!

Одамлар тўғрисида яхши, дўстона фикрда бўлишга ҳаракат қилинг. Маслаҳатларимизни тинглашга келадиган бир аёл эса жуда одамови эди. Машғулот пайтида унга биринчи учратган кишиси ҳақида ҳикоя тузиб келиш айтилди. У трамвайда кета туриб ўзи кўрган одамлар ва ҳаёти ҳақида ўйлади, ўзича тасаввур этиб кўрди. Шу воқеадан кейин аёл қаерга борса, одамлар билан суҳбатлашадиган, тезда тил топишиб кетадиган бўлиб қолди, энг муҳими "азоблари"дан фориғ бўлди. Ахир одам тафтини одам олади-да!

## УЙҚУДАН ОЛДИН ЭРТАНГИ КУН РЕЖАЛАРИНИ ТУЗИБ ЧИҚИНГ!

Ҳеч қачон адо бўлмайдиган уй юмушларидан чарчаб бир аҳволда юрадиган аёллар орамизда кўп. Қачон қараманг, уларнинг вақти тигиз. Бу безовталиқ ва ҳорғинликни бироз йўқотиш учун эртанги кун режасини тузиш топширилди. Нима бўлди денг? Улар анчагина юмушларни бажариб, чарчоқлари камайди. Ўз меҳнатидан кўнгли тўлган аёл дам олишга, ўзига қарашга вақт топа бошлади. Умуман олганда ҳар бир аёл кун давомида ўзининг ташқи қиёфасини безатишга ҳаракат қилсин. Менинг

назаримда аёл ўзининг чиройли эканини ҳис қилиб турса, асабийлашишдан ҳоли бўлади.

## ХАЙР, ТАШВИШ — САЛОМ, ОРОМ

Ҳеч нимани ўйламай ўзингизни бўш қўйинг. Чарчаш ва эзилиш кишини эрта қаритади. Уйда бажариш мумкин бўлган бир неча машқларга эътибор қилиб турсангиз ўзингизни бардам сезаётганингизни ва ташқи кўринишингиз бинойидек бўлиб қолганига амин бўласиз.

Чалқанчасига ётиб, бор кучингиз билан у ёнбошдан бу ёнбошга думаланг. Бу машқни кунига икки марта бажарасиз.

Кўзингизни юминг. Профессор Жонсон айтганидек, мана бундай чиройли сўзларни ичингизда такрорланг: "Кўкда қуёш чарақлайди. Бошим узра тип-тиник осмон. Теварак-атроф сокин ва у шу сокинлиги билан оламни бошқариб туради. Мен эсам, шу табиатнинг бир фарзандиман, шу борлиқ билан тирикман".

Балки, қозонингизда овқат қайнаётганлиги сабабли сизнинг машқ бажаришга вақтингиз йўқдир. Ташвишланманг, курсига ўтирсангиз, бас, яна бир оддий машқ сиз кутган натижани беради. Миср хайкалчасидек тик ўтиринг, кафтингизни тиззангизга қўйинг. Энди оёқ бармоқларингизни аста-секин қимирлатинг, сўнг бўшаширинг. Қўлларингизни бутун аъзойи-баданнингиз билан аста-секин юқорига кўтаринг, токи елкангизга етсин. "Хотиржам дам олинг, хотиржам дам олинг", дея такрорланг ичингизда.

Секингина, тўғри нафас олиш орқали асабларингизга дам беринг. Чуқур нафас олинг. Ҳинд йоглари бир текисда нафас олиш асабларни тинчлантиришнинг энг қулай усули эканлигини бежизга таъкидлашмаган. Юзингиздаги ажин ва салқилиқ ҳақида бир ўйлаб кўринг ҳамда хаёлан уларни кўздан кечириңг. Чимрилганингизда пайдо бўладиган икки қош ўртасидаги ажинларни, оғиз бурчакларидаги чизикларни ёйинг. Бу машқни кунига икки марта қайтаринг. Ана ўшанда шубҳасиз, қалбан енгиллик ҳис этасиз, бир чиройингизга ўн чирой қўшилади.

NNIS TENNIS TENNI



Фотосурет нураллифа: Абдулгани, 4 гунаф

Тодат Тодганова



*Худайберди Зиедов набиранларидан*

Отaxonдан сўрашибди:

- Бува, набиранлардан нди экан, сир бўлмасе негма?
- Ушн, санаса баракаси угади.
- Жуда эртна уйланган бўлсангиз керагов?
- Эртаян уйланганим жўк, кегам уйланганим жўк, аветнда уйланганман.



Отaxonдан яна сўрашибди:


- Набирангиз ўқишга киратан, дейди. Қайсига киратини?
- Небарат ўқишга сиртдан киратан, дейди. Сиртингни кўй, ўртасидан кир, дедим.
- Бува, сиртдан дегани заогни дегани.
- Менга забур керагатас, бўладиган бўса, дириктур бўсин.



Отaxon, тайёр лифти ишлагини нега тўққизинги қаватга қийналиб, дёв тикиб-тушасиз ёки лифтига тушур-майсизми?

- Тушуратман. Бу лифтинга тахминан 5 киши наложки, деб жозиб кўйибди, мен бир ўзим киратан, қоган тўртита одамди қаердан топанан...



|                 |                                                                                   |                |                   |                          |               |               |              |            |                |  |
|-----------------|-----------------------------------------------------------------------------------|----------------|-------------------|--------------------------|---------------|---------------|--------------|------------|----------------|--|
| Компьютер қисми |                                                                                   |                |                   |                          |               |               | Котиб        |            |                |  |
| Жуда майда жисм |  |                |                   | Белги                    | Хуш-ёрлик     |               | Хажм ўл-чови | Спорт тури |                |  |
|                 |                                                                                   |                |                   | Ма-софа                  |               |               |              |            |                |  |
|                 |                                                                                   |                |                   |                          | Мехр          |               |              | Катта хона | Хўл мева       |  |
|                 |                                                                                   |                |                   |                          | Рангли металл |               |              |            |                |  |
|                 |                                                                                   |                | Эрон валю-таси    | Тўла-ган ... (фут-болчи) |               | Ху-зур        | Фой-да       | Ковун нави |                |  |
| Спорт           |                                                                                   |                |                   |                          | Спирт тури    | Му-сиқа асари | Афри-ка юрти | Қалб       | Би-лим         |  |
| Хаё             |                                                                                   |                |                   |                          |               |               |              |            |                |  |
|                 |                                                                                   |                | Поль-як адиби     |                          |               |               |              |            |                |  |
|                 |                                                                                   |                | Жусса             |                          |               |               |              | Чок тури   | Нефть маҳ-сули |  |
|                 |                                                                                   |                | Дарё              |                          |               |               |              |            |                |  |
| Мил-лий таом    | Муно-сабат                                                                        | Ни-шолда ашёси |                   |                          |               |               | Сипоҳ ...    | Дера-за    |                |  |
|                 | Қа-тор                                                                            | Ме-талл сим    | Пой-тахти-Тунис   |                          | Алан-га овози |               | Илон йили    |            |                |  |
|                 | Боз ...                                                                           |                |                   |                          |               |               |              |            | Почта тўло-ви  |  |
|                 |                                                                                   |                | Модда ...Бе-руний |                          |               |               |              |            |                |  |
|                 |                                                                                   |                |                   |                          |               |               |              |            | Ёруғ-лик       |  |
| Кун             | Қон то-мири                                                                       |                |                   |                          |               |               |              |            | Ку-зови тури   |  |
|                 |                                                                                   |                |                   |                          |               |               |              |            |                |  |

Фозилжон ОРИПОВ тузди

# “МАСАЛАН...”

(хажвия)

Ўрозвой мажлисда кўл кўтариб сўз сўрадио, гапни нимадан бошлашни билмай довдираб қолди.

— Мен... мен... айтиб ўтилган ҳамма фикрларга қўшиламан! — дея олди холос.

— Қайси биттасига? — кимдир лўкма ташлади залдан.

Ўрозвой худди нокдаунга учраган боксчидек гангиди-каловландию, яна ўзини кўлга олди.

— Масалан... масалан... ҳамма танкидий фикрларга...

— Ҳеч қанақа танкидий фикр айтилмади-ку, Ўрозвой? — деган товуш эшитилди яна залдан.

Ҳамма гурр кулиб юборди.

— Ўзингиздан эшитиб кўя қолайлик! — аралашди яна бир китмир.

Ўрозвойнинг иситмаси чикиб кетаёзди.

— Масалан... масалан... шу, айрим ҳамкасбларимиз ишга кеч келиб, эрта кетиб қоладилар... Масалан... айрим ҳамкасбларимиз иш вақтида нарда ўйнаб ўтиришади... Масалан... битта-яримтани тушлик вақтида арақ ё пиво ичиш холатлари ҳам учрайди... Масалан... айрим ҳамкасбларимиз ўз ва-

зифаларига лоқайдлик билан қарайдилар... Шу сабабдан махсуслотларимизнинг браки кўп...

— Шошманг, шошманг, Ўрозвой! — столни тақиллатди корхона раҳбари у тарафга кўзойнаги тепасидан қараб, — Жуда яхши танкидий фикрлар билдираяпсиз. Лекин нега конкрет мисоллар келтирмайсиз? “Айримлар ишга кеч келиб, эрта кетади”, “Айримлар иш вақтида нарда ўйнайди, пиво ичиб юради”. Ҳалеб “Масалан, масалан”, дейсиз Масалан, ким? Лоқал битта мисол келтиринг-да, барака топкур! Ким ўшлар? Масалан фалончи пистончиев денг! Танкид адресли бўлсин!

Мажлис зали сув қуйгандек жимжит бўлиб қолди. Гўё суд жараёни кетаяптию, худди ҳукм ўқиб эшиттирилаётгандек... Ўрозвой аввалига илонни кўрган бақадек бақрайиб қолди. Кейин гуноҳ иш қилиб қўйган боладек кўзларини қаерга яширишни билмай довдир-совдир қилди, ниҳоят тутила-тутила деди:

— Масалан... масалан... ўзим...

Эркин УСМОНОВ

Врач ҳузурига кириб, тинмай гапираётган аёлга тилини чиқаришни буюрди.

— Дўхтир, сиз нега менга тилингни кўрсат, дедингиз-у, тилимни чиқарсам, қараб ҳам қўймадингиз?

— Кечирасиз, она, менга бироз осойишталик зарур эди.

\* \* \*

Чекиш ва ичишнинг соғлиққа зарари тўғрисида жуда кўп ўқидим. Бас, энди йиғштираман.

— Бир йўла ҳам чекишдан, ҳам ичишдан қутулар экансиз-да!

— Йўқ ўқийшдан...



Қизиқ, сурабимдаги мана бу тешикчалар қайдан пайдо бўлди экан?



Изоҳнинг ҳожаби йўқ

Комил ЖОНТОВ  
суратлари

\* \* \*

— Нима учун полициячилар уч киши бўлиб юришади?

— Чунки улардан бири ёзишни, иккинчиси ўқишни билади.

— Учинчиси-чи?

— Учинчиси ақлли одамлар билан сайр қилгиси келади-да.